

**Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги**

**“МЕТОДИСТ МАКТАБИ” ЎҚУВЛАРИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ**

**Халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган методистлар,
таълим сифати мониторинги тизими ходимлари, таълим муассасалари
раҳбарлари учун ўқув қўлланма**

(1-ҚИСМ)

Тошкент - 2016

Халқ таълими вазири, п.ф.д., проф. У.И.Иноятов, А.Авлоний номидаги ХТХҚМОМИ ўқув ишлар бўйича проректори, п.ф.д., проф. Н.Х.Рахмонқулова тахрири остида.

Тузувчилар: М.М.Вахобов, Қ.Қ.Иноқов

Мазкур ўқув қўлланма тизимда фаолият кўрсатаётган методистлар, таълим муассасалари раҳбарлари ва ўқитувчиларининг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятларидаги ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларидаги “Методист мактаби” фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган.

Қўлланмада тизимда фаолият кўрсатаётган методистлар ва методист вазифасига заҳира кадр сифатида тайёрланаётган мутахассисларнинг касбий маҳоратини тизимли равишда ошириш, методистнинг вазифалари, методик фаолиятнинг мазмун-моҳияти, йўналишлари, методик эҳтиёжларни аниқлаш методлари, таълим-тарбия сифатини ошириш йўналишидаги илғор иш тажрибаларни оммалаштириш каби масалалар ёритилган.

Ўқув қўлланма “Методист мактаби” ўқувларида, тизимдаги педагог ходимларнинг, методистларнинг малакасини ошириш курслари, ўқув-семинарларида ҳамда ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари ва таълим муассасалари раҳбарлари, ўқитувчилар ўз фаолиятларида мустақил равишда ўз устларида ишлаш жараёнида фойдаланишлари учун мўлжалланган.

Такризчилар: Халқ таълими вазирлигининг бош назоратчилари п.ф.н Ш.Неъматов, Т.Вакилов, А.Авлоний номидаги ХТХҚМОМИ кафедра мудири М.Эргашева, Республика таълим маркази бош методистлари И.Маннопова, О.Мусурмонова, Ф.Олимова, Тошкент шаҳар ХТХҚТМОИ катта ўқитувчиси Н.Нарзиев.

Ўқув қўлланма А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти Илмий кенгашининг 2015 йил 31 октябрдаги 6-сонли қарори билан амалиётга жорий этишга ҳамда нашрга тавсия этилган.

К И Р И Ш

Мустақиллик йилларида таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини ошириш орқали интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган ҳамда фаол фуқаролик позициясига эга бўлган шахсни тарбиялаш Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Ҳаётга чуқур татбиқ этилаётган, ўз тараққиёт йўлимиз – “Ўзбек модели” нинг ажралмас таркибий қисми бўлган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳалардаги ривожланишни таъминлаётган амалий дастур сифатида яққол намоён бўлиб, дунёнинг ривожланган давлатлари ҳамда халқаро экспертлар томонидан “Ўзбекистоннинг кадрлаш тайёрлаш миллий модели” сифатида эътироф этилмоқда.

Энг аввало, таълим-тарбия жараёнининг сифати қуйидаги каби бир қатор муҳим омилларга боғлиқ:

ўқитувчиларнинг замонавий талаблар асосида яратилган шароитлардан самарали фойдаланиб, илғор педагогик ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари асосида дарсларни ташкил этилиши;

ўқувчиларда зарур билимлар ва ҳаётий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган бола шахсини ривожлантиришга йўналтирилган таълим ёндашувини самарали жорий этилиши;

ўқувчиларнинг таълим-тарбия жараёнини ҳамкорлик педагогикаси асосида ташкил этилиши;

ўқитувчининг педагогик эҳтиёжига асосланган методик хизматнинг самарали йўлга қўйилганлиги;

ўқувчилар томонидан давлат таълим стандартларида белгиланган билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштириш динамикасини тизимли кузатиш, ўқувчилар билимидаги бўшлиқлар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга оид чора-тадбирларни самарали амалга ошириш ва бошқ.

Халқ таълими тизимида узлуксиз, сифатли методик хизматни ташкил этиш мақсадида методистларнинг касбий маҳоратини ошириш, методик хизматнинг турли шакллари жорий этиш юзасидан вазирликнинг комплекс чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 декабрдаги “Халқ таълими муассасалари педагогик ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий таъриф ставкалари миқдорларига ўзгартириш киритиш ҳақида” 362-сонли қарори, Халқ таълим вазирлигининг 2014 йил 19 декабрдаги “Халқ таълими тизимида методистлар, таълим муассасалари дефектологи ва ўқитувчи-логопедларнинг такомиллаштирилган лавозим мажбуриятлари ҳамда уларнинг фаолиятини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 346-сонли буйруғи, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини

иҷтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2014 йил 29 декабрдаги “Халқ таълими муассасалари педагог ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорлари ҳамда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман(шаҳар) бўлимлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 63-, 36-ҚҚ-сонли қарорлари шулар жумласидандир.

Тизимда фаолият кўрсатаётган методистларнинг узлуксиз касбий маҳоратини тизимли равишда ошириш, дунёнинг ривожланган мамлакатлари ҳамда мамлакатимизда педагогика соҳасида амалга оширилаётган янгиликларни уларга етказиш, илғор иш тажрибаларни тезкорлик билан оммалаштириш мақсадида **“Методист мактаби”** фаолияти йўлга қўйилди.

Мазкур қўлланма тизимда фаолият кўрсатаётган методистлар, таълим муассасалари раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, ундан ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари раҳбарлари, методистлари, таълим муассасалари раҳбарлари, ўқитувчилар ўз фаолиятларида ҳамда “Методист мактаби” ўқувларида, методистларнинг малакасини ошириш курслари, ўқув-семинар, тренингларда фойдаланиш тавсия этилади.

I. МЕТОДИСТ МАКТАБИ ЎҚУВЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ

1.1. Методист мактаби ўқувларини ташкил этиш тартиби

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлардаги ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларида **“Методист мактаби”** ҳамда мазкур мактаб ўқувлари жараёнини илмий-методик материаллар билан таъминлаш мақсадида Республика таълим марказида **“Методик инновациялар лабораторияси”** фаолияти йўлга қўйилди.

“Методист мактаби” ҳудудий халқ таълими бошқаруви идораларида фаолият кўрсатаётган методистлар, давлат таълим стандартлари мониторинги тизими ходимлари ҳамда мазкур вазифаларга захира кадр сифатида рўйхатга олинган педагогларнинг узлуксиз, тизимли равишда касбий маҳоратини ошириш мақсадида ташкил этилади.

“Методист мактаби” ўқувларининг **биринчи босқичи** ҳар ойнинг охирги жума ва шанба кунлари ташкил этилиб умумий йўналтирувчи ва диагностик ўқувлар ҳисобланади. Бунда барча фан методистлари қуйида берилган намунавий ўқув режа ва ўқув дастури асосида методик хизматни ташкил этишга доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, методистнинг лавозим мажбуриятлари, вазифалари, фаолият йўналишлари, таълим муассасалари ва педагогларнинг методик эҳтиёжини аниқлаш тартиби ва методлари, эҳтиёжга асослаган методик хизматни ташкил этиш йўллари, компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг тажриба-синовини ташкил этишда методистнинг вазифалари, методик материалларни тайёрлашга қўйилган талаблар, илғор иш тажрибаларни аниқлаш ва оммалаштиришга оид билимларга эга бўладилар ҳамда касбий маҳоратларини ривожлантирадилар.

Ўқувларнинг биринчи босқичи жараёнидаги машғулотларда амалий синовлар натижалари бўйича методистнинг касбий маҳорати диагностик картасини шакллантириб, методистларнинг умумий педагогик ҳамда бириктирилган фанлар йўналишлари бўйича методик эҳтиёжларини аниқлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

“Методист мактаби” ўқувларининг кейинги босқичлари ҳам ҳар ойнинг охирги жума ва шанба кунлари ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларининг тегишли кафедралари томонидан методистларнинг эҳтиёжлари асосида **фан йўналишлари** (аниқ, табиий, ижтимоий, бошланғич, филология ва бошқ.) бўйича дифференциал (табақалаштирилган) ёндашув асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда ҳар бир фан методисти бир ойда камида бир марта ўқувларда иштирок этиши шарт.

“Методист мактаби” ўқувларини ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари ва таълим муассасаларига ташриф буюрган ҳолда бевосита амалиёт билан биргаликда ташкил этиш мумкин, фақат амалиёт жараёни ортиқча қоғозбозликни келтириб чиқармаслиги ҳамда таълим-тарбия жараёнига салбий таъсир этмаслиги лозим.

1.2. Методист мактаби ўқувларини ҳамкорлик педагогикаси асосида ташкил этиш.

Ҳамкорлик педагогикасининг асосий мақсади таълим жараёнининг бевосита иштирокчилари ҳамда бу жараёнга билвосита алоқадор шахсларнинг ҳамкорликда таълим мақсадларига сифатли эришишларини таъминлашдан иборат.

Ҳамкорликдаги таълимнинг беш таркибий қисми:

- **Ўзаро ижодий ва ижобий боғлиқлик:** Бутун гуруҳ муваффақияти учун, ҳар бир гуруҳ аъзосининг ҳаракатлари ҳам шарт, ҳам керакли ҳисобланади. Ҳар бир гуруҳ аъзоси ижобий натижа учун ўз тажрибаси, билимини йўналтириши жуда муҳим ҳисобланади.
- **Шахсий жавобгарлик:** Ҳар бир гуруҳ аъзоси ўз иши ва унга юклатилган вазифалар бажарилишига жавобгардир – ҳар бир таълим жараёни иштирокчиси умумий ишга ўз ҳиссасини қўшиши зарур.
- **Бир-бирига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиш:** Маълумотнинг қўп қисми интерфаол методлар орқали муҳокама қилиниши лозим. Чунки тўғридан-тўғри шахслар ўртасида ўзаро мулоқот, бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари, рағбатлантириши ва баҳолаши ўқувнинг самарали бўлишига ёрдам беради. Бундай ўзаро мулоқот, ўзаро тескари алоқа, саволларни ўртага ташлаш, тушунишни баҳолаш, бир-бирига билим бериш ва ўзаро тажриба алмашишни назарда тутати.
- **Самарали муҳокама:** Таълим жараёни иштирокчилари кичик гуруҳларда муваффақиятли ишлашлари учун, улар ишончга асосланган муносабатларни ўрнатишлари, етакчилик сифатларини кўрсатишлари, аниқ мавзу бўйича фикр алмашиниб, мулоқот қилишлари, муаммоли ва баҳсли масалаларни асосли фикрлар, илмий-методик асосланган маълумотлар асосида кўникмаларига эга бўлишлари керак.
- **Гуруҳ ишини самарали ташкил этиш ва натижани таҳлил қилиш:** Гуруҳ вазифани қанчалик яхши бажарганлигини, гуруҳ сифатида қанчалик самарали фаолият олиб борганлигини ўзи баҳолайди. Бунда гуруҳ таҳлили, гуруҳ ишида нима яхши ишлаб, келажакда нимани янада ривожлантириш мумкин эканлиги борасида муҳокама қилишни назарда тутати. Бу каби таҳлил, биргаликда бажарилган ишнинг ажралмас қисмига айланиши керак, бунда гуруҳ нимани бажараётганигагина эмас, балки уни қандай бажараётганлигига ҳам урғу бериш керак.

“Методист мактаби” ўқувларининг иштирокчилари методистлар бўлганлиги сабабли машғулотларни “Андрогогика” – катталар таълимининг энг муҳим қондаси ҳисобланган иштирокчиларнинг тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда ўқувларни тренинг шаклида ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

1.3. Методист мактаби ўқувларини ҳамкорлик педагогикасининг “Гуруҳли тренинг” методи асосида ташкил этиш.

“Гуруҳли тренинг” *(кейинги ўринларда тренинг деб қайд этилади)* ўқитиш методи сифатида ўзининг тарихига эга. Тренингни асосчиси сифатида XX аср ўрталарида фаолият кўрсатган таниқли америкалик олим Курт Левин қайд этилади. Дастлаб мазкур машғулотлар психология соҳасида кенг қўлланилган.

Биринчи гуруҳли тренинг тасодифан бир лойиҳани амалга ошириш жараёнида вужудга келган. Лойиҳа доирасида олимлар махсус танлаб олинган гуруҳ билан машғулот олиб борганлар ҳамда машғулот тугагач, маърузачилар кечкурунлари ўтган кун ва ўзларининг кузатиш натижаларини муҳокама қилишган. Шундай муҳокамалардан бирида бир нечта машғулот иштирокчилари маърузачиларнинг муҳокамаларида қатнашиш хоҳишини билдирадилар.

Иштирокчилар билан амалга оширилган муҳокамалар натижасида маърузачи олимлар ўзларининг кузатишлари ва хулосалари ҳамма вақт ҳам иштирокчиларнинг берилган маълумотни қабул қилишлари ёки тушунишлари билан тўғри келмаслигини, натижада иштирокчилар томонидан бир хилда баҳоланмаслигини тушунганлар.

Натижалар, хулосалар фарқининг таҳлил қилиниши олимлар ва иштирокчилар учун жуда фойдали бўлганлиги сабабли шу кундан бошлаб машғулотдан кейинги муҳокамалар барча иштирокчилар билан биргаликда ўтказила бошланган ва кейинчалик самарали ўқитиш методига айланган.

Айнан шу ерда биринчи марта гуруҳдаги вазиятни ва гуруҳ ишини жамоавий таҳлил (рефлексия- акс эттириш) қилиш методи қўлланилган деган фикрлар мавжуд.

Тренингни ўқитиш шакли сифатидаги афзалликлари.

Гуруҳларда иштирокчиларнинг аввалги билимлари, тажрибалари асосида ўзаро тажриба алмашиш асосида муҳокама ташкил этилади, гуруҳ олдида қўйилган вазифа, муаммони ҳамкорликда ечимини топади.

Тренинг жараёнида аввалам бор гуруҳнинг реал ижтимоий-маданий тажрибасига таянилади. Тренинг давомида иштирокчилар тренер ва гуруҳ аъзолари ёрдамида аввалги, ўзларида мавжуд тажрибани таҳлил қилиш имконига эга бўладилар.

Тренинг ва машғулотларни ташкил этишнинг 10 та қоидаси:

Биринчи қоида: Машғулотларга пухта тайёргарлик кўринг!

Машғулотларга пухта ва мукаммал тайёргарлик кўриш учун ҳар доим ҳам вақт топилавермайди. Бунинг натижаси ва оқибати эса одатда жуда қимматга тушади. Машғулотлар режалаштирилгандан кўра кўпроқ вақт талаб қилиши билан бирга, натижа ҳам қоникарсиз бўлиши муқаррар. Мукаммал тайёргарлик кўриш давомида бир нарсага амин бўлинг, яъни сизни модерация қилинадиган гуруҳ тренер ёки модератор сифатида тан оладими, ёки йўқ. Биринчи вазият бўйича, гуруҳ ишончини оқлаш учун бор имкониятларингизни ишга солинг. Сиз мазкур масалани зиммангизга олган экансиз, яъни тренер ёки модератор бўлишни хоҳлаган экансиз, у ҳолда жуда яхши тайёргарлик кўришингиз керак. Тайёргарлик жараёнида таълимий мақсадни аниқ белгилаш, фойдаланиладиган усул ва методларни мақсадли танлаш, муҳокамалар учун бериладиган саволларни мантиқий ўзаро изчилликда шакллантириб олиш, керакли ахборот-коммуникация технологиялари ва кўргазмали васиталарни танлаш ва тайёрлаш талаб этилади. Шунингдек, машғулотни олдиндан кўз олдингизга келтириб унинг технологик харитасини белгилаб олиш зарур.

Иккинчи қоида: Яхши ва ижодий кайфиятда машғулотларни бошланг!

Ишни яхши бошлаш учун аудиторияда соғлом ва ижодий муҳит яратинг. Машғулотни Сиз, болалар, ўқитувчилар ва умуман мамлакатимизда ҳар шахсни ақлий, жисмоний, маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш борасида яратилаётган шарт-шароитлар тўғрисидаги маълумотлар ҳамда халқаро ташкилот ва тадқиқот институтларининг мамлакатимизни рейтингини юқори баҳолаб, иқтисодий-ижтимоий ривожланаётганлигини тан олаётганлигини ҳаётий мисоллар ва аниқ маълумотлар беришдан бошлаш мақсадга мувофиқ, чунки бу масалалар ҳар бир шахс учун яқин ва муҳим бўлиб, фахрланиш, ғурурланиш ҳиссини янада оширади.

Бу босқични тўғри ташкил қилишдан мақсад, ҳар бир иштирокчида мамнунликни, келажакка ишонч, очиқ ва самимийликни, натижада эса ўзаро илиқ муносабатни шакллантиришда иборат.

Сиз машғулотни белгиланган вақтда бошланг. Негаки, иштирокчилар кеч қолмаслик учун қаракат қилганлар. Айнан машғулотни вақтида

бошлашнинг ўзи келганларга бўлган муносабатингизни, яъни ҳурматингизни намойиш қилади.

Учинчи кун: Мақсадни аниқ белгиланг!

Машғулот бошлангандан сўнг кун тартибини гуруҳ билан келишган ҳолда белгилаш ва бир кунга мўлжалланган мақсадни аниқ белгилаб олиш зарур. “Нима ҳақида гап кетишини ҳамма билади” - қабилида иш тутиш мақсадга мувофиқ эмас.

Мақсадни иштирокчилар билан келишиб олиниси, барчанинг мақсадига айланишига олиб келади ҳамда барчани шу мақсадга эришиш учун ҳаракатланишга бошлайди.

Мақсад белгиланган вақт давомида эришиладиган, аниқ, реал ва ўлчамли яъни машғулот якунида эришилдими ёки йўқми? деган саволга жавоб берадиган бўлиши лозим.

Тўртинчи қоида: Кўргазмалилик (визуал) қабул қилиш хусусиятини эсда тутинг!

Ҳар бир мавзунини бошлашдан аввал иштирокчилар олдига қўйиладиган мақсад ҳаммага кўринадиган жойга туришини таъминланг. Машғулот сифатини таъминлайдиган ахборот-коммуникация ва кўргазмали воситалардан мақсадли ўз ўрнида фойдаланиш зарур. Иштирокчилар ҳар бир мавзу бўйича берилган ахборот ва хулосаларни нафақат эшитиш орқали, балки кўриш орқали ҳам қабул қилиш имкониятига эга бўладилар.

Бешинчи қоида: Ҳамкорликда амалга оширадиган ишларни тушунтиринг!

Уйнинг режасини чизмай туриб, ҳеч ким уни қуришга киришмайди. Сизнинг асосий вазифангиз келишилган мавзу ва мақсадга эришиш ва муҳокама қилиш қоидаларига амал қилган ҳолда ишни тўғри ташкил қилишдир. Ана шундан кейингина мавзунинг муҳокамасига ўтинг.

Олтинчи қоида: Ҳеч кимга алоқадор бўлманг! (Холис ва бетараф бўлинг!)

Машғулотлар жараёнида ўзини ҳамма нарсани биладиган, ўзини доим ҳақ деб ҳисоблайдиган иштирокчилар мавжуд бўлса, уларга алоҳида эътибор бериб, қўллаб-қувватлашдан сақланг. Бу ҳолат бошқа

иштирокчиларининг эътирозига, натижада эса соғлом ижодий муҳитни йўққа чиқариши мумкин. Ҳамма иштирокчиларга бир хил имконият ва шароит яратиб, бир хил назар билан қаранг, бир хил эътибор беринг.

Еттинчи қоида: Саволлар, топшириқлар бериш орқали мақсадга олиб боринг!

Иштирокчилар билан биргаликда қарорлар қабул қилиш, улар “қўларини иштирокчилар орасида топган” тақдирдагина амалга оширилади. Бу ҳолатга Сиз фақат мақсадли саволлар, топшириқлар бериш ҳамда гуруҳларда барчани фаол ишлаши орқали эришишингиз мумкин.

Гуруҳ ва ҳар бир иштирокчи алоҳида нимани хоҳлаётганлиги билиш учун иложи борица фақат “очиқ саволлар” билан мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Очиқ савол нима ?

Ёпиқ савол нима ?

Саккинзинчи қоида: Мавзў, берилган савол чегарасидан четга чиқманг!

Машғулотлардаги гуруҳ ва тақдимот муҳокамаларининг асосий муаммоси - иштирокчиларнинг машғулотга алоқадор бўлмаган масалаларни муҳокама қилишга киришишлари ва мавзудан четга чиқиб кетишларидир. Мазкур ҳолатда маърузачи, тренер, модератор ёки фасилитатор мойчечак (ромашка) усулидан фойдаланиб иштирокчиларни мавзуга қайтаради.

Яъни, гуруҳ билан биргаликда белгиланган мақсадлар, муҳокамага қўйилган саволни такрорлаб уларга эслатади. Ҳар сафар мавзудан четга чиқилганда қўйилган савол эслатилади.

Саволлар ёрдамида, муҳокама қилинаётган масалалар мақсад диорасидан чиқиб кетмадими, “ўзи нима ҳақида фикр билдирилиши керак?” каби саволларни бериб, мавзуга қайтади.

Тўққизинчи қоида: Барчанинг фикри ҳурмат қилиниши, тақдимотларда барча иштирок этишини таъминланг !

Гуруҳлардаги муҳокама жараёни ҳамда тақдимотларда барчанинг иштирокини таъминлаш зарур. Шунингдек, ҳар бир иштирокчининг фикри, таклифлари эшитилиши таъминлаш ҳамда бирор бир

иштирокчининг фикри, таклифи, хулосаси нотўғри танқид қилинишига йўл қўймаслик зарур.

Бунинг учун “ким, нима қилади ва қачон?” қабилида аниқ қарорлар қабул қилиниши яхши натижа беради.

Ўнинчи қоида: Машғулотларни ижобий тугалланг!

Иштирокчилар муҳокамадан кўтаринки кайфиятда, белгиланган режаларни, тадбирларни албатта амалга ошириш нияти билан кетсинлар.

Шу сабабли машғулот иштирокчиларига қуйидаги учта саволни бериб, фикрларини тинглаш зарур:

1-савол: Сиз машғулотлардан фаолиятинигиз учун муҳим бўлган қандай янгиликларни, иш тажрибаларини ўргандингиз?

2-савол: Яна нималарни ўрганишни хохлар эдингиз ?

3-савол: Ўрганган янгилик ва илғор иш тажрибаларни қандай амалиётга жорий этмоқчисиз?

Тадбир якунида гуруҳга билдирилган миннатдорчилик ва ҳар томонлама ишларида омад тилаш кейинги жараёнлар учун яхши натижа беради.

1.4. Методист мактаби ўқувларини ҳамкорлик педагогикасининг “Вазиятлар анализи” методидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш.

Вазият – бу бир-бирига алоқадор факт ва ҳодисаларнинг мажмуи бўлиб, амалиётга боғлиқ маълум босқични, даврни ёки ҳодисани тарифлайди ҳамда раҳбар ёки мутахассисдан муаммонинг ечими бўйича тегишли қарор, баҳо ва ҳаракатларни талаб этади.

Вазиятлар анализининг энг кенг тарқалган методи – бу **“Аниқ вазиятлар анализи”** методи бўлиб, у реал ёки тақлид қилинган вазиятларни чуқур ва мукамал ўрганиш, таҳлил қилишдан ташкил топади.

Аниқ вазиятлар методининг ўқув мақсадлари:

- Таҳлилий (аналитик) фикрлашни ривожлантириш;
- Бирор бир муаммо ечимига оид концепцияни ишлаб чиқиш ва ривожлантириш;
- Катта ҳажмдаги ахборотлар билан ишлаш амалий кўникмасини ҳосил қилиш, муаммоларнинг аҳамияти, кўлами ва даражасига кўра уни муайян тартибга келтириш;
- Муаммонинг ечими бўйича ҳамкорликнинг самарали, оптимал вариантларини танлаш кўникмаларини ривожлантириш;
- Фикрлашни ўзгартириш, яъни авторитар иш юритиш “қолдиқларидан” озод бўлиш;
- Инновацияларни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этишни рағбатлантириш.

“Аниқ вазиятлар анализи” методи асосида ишлаб чиқилган стратегик режа сифатида Халқ таълими вазирлиги томонидан 2015-2019 йилларга мўлжалланган устувор вазифаларни республика, вилоят, туман ва мактаб даражасида бажариладиган ишлар бўйича туркумлаштирилиб, амалиётга жорий этилганлигини мисол қилиб келтириш мумкин.

Аниқ вазиятлар анализи методи юзага келган муаммо, вазият ечимини масалага ижодий ёндашув орқали ҳал этади. Раҳбар ва мутахассислар иш жараёнида стандарт ёки янги ечимларни талаб этадиган турли вазиятлар билан тўқнашади. Иш ва ҳаётий тажрибага эга бўлган машғулоти иштирокчилари, тингловчиларни ўқитадиган маърузачи, тренернинг асосий вазифаси анализ қилинаётган вазиятдан ва унинг ечимига ажратилган вақтдан келиб чиққан ҳолда уларга энг оптимал, инновацион ечимни топиш ва қўллаш йўллари кўрсатиш ёки ечимни топишда уларнинг ҳамкорлигини ташкил этиб умумий қарорга келишларига ёрдам беришдан иборат.

Тренинг, машғулот ва ўқувлар жараёнида асосан, уч хил вазият қўлланилади:

1) *Маълум вазият*: Муаммонинг ечими учун аниқ намуналар қўлланилади, бу ҳолда вазият ечими стандарт усулда ҳал этилади;

2) *Ўхшаш вазият*: Бу ҳолатда мавжуд муаммони бошқа ўхшаш вазиятлар билан қиёслаш зарур, гарчи ўхшаш вазиятлар ҳар доим ҳам бир-бирига монанд бўлмасада, лекин уларда шундай умумий асос, ўзак бўлиши мумкинки, уларни кўрилаётган вазиятга яқинлаштириб ўзгартириш мумкин бўлади;

3) *Номаълум вазият*: Бундай вазият иштирокчиларнинг амалиётида учрамаган ва уни маълум модификация ёрдамида ҳам бирор-бир намуна билан таққослаб бўлмайди, шунинг учун бу вазиятнинг янги ечимини топиш зарур.

Аниқ вазиятлар анализи методидан фойдаланиш алгоритми.

Тақлидий ва амалий ўйинлардан фарқли ўлароқ, аниқ вазиятлар билан ишлаш ўзига хос хусусиятлардан ва тизимли технологик ёндашувлардан иборат.

Аниқ вазиятлар анализининг қулайлиги шундан иборатки, унга бошқа таълим технологиялари, методларига қараганда анча кам вақт кетади. Одатда, анъанавий анализ усули билан вазиятларни ўрганиш учун 40 дақиқадан 2 соатгача вақт кетади. Машғулотларнинг давом этиш вақти вазиятнинг кенг қўламлилигидан ва тингловчилар билимининг чуқурлигига боғлиқ бўлади.

Тингловчилар кичик гуруҳларга (3-7 кишидан иборат) бўлинган ҳолда вазиятга оид маълумотлар билан танишадилар, **гуруҳларда** вазиятга оид материаллари билан танишувдан сўнг, **муҳокамага** ўтилади.

Ҳар бир гуруҳ ўзининг анализ ва ечимини ишлаб чиқади, сўнгра **гуруҳларнинг ўзаро музокаралари** бошланади. Музокара вақтида дастлабки тақдимот ва муаммо ечимининг оммавий муҳокамаси, ҳимояси, шу билан бирга аудиториянинг эмоционал диққат-эътиборини ушлаб туриш зарур ҳисобланади.

Ижодий фикрловчи иштирокчилар **кўп ечимли**: бошқарувга оид, психологик муҳит, этикет қоидалари ва бошқа шунга ўхшаш вазиятларни анализ қилишга мойиллик билдиришлари мумкин.

Аниқ вазиятлар анализи методидан тизимли фойдаланиш мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида жуда самарали натижа беради.

Янги вазият кўриб чиқиляётганда қатнашчилар бир нечта ечимни таклиф этиши ва уларнинг ҳаммаси тўғри бўлиши мумкин, чунки қўйилган мақсадга турли йўллар билан бориш имконияти мавжуд бўлади.

Аниқ вазиятлар анализи методининг ўзига хос хусусиятлари:

1. Муаммонинг ечими бўйича мантикий асосга эга ижтимоий, иқтисодий, амалий вазият моделининг мавжудлиги;
2. Муаммо ечимини кичик гуруҳларда жамоавий ёки индивидуал тарзда ҳал этиш имконияти мавжудлиги;
3. Муаммонинг кўп ечимлилиги, яъни бир нечта альтернатив ечимларни ишлаб чиқишга имкон бериши;
4. Фаолият ва унинг натижасини яхлит гуруҳ натижаси сифатида баҳолаш тизимининг мавжудлиги;
5. Бошқариладиган эмоционал диққат-эътиборнинг мавжудлиги;

1.5. Методист мактаби ўқувлари самарадорлигини ҳамкорлик педагогикасининг “Фидбэк” (“қайта алоқа”) методи орқали баҳолаш.

Фидбэк (қайта алоқа) машғулотлар натижасини баҳолаш методи ҳисобланади. Фидбэкда баҳолаш сонлар тариқасида 1, 2, 3, 4, 5 балл шаклида эмас, балки ҳар бир фойдаланилган усулларга ва уларнинг самарадорлигига изоҳ берилади.

Фидбэк (қайта алоқа) нима мақсадда амалга оширилади ва у қандай бўлади?

Фидбэк машғулотлар, маърузалар ва дарслардан сўнг дарс таҳлилининг ҳулоаси сифатида амалга оширилади. Фидбэк жараёнида ҳамкасбига машғулотни ўтиш жараёнида ўзи амалга оширган ҳатти-ҳаракатлари ҳақида нима ўйлаши ва ҳис қилишини билдириш, ҳамкасбининг ҳам машғулотни қандай ташкил этганлиги ҳақида нима ўйлашини билдириш ҳисобланади.

Фидбэкни бериш ва олиш қийинчиликлари:

- Муносабат бузилишидан қўрқиш;
- Нотўғри тушунишларидан иккаланиш, чўчиш;
- Ҳаракат қилишдаги ишончсизлик.

Фидбэкка тўсиқ бўладиган омиллар:

- Агарда машғулотни, дарсни ташкил этган маърузачи ёки ўқитувчи бошқа вақтларда ўзини умуман дарс вақтида бошқача тутиши, бугун нима учундир ҳаёжонланганлигини айтиб фикрларингизни эшитмасликка ҳаракат қилганида;
- Бу нарсани чин дилдан эмас, балки кўнглидаги ёмон ният билан “Ҳа сени-ми, бир томошангни кўрай” деган маънода қулай вазиятдан фойдаланиш мақсадида фикр билдирилса.

Фидбэк бериш қоидалари:

- Фидбэк бериш учун розилик олиш шарт;
- Ҳаяжон йўқми, текширинг, Сиз тайёرمىсиз фидбэк беришга, олишга;
- Баҳоламанг, балки изоҳланг (ижобийдан бошланг);
- Умумий гап қилмай, аниқ нарсага фидбэк беринг;
- Тахминларга эмас, балки кўрган нарсага суянинг;
- Бирор ўзгартириш киритиб бўладиган мавзу бўйича таклиф беринг;
- Нима кераклигини тушунтиришдан бошланг (нима учун бу нарса кераклигини тушунтириб беринг);
- Қайси вақтда берилишига аҳамият беринг (машғулотдан кейин яқин бўлган вақтда берилади).

- Айтган фикрларингиз ва таклифларингиз тўғри тушунилдими, қайта текшириб кўринг.

Фидбэк олиш қоидалари:

1. Имконият борича фидбэк олиш бўйича бошқалардан сўранг;
2. Машғулот ёки дарсингиз бўйича қандай ахборот олишни хошлашингизни аниқ айтинг.
3. Ўзингизни ҳимоя қилишга ва оқлашга ҳаракат қилманг. Босиқ оҳангда сабабларини билинг ва фидбэк олиш қоидаларини тушунтиринг. Сиз нимани кўзда тутиб бу ишни қилганингизни ҳамкасбингиз тушуниши керак.
4. Олган ахборотингизни текшириб кўринг.
5. Ҳар бир фидбек олиш-бериш якунида бир-бирингизга миннатдорчилик билдиринг.

Фидбек бераётганингизда қуйидаги жумлалардан фойдаланинг:

- * Менимча;
- * Балким;
- * Билишимча;
- * Ўйлашимча;
- * Адашмасам;
- * Агарда;
- * Эҳтимол;
- * Иложи бўлса;

1.6. Фасилитация ҳақида умумий тушунча.

"Фасилитация" сўзи - *"facilitate"* сўзидан олинган бўлиб - ёрдам бериш демакдир. "Методист мактаби" ўқувлари жараёнида маърузачи эксперт ролидан воз кечиб, иштирокчиларга изланишда ёрдам берувчи ёки йўналтирувчи вазифасини бажаришга ҳаракат қилиши лозим.

Иштирокчиларнинг тажрибаси ҳар доим ўзида янгилик учқунларини олиб юради. Фасилитаторнинг вазифаси – шу янгилик учқунларига ўсишда ёрдам беришдир. Тренингнинг энг муҳим натижаси – иштирокчиларни муваффақиятли профессионаллар сифатида иш олиб боришлари учун керакли кўникмалар билан таъминлашдан иборат. Тренингда олинган билимларнинг мустаҳкамлиги – уларни ҳар қандай вазиятга мослаштириб, ишлата олиш демакдир.

Фасилитаторнинг вазифаси умумий олганда – ахборот алмашиш жараёнини йўналтиришдир. Экспертдан фарқи шундаки, экспертнинг ўзи ахборотни бериб, ҳал қилиш йўлларини ҳам ўзи кўрсатиб беради. Бошқача айтганда, экспертнинг вазифаси – аниқ маршрутни кўрсатиб, йўлни белгилаш бўлса, фасилитаторнинг вазифаси эса – ҳаракатга ёрдам беришдир.

Эксперт позицияси

Афзалликлар	Камчиликлар
+ назарий изчиллик + аниқ структура ва мантиқ + силлиқланган (кўп ишлатилган) услуб + вақт чегарасининг аниқлиги + тайёр қарорлар ва хулосалар + катта аудиторияни қамраб олиш	- иштирокчиларнинг пассивлиги - уларнинг тажрибасининг ишлатилмаслиги - услубнинг бир хиллиги - иштирокчиларнинг тез зерикиши, чарчаши - маърузачи томонидан ўз фикрини бошқаларга ўтказишга ҳаракат - индивидуал тажрибаларнинг ҳисобга олинмаслиги

Фасилитатор позицияси

Афзалликлари	Камчиликлар
+ иштирокчилар шахсий тажрибасига таяниш + иштирокчиларнинг фаоллиги + назария ва амалиётнинг боғлиқлиги + иштирокчиларнинг ўзаро тажриба алмашиш - имкониятининг мавжудлиги + янги тажрибани муҳокама қилиш имкониятининг мавжудлиги; + иштирокчиларнинг ижодкорлигидан фойдаланиш; + бир муаммонинг ечими бўйича фикрларнинг хилма-хиллиги; + иштирокчиларнинг бир-бирларини тушуна билишлари;	- муҳокама, амалиётга тайёр ечимлар ва жавобларни киритиш имкониятининг пастлиги; - назарий материалларнинг камлиги; - вақт чегарасига амал қилишнинг қийинлиги; - аниқ режалаштиришнинг қийинлиги - тренернинг муҳокам ташкил этувчиси ва натижага олиб боровчи сифатида иш маъсулиятининг катталиги ва қийинлиги.

Фасилитатор позициясида тренер иштирокчиларнинг шахсий тажрибаларига суянган ҳолда – ҳаётини воқеаларни таҳлил қилиш, рол ижро қилиш, видео ёрдамида қайта алоқа ва таҳлил ўтказиш, ишбилармон ўйинлар усулларини қўллаш имконияти бор. Эксперт позициясидан эса тренер иштирокчиларга фақат ўзининг умумлаштирилган профессионал тажрибасини тушунтириб бериши мумкин. Бу вазиятда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:

- Муаммолар дарахти усули;
- Сабаб ва оқибат усули;
- Видео орқали қайта алоқа;
- Роль ижро қилиш;
- Аниқ воқеани таҳлил қилиш
- Ишбилармон ўйинлар ва бошқ.

**МЕТОДИСТ МАКТАБИ ўқувларининг биринчи босқичи (умумий
йўналтирувчи ва диагностик) намунавий ўқув режаси**

Т.р	Мавзулар	Жами соат	Улардан	
			назарий	амалий
1	Ўзлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизими ва унинг мақсади. Таълим сифатини оширишда методик хизматнинг ўрни.	2	2	
2	Ўзлуксиз методик хизмат кўрсатишда методист фаолияти ва унинг вазифалари.	2	1	1
3	Таълим муассасалари ва педагогларга методик хизмат кўрсатиш йўллари, методик эҳтиёжни аниқлаш тартиби ва методлари.	4	2	2
4	Компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг тажриба-синовини ташкил этишда методистнинг вазифалари.	4	2	2
	Амалий синов.	1	1	
5	Методист фаолиятини ташкил этиш ва ҳудуддаги педагогик эҳтиёж асосида иш режасини тузиш тартиби.	4	2	2
6	Таълим-тарбия жараёнининг методик таъминоти, методик материалларни ишлаб чиқиш, уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш йўллари.	4	2	2
7	Фан уюшмаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини режалаштириш, бошқариш.	4	2	2
	Амалий синов.	1	1	
8	Методик тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси (ўқув, семинар, тренинг, кўрик-танловлар)	4	2	2

9	Илғор иш тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштиришга қўйилган талаблар ва унинг босқичлари.	4	2	2
10	Дарс кузатиш ва уни таҳлил қилиш тартиби.	2	2	
11	Таълим муассасасида методик ишларга раҳбарлик ва методик хизмат узлуксизлигини таъминлаш.	2	1	1
	Амалий синов	1	1	
12	Методистнинг аналитик ва маслаҳат бериш фаолияти.	4	2	2
13	Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш ишига раҳбарлик	4	2	2
14.	Методик хизмат тизимида педагогик диагностика.	4	2	2
	Якуний синов.	3	3	
	ЖАМИ:	48	32	16

МЕТОДИСТ МАКТАБИнинг биринчи босқич (умумий йўналтирувчи ва диагностик) ўқувининг ўқув дастури

1-мавзу. Таълим сифатини оширишда методик фаолиятнинг ўрни (2 соат).

Узлуксиз методик хизматни йўлга қўйишга доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ва уларнинг мазмуни. Методик хизмат тузилмаси. Методик фаолият турлари. Методик хизмат мазмуни ва йўналишлари.

Таълим муассасаларида методик ишларини мувофиқлаштириш.

Таълим муассасаларида ҳар бир педагогнинг касбий компетентлиги ва ўз фани бўйича билим даражасини тавсифлаб берувчи ахборотни таҳлил қилиш.

Педагогларни ўз устида ишлаши учун мотивация яратиш.

Ҳар бир педагогнинг касбий компетентлигини ривожлантиришни муаммоларини ва йўллари аниқлаш.

Касбий компетентликнинг ривожланиш даражаси сифатида ҳар бир педагогнинг касбий фаолият натижаларини диагностика қилишни ташкиллаштириш.

2-мавзу. Узлуксиз методик хизмат кўрсатишда методист фаолияти ва унинг вазифалари (2соат).

Методистнинг асосий вазифалари. Фаолият жараёни. Билиши лозим бўлган асосий билим ва малакалар. Касбий маданияти. Методик

саводхонлиги. Шахсий сифатлар. Жамоани бошқариш ва етакчилик кўникмалари. Тадқиқотчилик фаолияти.

3-мавзу Таълим муассасалари ва педагогларга методик хизмат кўрсатиш йўллари (4 соат).

Таълим муассасаларининг методик ишларини мувофиқлаштириш, методик кенгаш, методбирлашма ишларини ташкил этиш. Аттестацияга тайёргарлик даврида, малака ошириш курслари оралиғида ўқитувчиларни ва раҳбарларнинг талабларини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам беришни ташкил этиш.

Таълим муассасалари раҳбарлари ва ўқитувчилари учун методик хизматга асосланган онлайн кооператив мулоқотни ташкил этиш.

Таянч мактабларини белгилаш ва уларда натижавийлиги юқори бўлган тадбирларни ташкил этиш.

Илмий-амалий конференциялар, очик дарслар, фестиваллар, кўрик-танловлар ташкил этиш. Таълим муассасаси ходимларига йўриқномалар беришни ташкил этиш.

4-мавзу. Компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг тажриба-синовини ташкил этишда методистнинг вазифалари. (4 соат).

Таълимда «стандарт» ва «стандартлаштириш» тушунчалари. Давлат таълим стандартларининг зарурийлиги. Давлат таълим стандартининг моҳияти. Давлат таълим стандартларининг тузилиши. Давлат таълим стандартининг асосий функциялари. Компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг мазмун-моҳияти. Давлат таълим стандартларининг бажарилиши мониторинги натижасида аниқлаган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш.

5-мавзу. Методист фаолиятини ташкил этиш ва режалаштириш (4 соат).

Ҳозирги кунда методистнинг методик фаолияти ва унинг вазифалари. Методик фаолият турлари ва ўзига хослиги. Методик фаолиятни режалаштириш, тақвим ва истиқбол иш режаларини тузиш. Методист хужжатлари. Иш фаолиятининг мониторингини олиб бориш йўллари. Таълим муассасалари раҳбарлари ва педагоглари учун дифференциал ёндашув асосида методик ишларни ташкил этиш.

6-мавзу Таълим-тарбия жараёнини методик таъминоти ва уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш йўллари (4 соат).

Методик маҳсулотлар ва уларнинг турлари. Халқ таълими тизимидаги муассасаларнинг методик таъминотга бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари. Тест, анкета саволларини тузиш усуллари ва ўтказилган натижаларни таҳлил қилиниши. Мониторинг натижалари асосида таълим жараёнидаги камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш йўлларига оид тавсияларни тайёрлаш тартиби. Методик маҳсулотларни яратишга оид талаблар.

7-мавзу. Фан уюшмаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини режалаштириш ҳамда бошқариш (4 соат).

Туманларда фан уюшмаларини ташкил этиш. Фан уюшма фаолиятини режалаштириш. Фан уюшмалари фаолиятини бошқариш. Фан уюшмалар фаолиятининг мониторингини олиб бориш ва ишини таҳлил қилиш.

Ташкилий – педагогик технологияларни жорий қилиш, ўқитувчининг инновацион фаолиятини ташкил қилишни амалга ошириш учун Фан уюшмаларида шароит яратиш. Фаолият шакллари- семинар, тренинг, педагогик технологиялар бўйича аукцион, намойишлар, очик дарслар, ишбилармон ўйинлар ташкил этиш

8-мавзу. Педагог ходимларнинг касбий маҳоратини ошириш бўйича олиб бориладиган ишлар. Методик тадбирлар ташкил этиш ва ўтказиш методикаси (семинар-ўқувлар, кўрик танловлар (4 соат).

Методик тадбирларнинг турлари ва уларнинг ўтказилишидан мақсадлар. Методик тадбирларнинг ташкил этиш йўллари. Ўқитувчининг дидактик тайёргарлигини аниқлаш. Зарур назарий масалалар бўйича дидактик консультациялар (*маъмурият, ўқитувчилар гуруҳи, методбирлашмалар учун*) уюштириш.

Консультантлар томонидан семинар ва консультациялар ўтказиш.

Фан ойликлари, очик эшиклар куни, фан методбирлашмалари қошидаги ижодий лабораториялар фаолиятини ташкил этиш.

Таълим мазмунини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий-амалий анжуманлар, ўқув семинарлар, ижодий учрашувлар ташкил этиш йўллари. Иқтидорли ўқувчиларни ва ўқитувчиларни аниқлаш. Ижодкор ўқитувчилар банкини шакллантириш ҳамда уларнинг иш тажрибаларидан мастер класларини ўтказишда фойдаланиш.

9-мавзу. Илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш (2 соат).

Илғор педагогик тажрибаларни аниқлаш йўллари. Илғор иш тажрибаларни ўрганиш, умумлаштиришни ташкил этиш. Илғор иш тажрибаларни оммалаштириш учун тайёрлаш. Тақдимотлар ўтказиш.

Оммалаштирилган ишларни тарғибот қилиш турлари. Илғор иш тажрибаларнинг оммалаштиришда методистнинг асосий вазифалари.

10-мавзу. Таълим муассасаларида дарсларни кузатиш, таҳлил қилиш ва назоратни амалга ошириш (2 соат).

Методистлар томонидан дарсларни кузатиш ва таҳлил қилишнинг мақсади ва вазифалари. Дарсни кузатиш бўйича амалга ошириладиган ишлар. Дарс кузатиш бўйича ташкилий ишлар. Дарсни кузатиш жараёни. Кузатиш натижаларини қайд этиш. Кузатилган дарсни таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш ва асослаш ҳамда тавсиялар бериш. Дарс таҳлили бўйича хулосаларни белгилаш ва асослаш. Кузатилган дарслар таҳлили бўйича хулоса ва тавсияларни умумлаштириш. Тавсиялар ижроси назоратини олиб бориш.

11-мавзу. Таълим муассасаларида методик ишларга раҳбарлик ва методик хизмат узлуксизлигини таъминлаш (2 соат).

Узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш йўналишида мутасадди педагогик ходимларни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 4 июлдаги 144-сонли буйруғи мазмун-моҳияти билан таништириш ва унга амал қилиш. Таълим муассасасида методик ишларга раҳбарлик ва методик хизмат узлуксизлигини таъминлашда раҳбарнинг вазифалари. Методбирлашма ва педагогик кенгашларни ташил этилиши ва уларнинг мазмун ва моҳияти.

12-мавзу. Методистнинг аналитик ва маслаҳат бериш фаолияти (2 соат).

Таълим муассасалари ходимларининг ахборот ва методик таъминот эҳтиёжлари мониторинги;

Педагогик ходимлар ҳақидаги маълумот базасини яратиш;

Таълим муассасаларидаги методик ишларни ўрганиш ва таҳлил қилиш ва такомиллаштириш йўллари белгилаш;

Таълим жараёнидаги дидактик ва методик қийинчиликларни аниқлаш

Ўқув-тарбия жараёни натижавийлиги тўғрисида ахборотлар ва натижаларни тўплаш ва хулосалаш;

Таълим муассасаси ходимларига методик кўрсатмалар беришни ташкил этиш;

Чекка аҳоли пунктларида ўқувчиси кам бўлган мактабларда бир нечта фандан дарс берувчи ўқитувчилар учун методик кўрсатмалар бериш;

Махсус мактаб ўқитувчиларига масалаҳатлар бериш;

Ижодий ишлар ва тадқиқотлар бўйича маслаҳат беришни ташкил этиш;

Ота-оналарга ўқувчиларни тарбиялашга оид масалаҳатларни ташкил этиш.

13-мавзу. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини оширишини ташкил этиш ишига раҳбарлик (2 соат).

Халқ таълими тизимидаги малака оширишнинг турли шакл ва усуллари билиши. Педагогларни малака ошириш фаолиятини режалаштириш ва унинг мониторингини олиб бориш.

Аттестацияга тайёргарлик даврида, малака ошириш курслари оралиғида ўқитувчилар ва раҳбарлар талабларини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам беришни ташкил этиш;

ўқитувчилар ва раҳбарлар малакасини ошириш, касбий маҳоратини оширишни режалаштиришда, эҳтиёжини ўрганиш, ташкил этишда ахборот-методик ёрдам бериш.

14-мавзу. Ассесмент - ижодий ишлар ҳимояси (2 соат).

Методистларни касбий ва педагогик маҳорати, новаторлик даражасини аниқлаш ва баҳолаш, уларнинг машғулотлар асосида тайёрлаган шахсий режаси ҳимояси (инновацион технология асосида кичик гуруҳларда ҳимоялар).

Семинар ўқуви охирида ўтказиладиган муҳокама. Ўтилган мавзулар асосида савол-жавоблар. Методистларни ўқувини давом эттириш бўйича фикрлар ва таклифларни олиш.

II БОБ. ПЕДАГОГЛАРНИНГ ЭҲТИЁЖИГА АСОСЛАНГАН МЕТОДИК ХИЗМАТ

2.1.Методик хизмат тизимининг мақсад ва вазифалари.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида халқ таълими тизимида узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизими йўлга қўйилган.

“Методист” сўзининг луғавий маъносига аксарият луғатларда “бирор фанни ўқитиш методикалари бўйича мутахассис”, “таълим бериш методикаларини ўрганиш билан шуғулланадиган, янги методикаларни ишлаб чиқадиган мутахассис” деб изоҳ берилган.

Демак юқоридагилардан шундай хулоса қилиш лозимки, методист фақат фан назарияси бўйича мутахассис бўлиб қолмасдан, балки таълим-тарбия бериш методларини ўрганувчи, ишлаб чиқувчи ва амалиётга жорий этувчи педагог ҳисобланади. Мазкур соҳада ўқув-тарбия жараёнини аниқ тасаввур қилиш, яратилган ғояларни, янгиликларни амалиётга самарали жорий этиш йўллари билиш талаб этилади.

Айни пайтда таълимнинг глобаллашуви, инновацион технологияларнинг жорий этилаётгани, кенг қўламли ахборотлар оқими таълим мазмунини мунтазам янгилаб, такомиллаштириб боришни тақозо этади. Бу жараёнда методистнинг, хусусан, улар орқали амалга ошириладиган методик хизмат кўрсатиш тизимининг ўзига хос ўрни, масъулияти борки, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлиги кўп жиҳатдан методик хизмат кўрсатиш тизимининг изчил ҳамда самарали йўлга қўйилишига боғлиқ.

Узлуксиз методик хизмат деганда, тизимдаги педагоглар, муассасаларнинг йўналишлар ва ўқув фанлари бўйича методик таъминотга бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва таҳлил қилиш;

таълим самарадорлигини оширишга йўналтирилган илғор педагогик технологияларни танлаш ва амалиётга жорий этиш;

методик қўлланмалар, тавсиялар, намунали дарс ишланмалари, назорат топшириқлари тўплами каби методик ишларни тайёрлаш, жойларга етказиш;

синфдан ва мактабдан ташқари таълимга оид методик тавсиялар яратиш, ўқитишнинг янги шакллари жорий этиш, таълим мазмунини такомиллаштириш, самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий-амалий анжуманлар, ўқув семинарлари, ижодий учрашувлар ташкил этиш, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш каби кенг қамровли жараён тушунилади.

Юқоридаги вазифаларни амалга оширишда методистнинг асосий фаолияти қуйидаги йўналишлари иборат:

Аналитик (таҳлил қилиш) фаолият:

Таълим тизмидага педагог ходимларнинг касбий ва ахборотларга бўлган эҳтиёжларини ўрганади ва тизимли мониторингини олиб боради;

таълим муассасаларидаги методик ишларни ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали уларнинг эҳтиёжини, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш йўллари аниқлайди;

таълим жараёнида педагогларнинг дидактик ва методик қийинчиликларини аниқлайди

таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишга оид маълумотларни тўплайди ва таҳлил қилади;

таълим муассасалари ва педагоглар фаолиятининг мониторинг натижаларини таҳлил қилади;

таълим олувчилар билимида аниқланган бўшлиқларни бартараф этиш ва тўлдириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади, амалиётга жорий этилишини таъминлайди;

таълим муассасаларида илғор педагогик технологиялар асосида ўқувчи – ёшларга таълим-тарбия бераётган ижодкор, ташаббускор ўқитувчи (тарбиячи)лар ҳақида маълумотлар банкни шакллантиради ва оммалаштирилишини ташкил этади.

Маълумотлар базасини шакллантириш фаолияти:

Педагогик ахборот банкни ташкил этади (меъёрий-ҳуқуқий, илмий-методик ҳужжатлар ва бошқалар);

рахбар ва педагоглар учун педагогик, психологик, методик янгиликларни электрон вариантда шакллантиради;

таълим муассасалари ва педагогларни инновацион фаолиятига оид маълумотларни тўплаб улар билан рахбар ва педагогларни таништириб боради;

мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, олий ва ўрта махсус таълим дастурлари мазмуни, янги дарсликлар, ўқув-методик тўпламлар, видео-материаллар, тавсияномалар, меъёрий ҳужжатларга оид маълумотлар билан таълим муассасаси, педагогларни хабардор қилади;

замонавий ўқув материаллардан медиатека ва ахборот библиографик фаолиятни ташкил этади.

Ташкилий — методик фаолият:

Таълим жараёнини такомиллаштириш, таълим-тарбия сифат-самарадорлигини ошириш борасида узлуксиз методик хизмат кўрсатади;

ёш педагогларга амалий ёрдам беради;

педагог ва раҳбарларга аттестацияга тайёргарлик ҳамда аттестация ва малака ошириш курслар оралиқ даврида амалий ёрдам беради;

давлат таълим стандартлари ижросини амалга оширишда методик ёрдам кўрсатади ва таълим сифатини оширишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда бажарилишини таъминлайди;

таълим самарадорлигини ошириш, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга қаратилган методик йўриқномалар, тавсия ва ишланмалар ишлаб чиқади ҳамда таълим муассасаларига етказди;

таълим-тарбияга оид тажриба-синов ишларининг боришини назорат қилади, хулосаларини ўрганади, таҳлил қилади, умумлаштиради ва юқори ташкилотларга ҳисобот тайёрлайди;

таълим муассасаларида илғор педагогик технологияларни, инновацияларни синовдан ўтказиш учун тажриба-синов майдончаларини ташкил этади ва уларга методик ёрдам кўрсатади;

ўқув фанлари, таълим-тарбия ишлари бўйича янги педагогик технологиялар, илғор иш тажрибаларни ўрганишга, ўқитувчи (тарбиячи)лар малакасини оширишга йўналтирилган ўқув-семинарларни ташкил этади ва ўтказди;

таълим муассасаларидаги методик ишлар ҳолатини ўрганади, ўқув – тарбия ишлари самарадорлигини оширишда методик хизматга оид йўналишларни белгилайди;

таълим муассасалари педагог ва мураббийларнинг ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатади ҳамда иш тажрибаларини ўрганади ва улардан талабга жавоб берадиганларини оммалаштиради;

таълим муассасаларини ривожлантириш дастурини тузишда қатнашади;

таълим муассасаларида “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси”, “Йил тарбиячиси”, “Билимлар беллашуви”, “Фан олимпиадалари”, кўрик-танловлари ўтказилишини таъминлайди, туман (шаҳар) бўйича “Йил мактаби” ва бошқа танловларни ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этади;

иктидорли ўқувчиларни рағбатлантириш ва аниқлаш учун турли кўрик-танловларни ўтказди;

илғор педагогик тажрибага эга бўлган педагогик ходимларни аниқлаш ва тақдирлашга тавсия этади;

оммавий ахборот воситалари орқали илғор тажрибаларни, таълим соҳасидаги янгиликларни тарғибот қилади.

Амалий маслаҳат фаолияти:

таълим муассасаларига, педагогларга ва ота-оналарга методик хизматнинг фаолият йўналишлари бўйича маслаҳатлар беришни ташкил этади.

Методистнинг фаолият йўналишлари

Т.р	Фаолият йўналишлари
1. Ташкилий-методик фаолияти	
1.	Барча турдаги ҳужжатлар билан ишлаш
2	Ўқитувчи (тарбиячилар) ларнинг методик эҳтиёжларини аниқлаш (ҳар ўқув йилида камида 2 марта, ўқув йили бошланишида ҳамда 1-ярим йиллик якунида)
3	Ўзининг йўналиши бўйича “Маҳорат мактаблари” ва таянч таълим муассасалари фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш
4	Ўзи бириктирилган йўналиш бўйича (ҳар чоракда 1 марта) туман(шаҳар) фан методик уюшмалари фаолиятини ташкил этиш
5	Илғор ўқитувчи(тарбиячи)лар банкини шакллантириш
6	Якуний аттестация(босқичли) (давлат талабларини бажарилиши) натижалари асосида ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини ошириш бўйича амалга оширган ишларини ташкил этиш
7	Оммавий ахборот воситаларида методик тавсия, долзарб мақолалар билан чиқишлари. Конференция ва семинарларда иштирок этиш
8	Давлат таълим стандартлари (давлат талаблари), ўқув дастури ва дарслик, методик қўлланмаларни такомиллаштиришдаги иштирок этиш (дарслик, методик қўлланмаларга берган тақриз ва таклифлари)
2. Илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга жорий этиш йўналишидаги фаолият	
9	Ўзига бириктирилган фанлар бўйича илғор педагогик технологиялар асосидаги дарс ишланмалари банкини яратиш, таълим муассасаларига етказиб бериш (ҳар чоракда камида 3 та)

10	Таълим сифати мониторинги натижасида ўқувчилар билимида аниқланган бўшлиқларни тўлдириш бўйича дарс ишланмалари, методик тавсиялар яратиш.
11	Ўқитувчи (тарбиячи) ларнинг илғор(ижодкор) иш тажрибаларини оммалаштириш <i>(тегишли таълим порталларига киритилганлиги ҳам эътиборга олинади).</i>
12	Ўқитувчи (тарбиячи)ларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга оид кўникмаларини ривожлантириш бўйича семинарларни ўтказиш.
3. Таълим муассасаларида методик ишларни самарали йўлга қўйишдаги фаолияти	
13	Йўналиши бўйича таълим муассасаларида методик кенгаш ва методбирлашмалар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш
14	Педагогларнинг очик дарсларида қатнашиш, дарс таҳлили дафтарини юритиш <i>(ҳафтада камида 2 марта)</i> , шу йўналишдаги амалий-методик ёрдам бериш.
15	Ўз йўналиши бўйича ҳудудда белгиланган тажриба-синов майдонларига методик ёрдам бериш, тажриба-синов натижалари бўйича таҳлилий хулосаларнинг тайёрлаш.
16	Таълим муассасаларидаги методбирлашма раҳбарлари учун ўқув-семинарларни ташкил этиш <i>(ҳар ўқув чорагида камида бир марта)</i>
17	Ўзига бириктирилган йўналиш бўйича Август кенгашларини ташкил этиш, “Фан ойлиги” ва “Очиқ дарслар (машғулотлар) фестиваллари” тадбирларини ўтказиш.
18	Ёш ўқитувчилар(тарбиячи)га амалий-методик ёрдамни йўлга қўйиш <i>(ҳар чоракда 1 марта).</i>
19	Масофавий, онлайн методик хизматнинг турли шакллари жорий этиш.

4. Бириктирилган фан бўйича ҳудуддаги ўқитувчи ва ўқувчиларнинг натижалари бўйича фаолияти самарадорлиги	
20	Ўзига бириктирилган фан йўналишлари бўйича ҳудуддаги ўқитувчи(тарбиячи)ларнинг “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси”, “Йилнинг энг яхши тарбиячиси” кўрик-танловларига тайёрлаш
21	Ўзига бириктирилган фан йўналишлари бўйича “Билимлар беллашуви” ва “Фан олимпиадаси” ни ўтказишда иштирок этиш.
22	Ўзига бириктирилган фан йўналишлари бўйича ўқитувчи (тарбиячи)лар ва таълим муассасаларининг “Энг яхши таълим муассасаси веб-сайти”, “Энг яхши ўқитувчи веб-сайти”, “Энг яхши электрон ахборот таълим ресурси” кўрик-танловида иштирок этишини таъминлаш ва уларни тайёрлаш.
23	“Йилнинг энг яхши фан методисти” кўрик-танловидаги иштирок этиш.

2.2. Педагогларнинг методик эҳтиёжларини аниқлаш методлари.

Бугунги кунда “Энг самарали методик хизмат бу – педагогларнинг эҳтиёжига асосланган методик хизмат” эканлигини тажрибанинг ўзи кўрсатмоқда.

Шу билан биргаликда педагогик жараёнларни, ўқитувчи ва таълим муассасалари эҳтиёжларини диагностика қилмасдан туриб ўқув-тарбия жараёнини оптимал бошқариш мумкин эмас. Диагностика ўтказишнинг асл мақсади ҳолат ва жараён тўғрисида аниқ ва яққол тасаввурни шакллантиришдан иборат.

Педагогик диагностика мақсаддан келиб чиққан ҳолда ўқув-тарбия жараёнининг барча компонентларини қамраб олган ҳолда турли методлар (сўровнома ўтказиш, кузатиш, фокус гуруҳларда ишлаш, тест ўтказиш ва бошқ.) орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Методик ёрдамни амалга ошириш режаси ва чора-тадбирлари айнан методик диагностика орқали аниқланган педагогик эҳтиёжлар асосида амалга оширилади.

Педагогик диагностика қуйидаги вазифаларни амалга ошириш учун имконият яратади:

Методик эҳтиёж ҳақидаги ҳолис ва тўлақонли маълумотларни тўплаш;

Педагогнинг методик эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг педагогик маҳоратини ошириш;

Педагогларнинг ижодий қобилиятлари ва фаолиятларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

Бутун жамоанинг ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини такомиллаштиришдаги фаолиятини яхшилаш орқали, ҳар бир ўқитувчининг педагогик маҳоратини ривожланишини таъминлаш;

Эришилган оралик ва якуний натижаларни объектив баҳолаш;

Методик ишларнинг оптимал режаларини ишлаб чиқиш ва бошқ.

Педагогик диагностиканинг асосий тамойилларига қуйидагилар киради:

Мақсадлилиқ: Бу тамойил диагностика раҳбар ва педагог кадрлар касбий фаолиятининг ҳар бир йўналишлари бўйича мавжуд бўшлиқларни алоҳида аниқлаш ҳамда тайёргарлик даражасини белгилаш юзасидан тегишли аниқ мақсадларга қаратилган бўлишини назарда тутди.

Илмийлик: Бу тамойил диагностиканинг мазмуни, шакли, усуллари, хулоса ва тавсиялари илмий нуқтаи назарларга асосланишни талаб қилади.

Методик асосланганлик: Бу тамойил диагностикани режалаштириш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни мавжуд методик хулоса ва тавсияларга асосланган ҳолда ҳал этишни назарда тутди.

Педагогик технологияларга мувофиқлик: Бу тамойил диагностикани амалга оширишда ҳозирги илғор педагогик технологияларга мувофиқ шакл ва усуллардан фойдаланишни назарда тутди.

Психологик омилларни ҳисобга олиш: Бу тамойил диагностикани ташкил қилиш ва амалга оширишда психологик омилларни ҳисобга олиш, жумладан, шахсий психологик хусусиятлар, темперамент, мулоқот психологияси, психологик вазиятлар ва уларга таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олишни назарда тутди.

Холислиқ: Бу тамойил диагностикани ўтказиш жараёнида ва унинг натижаларини белгилаш, таҳлил қилиш, хулоса ва тавсиялар беришда холисона ёндашувни амалга ошириш бўйича зарур мезонларга тўлиқ риоя қилинишини таъминлашдан иборат.

Даврийлик: Бу тамойил диагностикани маълум даврийликда ташкил қилиб бориш ва натижалари асосида тегишли ишларни ўз вақтида амалга ошириб боришни назарда тутди.

Ҳар хил турдаги шакл ва усуллардан фойдаланиш: Бу тамойил диагностиканинг муайян мақсадларига мувофиқ бўлган турли замонавий шакл ва усулларида фойдаланиш орқали олинadиган натижаларнинг

холисона бўлишини таъминлашни назарда тутати. Шу билан бирга, турли шакл ва усуллардан фойдаланиш касбий диагностикани такомиллаштириб бориш имкониятини беради. Бундан ташқари айрим масалалар бўйича турли шакл ва усулларни қўллаш орқали олинган натижаларни қиёслаш шу масалалар бўйича атрофлича маълумотларга эга бўлиш ҳамда холисликни янада оширишни таъминлайди.

Нативавийлик: Бу тамойил диагностика натижаларини аниқлаш, уларни тегишлича таҳлил қилиш асосида хулосалар чиқариш ва тавсиялар бериш, зарур ҳолларда чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, шу тавсиялар ва чора-тадбирларнинг амалга оширилишини ташкил қилиш, бажарилишини назорат қилиб боришни назарда тутати.

Амалиёт билан боғлиқлик: Бу тамойил диагностиканинг педагог кадрлар амалий фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бўлишини, малака оширишга бўлган эҳтиёжларни белгилаш асосида буюртмаларни аниқ мақсадли шакллантиришни ҳамда курсдан кейинги самарадорликни аниқлаб, келгуси вазифаларни белгилаб боришдан иборат ишларни ўз ичига олади.

Методик хизмат тизимида диагностиканинг босқичлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Педагогик диагностика мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш ҳамда белгилаб олиш;
2. Диагностиканинг оптимал воситалари (методлари, мезонлари ва даражаси)ни танлаш;
3. Диагностикани амалга ошириш муддатлари ва масъулларни белгилаш;
4. Диагностикани амалга оширадиган мутахассислар учун мақсадли ўқувлар ташкил этиш;
5. Диагностикани амалга ошириш;
6. Тўпланган маълумотларни умумлаштириш ҳамда таҳлил қилиш;.
7. Натижалар асосида методик ёрдамнинг режаси, истиқболли режаларини тузиш, чора-тадбирлар белгилаш;
8. Методик ёрдам асосида коррекциялаш ишларини амалга ошириш;
9. Эришилган натижани режа билан таққослаш.

**Педагогларнинг методик эҳтиёжи диагностикаси жараёнида
фойдаланиладиган методлар.**

Т.р	Методлар	Методнинг мақсади ва ўзига хос хусусиятлари
1.	Кузатиш методи	Мазкур метод педагогларнинг хатти-ҳаракатларини дарс ва машғулотлар жараёнида кузатиш асосида ўзига хос бўлган индивидуал хусусиятлари, педагогик маҳоратини аниқлашдан иборат. Кузатиш орқали ўқитувчининг меҳнат фаолияти самараси сифатида ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришлари, дунёқарашлари шаклланиши, хулосалар чиқаришдаги фаолликлари аниқланади, уларни таҳлил этилади. Кузатиш методи педагогнинг маҳоратини ҳамда эҳтиёжини аниқлашга қаратилган бўлади. Бугунги кунда кузатиш методидан дарс таҳлили жараёнида кенг фойдаланиб келинмоқда.
2.	Сўровнома ўтказиш методи	Бу метод кенг тарқалган бўлиб, ижтимоий-психологик тадқиқот методи ҳисобланади. Сўровноманинг тузилиши қўйилган мақсадга мос равишда турлича бўлиши мумкин.
3.	Фокус гурuhlарда ишлаш методи	Фокус гуруҳ – аниқ бир соҳадаги, бир хил шарт-шароитларда умумий мақсадни кўзлаб ҳаракат қилаётган мутахассислар гуруҳи ҳисобланади. Бир хил фандан дарс берадиган ўқитувчиларнинг методик эҳтиёжини аниқлаш мақсадида турли мактабларда дарс бераётган ўқитувчилардан иборат гуруҳ (7-10 киши) ташкил этилади ҳамда уларга тизимли равишда йўналтирувчи саволлар берилиб фикрлари умумлаштирилиб ҳар бир савол бўйича қайд этилиб борилади ҳамда жараён тугаганидан сўнг таҳлил қилинади.
4.	Интервью методи	Оғзаки суҳбат жараёнида зарур маълумотларни олиш методи. Соддадан мураккабга тамойили асосида мақсаддан келиб чиққан ҳолда саволлар берилади.

5.	Тест ўтказиш методи	Мазкур метод стандарт топшириқлар (саволлар, тест)дан иборат бўлиб, берилган топшириқларнинг барча эътироф этган ягона тўғри жавоби мавжуд бўлади. Мазкур метод ўқитувчилар ўртасидаги тафовутларни аниқлашда ёрдам беради ва уларни дифференциаллашган ҳолда методик эҳтиёжини қондиришга имконият яратади.
6.	Мактаб хужжатларини таҳлил қилиш методи	Бу метод орқали ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоаси уларнинг педагогик фаолияти ҳақида аниқ маълумотлар олинади. Мактаб хужжатлари дейилганда, иш режа, ўқитувчиларнинг шахсий хужжатлари, синф журналлари, конспект дафтарлари, педагогика кенгаши дафтари, методика кенгаши, метод бирлашма фаолиятига доир ва бошқалар тушунилади.

Педагогик диагностиканинг “Кузатиш методи” орқали ўқитувчининг методик эҳтиёжини аниқлаш

Дарс бу - бир хил ёшдаги ўқувчилар учун синфда тақвим-мавзу режа асосида белгиланган вақт давомида ўқитувчи томонидан ўқувчилар учун ўқув-тарбия жараёнининг мақсадли ташкил этилишидир.

Замонавий педагогикада таълимнинг умумий шакллари (жамоавий, гуруҳ бўлиб, яқка тартибда) ва ўқув-тарбиявий жараёни ташкил этиш шакллари (*дарс, фан, техника тўғараклари, ўқувчилар илмий уюшмалари, саёҳатлар*) фарқланади.

Таълимни ташкил этиш шакллари педагогик жараёни ташкил этишнинг тарихан мавжуд бўлган, барқарор ва мантиқан тугалланган кўриниши бўлиб, унга мунтазамлик ва яхлитлик, ўз-ўзини ривожлантириш, шахсийлик ва фаолиятли характер, иштирокчилар таркибининг доимийлиги, ўтказишнинг муайян тартиби мавжудлиги хосдир.

Дарснинг тузилишини шартли равишда қуйидагича **иккига** ажратиш мумкин:

Анъанавий дарс: Ўқитувчига, маърузачига йўналтирилган, таълим-тарбия жараёнининг марказига ўқитувчи турадиган дарс. Жараён, сўраш, тушунтириш, мустаҳкамлаш, уйга вазифа бериш шаклида бўлади.

Замонавий дарс: Таълим олувчиларга йўналтирилган, ўқув жараёнида ўқувчиларнинг назарий билим олиши билан биргаликда ҳаётий кўникмалари ривожлантириладиган интерфаол дарс.

Дарс жараёнида ўқитувчи бир вақтнинг ўзида таълим ва тарбия жараёнининг **етақчиси, иштирокчиси ва ташкилотчиси** бўлиб, унинг инновациявий маданияти, ташаббускорлиги, ижодий фаоллиги, ностандарт фикрлаши ва новаторликка бўлган интилиши таълим сифатини таъминлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Дарсларни шартли равишда қуйидаги типларга бўлиш мумкин:

- 1-тип – янги материални ўрганиш дарси.
- 2-тип – билимлар, кўникмаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш дарси.
- 3-тип – билимларни умумлаштириш ва тизимлаштириш дарси.
- 4-тип – билимлар ва кўникмаларни тартибга солиш ва назорат қилиш дарси.
- 5-тип – аралаш дарс.

Ўқитувчининг дарсга тайёргарлигини шартли равишда қуйидаги икки босқичдан иборат:

1. Ўқитувчининг ўз фани юзасидан **умумий тайёргарлиги**.
2. Ўқитувчининг ҳар бир дарсга **кундалик тайёргарлиги**.

Ўқитувчининг **умумий тайёргарлиги** мунтазам амалга ошириб бориладиган жараён бўлиб, ўқув йили бошланиши олдидан қуйидагиларни камраб олади:

— Давлат таълим стандарти (ДТС), ўқув дастури, ўқув режа ҳамда уларга берилган тушунтириш хатларини ўрганиб чиқиш;

— Ўзи дарс берадиган ўқув фанига оид янги илмий ва методик адабиётларнинг мазмуни билан танишиш;

— тегишли кўргазма материалларни, ўқув-жиҳозларини ўрганиш, уларни қўллай билиш;

— илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, таҳлил қилиш орқали ўз билимини кенгайтириш;

— компьютер техникасидан фойдаланиш кўникмасини шакллантириб, бу борадаги маҳоратини ошириш, электрон дарсликлар, матн муҳаррирлари, “ZiyoNet” ахборот таълим порталига жойланган маълумотлардан самарали фойдаланиш кабилардир.

Ўқитувчининг дарсга **кундалик тайёргарлиги** энг асосий вазифалардандир.

Дарсга тайёргарлик кўриш қуйидаги босқичларда амалга оширилиши лозим:

1-босқич: Тақвим-мавзу режадаги янги мавзу ва унга ажратилган вақт (соат) аниқлаштириб олинади.

Ўқитувчининг тақвим-мавзу режасининг намунавий шакли

Т.р	Мавзулар	Мавзуга ажратилган дарс соати	Дарс ўтиладиган сана (Дарс жадвали бўйича сана ёзилади)	Изоҳ
1.				
2.				
3.				

2-босқич: Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастуридан ўтилаётган мавзу юзасидан ўқувчида қандай тушунчалар (билим, кўникма ва малакалар) шакллантирилиши лозимлиги аниқлаштирилиб, шу асосида дарс мақсадлари белгилаб олинади.

3-босқич: Мавзу асосида дарсда фойдаланиладиган техник воситалар, электрон манбалар, слайдлар, кўргазмали ва дидактик материаллар, адабиётлар ўрганиб чиқилади ҳамда дарс ишланмаси (конспекти) ёзилади.

Дарс ишланмаси (конспект)га қўйилган талаблар ва конспектнинг структураси:

Сана, синф (параллел синфлар учун битта мавзу бўйича алоҳида-алоҳида дарс ишланмаси(конспект)ни ёзиш шарт эмас, битта мавзуга битта дарс ишланмаси ёзилса kifoya. 5-«А», «Б» синфлар деб кўрсатилади), **фан номи** ёзилади.

Дарснинг мавзуси (тақвим-мавзу режа асосида ёзилади).

Дарс мақсади (дарсга қўйилган мақсад 45 дақиқа давомида бажариладиган (эришиладиган), аниқ, ҳаётий (реал) ва дарс якунида баҳоланадиган(ўлчамли) бўлиши шарт).

а) Таълимий мақсад — дарс жараёнида ўқувчиларда шакллантириладиган билим, кўникма, малака ва компетенция элементлари асосида белгиланади;

б) Тарбиявий мақсад — дарс жараёнида ўқувчиларда қайси ахлоқий сифатлар шакллантирилиши асосида белгиланади;

с) Ривожлантирувчи мақсад — дарс натижасида ўқувчиларда қайси билимлар ва ахлоқий фазилатлар ривожлантирилиши асосида белгиланади.

Дарс тури: янги тушунча, билимларни шакллантирувчи; ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантирувчи;

умумлаштирувчи; ўқувчилар эгаллаган билим, кўникма ва малакаларни таҳлил, назорат қилувчи каби дарс турлари бўлиши мумкин.

Дарсда фойдаланиладиган методлар: (Ақлий хужум, кичик гуруҳларда ишлаш, аниқ вазиятлар анализи, кейс-стади ва бошқ.)бунда ўтилаётган мавзунинг ўқувчилар томонидан самарали ўзлаштирилишига хизмат қиладиган замонавий интерфаол методларни танлаш лозим.

Дарсда фойдаланиладиган жиҳозлар: техник воситалар, слайдлар, кўргазмали ва дидактик материаллар.

Дарсни таркибан қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

ташкилий қисм;

ўтилган мавзуни такрорлаш (мустаҳкамлаш);

янги мавзуни тушунтириш;

янги мавзуни мустаҳкамлаш;

ўқувчиларни баҳолаш;

уйга вазифа бериш.

Дарс ишланмасини тайёрлашда ўқитувчи дарсинг ҳар бир қисмини эътиборга олиши мақсадга мувофиқ.

Дарс ишланмаси (конспект) ҳамма ўқитувчида бўлиши шарт. Лекин дарс ишланмаси қандай мазмунда, ҳажмда ва неча варақдан иборат бўлиши ўқитувчининг дарс ўтишдаги ўзига хос ёндашуvidан келиб чиққани маъқул. Бунда ҳамма ўқитувчи учун бир хил чегара, чеклов ўрнатиб бўлмайди.

Дарс ишланмаси (конспекти) қўлёзма шаклида ёки компьютерда ёзилиши мумкин. Дарс ишланмасини компьютерда ёзиш учун эса ўқитувчи, албатта, ўзи компьютерда ишлашни билиши лозим.

Директорнинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари ҳар бир ўқитувчининг дарс ишланмасини кўриб, тасдиқлаш жараёнида уларда дарсга кириш учун қуйидаги энг муҳим(минимум) ҳужжатлар бўлишини назорат қилади:

— дарс ишланмаси (конспекти);

— тақвим-мавзу режа;

— ўқув дастури;

— дарслик.

Ўқитувчи дарсини **кузатиш ва таҳлил қилиш**, уларнинг педагогик маҳорати, иш тизими, ўқувчиларининг ўзлаштириши, билим даражаси каби соҳавий ва касбий лаёқати юзасидан хулоса чиқариш ҳамда ўқитувчиларнинг ўзаро тажриба алмашиш имконини беради.

Ўқитувчиларнинг дарсларини таҳлил қилиш — самарадорликни оширишга хизмат қилиши керак.

Ўқитувчиларни ўз устида мустақил ишлашлари, ижодий изланишлари орқали таълим самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган

омиллардан бири — мунтазам равишда ўқитувчиларнинг дарсларини таҳлил қилишдир.

Дарс таҳлили **кузатиш ва ўрганиш** шаклида олиб борилади.

Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими **методистлари томонидан ҳафтасига камида 2 соат**, таълим муассасалари директорлари, уларнинг ўринбосарлари томонидан **4 соат**, фан методбирлашма раҳбари томонидан **2 соат**, ўқитувчилар томонидан **1 соат** ўқитувчилар дарслари кузатилиши ва таҳлил қилиниши белгиланган.

Дарс кузатиш ва таҳлил қилиш орқали ўқувчиларнинг умумий тайёргарлиги, билим олишдаги фаолликлари, фанга бўлган қизиқишлари, ўқув материаллари ва ахборот-коммуникация воситалари билан мустақил ишлай билишлари, ўқитувчига бўлган муносабатлари аниқланиб, таҳлил қилинади. Бунда асосий мезонлар сифатида ўқитувчи томонидан дарс мақсадининг тўғри қўйилганлиги, ўқув дастури асосида дарс жараёнини тўғри режалаштириши, материалларини билиш даражаси, янги мавзунини тушунтириш жараёнида асосий ғояни ажратиб олиши, илмийлик, кўргазмалилик тамойилларига риоя қилиши, дарсда ҳамкорликка эриша олиши, билим ва кўникмаларни ўзлаштиришни назорат этиши, дарс мобайнида вақтдан унумли фойдаланиши ва педагогик муомала маданиятини эгаллаганлик даражаси каби жиҳатлар инобатга олинади.

Сифатли дарс — бу, ўқувчилар томонидан самарали ўзлаштирилган дарс.

Дарсни таҳлил қилиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади.

1. Дарсни кузатишга тайёргарлик.
2. Дарснинг боришини кузатиш.
3. Ўз-ўзини таҳлил қилишни таъминлаш.
4. Дарс таҳлили ва таклифлар бериш.

Дарснинг таҳлилини қуйидаги турларга бўлиш мумкин :

1. Илмий таҳлил.
2. Психологик таҳлил.
3. Методик таҳлил.
4. Дидактик таҳлил.
5. Умумпедагогик таҳлил.

Илмий таҳлил - берилаётган билимларнинг илмий — назарий жиҳатини, ўқувчи бажараётган мустақил ишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш демакдир.

Дарс кузатувчи, ҳар бир раҳбар дарснинг илмий таҳлилида қуйидагиларга эътибор бериши мақсадга мувофиқ:

11. Ўқитувчининг илмий жиҳатдан (ўзи мутахассис бўлган фанни илмий асосда чуқур билиши) қуролланганлиги.
2. Шу кунги дарсга илмий жиҳатдан тайёргарлик ҳолати.
3. Ўз мутахассислигига оид энг янги илмий –назарий ахборотлар билан қуролланиб бориши.
4. Дарс жараёнида илмий қоида ва таърифларнинг тўғри баён этилиши ҳамда илмий атамаларнинг ўқувчиларга сингдириб борилиши.
5. Дарсда таълимнинг ўзига хос хусусиятларининг ҳисобга олиниши.
6. Дарслик материалларининг қўшимча адабиёт материаллари билан бойитилиши.
7. Ўқувчи бажараётган лаборатория, амалий ҳамда мустақил ишларнинг илмий йўналиш бўйича мақсадга мувофиқлиги.
8. Ўқувчилар хулосасининг илмий жиҳатдан тўғри, қисқа ва мукамал баён этилиши ҳамда уни ўқитувчи томонидан назорат қилиниши.
9. Дарс давомида, янги мавзунинг баён этиш жараёнида таълим-тарбия билан боғланиши.
10. Ўқитувчи ва ўқувчилар нутқининг илмийлиги.

Методик таҳлил – ўқитувчининг дарс жараёнида қўллаган усуллариининг мақсадга мувофиқ эканлиги таълимнинг турига ва ўзига хос хусусиятларига қараб белгиланади. Ўқув материалларини ўқувчиларга баён қилиш ва тушунтириш жараёнида қўлланилган усулларнинг шу материалга мослиги ёки мос эмаслиги методик таҳлил давомида аниқланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўқитувчи дарсда қўллаган усулларнинг самарадорлиги, ранг-баранглиги, намунавийлиги унинг ўтган, янги мавзу материалларини ўқувчиларнинг қай даражада ўзлаштириб олганликлари билан белгиланади. Шу боисдан ҳар бир дарс кузатувчи (ўқитувчи, директор, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, инспектор ёки методист) дарс таҳлилининг бу турига алоҳида эътибор билан қараши лозим керак .

Дарс методларини таҳлил қилишда қуйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир:

1. Дарс жараёнидаги ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг ташкилий шаклларига кўра:
 - а) ҳикоя усули;
 - б) оғзаки баён усули;
 - в) суҳбат усули.
2. Ўқувчиларнинг ўзлаштиришига кўра:
 - а) ўқитувчиларнинг сўзлаш усули;
 - б) кўрсатмали қуроллардан фойдаланиш усули;

- в) дарслик, контурли карта, диаграмма ёки жадваллар билан ишлаш усули;
- г) лаборатория асбоблари билан ишлаш усули;
- д) техника воситаларидан (информатика электрон ҳисоблаш техникаси, кинофильм, диафильм, радио, телевизор кабилар) фойдаланиш усули;
- е) синф доскасидан, география, тарих ёки зоологияга тегишли бўлган турли карталардан фойдаланиш усули кабилар.

Дидактик таҳлил – таълим турлари самарадорлиги, уни белгиловчи конунлар ва қоидаларнинг дарсда қанчалик тўғри ҳамда мукаммал бажарилганлигини таҳлил қилиш демакдир.

Дарсни дидактик жиҳатдан таҳлил қилишда қуйидагиларга эътибор бериш ўринли бўлади:

1. Ўқитувчи баёнининг синф ўқувчилари жамоасига тўла тушунарли бўлиши ва бу баённинг изчил равишда ўқувчи онгига етиб бориши.
 2. Ўқитувчи фикрининг маънавий-маърифий тарбия талабига мос бўлганлиги.
 3. Барча ўқувчиларнинг ўқитувчининг, бераётган материални онгли равишда ўзлаштиришлари.
 4. Ўқитувчи баёнида ривожлантирувчи ва муаммоли таълимнинг мавжудлиги.
 5. Ўқитувчи фикрининг изчиллиги.
 6. Дарс жараёнида ёки янги мавзунини баён қилишда кўрсатмаларни қуроллардан, тарқатма материаллар ва техника воситаларидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги ёки номувофиқлиги.
 7. Экскурсия, тажриба, лаборатория ва амалий ишларнинг мақсадга йўналтирилганлиги.
 8. Дарслик билан ишлашнинг тўғрилиги.
 9. Мисолларнинг таълим-тарбия бирлигига мослиги.
 10. Дарснинг маълум бир тизимда олиб борилиши кабилар.
- Дарсни психологик-педагогик жиҳатдан таҳлил қилиш тизими:

Психологик таҳлил – дарснинг аниқ мақсад ва вазифаларга боғлиқ равишда тузилишига психологик баҳо бериш:

- а) дарснинг мавзуси, мақсад ва вазифалари;
- б) дарснинг тузилиши ва унинг психологик жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги.

Дарснинг мазмунига психологик жиҳатдан баҳо бериш:

- а) ўқув материалларининг сифати (тасвирловчи, тушунтирувчи, кўргазмалилик, аниқлик, мавҳумлик ва умумлашганлик даражаси);

б) ўқувчининг билиш фаолиятини ривожлантириш, ўқув ахборотини идрок этиши (образли, оғзаки мантикий хотирани, хаёлий тафаккурни, хаётини). У қандай ҳис-туйғуларни уйғотади?

в) мазкур материал ўқувчилар билиш фаолиятининг ёш хусусиятларига, уларнинг хаётий тажрибаси ва билимлари даражасига мос келиши;

г) ўқитувчининг мураккаб ўқув материални мазкур ёшдаги ўқувчиларнинг идрок этиши учун қулай, тушунарли ва қизиқарли уюштириш (баён қилишнинг равшанлиги ва оддийлиги, ёрқин мисоллар, ўхшатишлар, қиёслашларнинг мавжудлиги, кўргазмали материаллардан фойдаланиши, ҳаёт билан боғлаши).

д) ўрганилаётган материалнинг тарбиявий таъсири (ахлоқий, эстетик ва ҳ.к.). Ўқитувчи унинг тарбиявий имкониятларини қай даражада амалга оширади?

Умумий педагогик таҳлил – дарсдаги ҳамма жиҳатларнинг қисқа ва енгил кўринишидаги таҳлилидир.

Дарсни умумий педагогик жиҳатдан таҳлил қилганда қуйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир:

12. Ўқув ёки синф хонасининг дарс ўтишга тайёргарлик ҳолати (дарс жиҳозлари).

2. Ўқув ёки синф хонасининг санитария- гигиена ҳолати.

3. Дарс мавзуси ва унинг таълимий, тарбиявий мақсади.

4. Ўқитувчининг мазкур дарсга илмий-методик ва педагогик жиҳатдан тайёрланганлик даражаси.

5. Ўқитувчининг дарсни ташкил этиш ва дарс босқичларидан тўғри фойдаланиши.

6. Ўқитувчининг ўқувчилар олдида (таълим –тарбия беришида) педагогик жиҳатдан намунали шахс даражасига кўтарила олганлиги.

7. Ўқувчилар билимига қўйиладиган баҳонинг адолатли ва изоҳли бўлиши.

8. Ўқувчиларнинг дарсдаги фаоллиги, интизоми, мустақил фикр юритиши ҳамда мазкур фан асосларини ўзлаштириб олганлик даражаси.

9. Ўқувчиларнинг дарсга муносабати ва ҳурмат билан қараши.

10. Ўқитувчининг дарсдаги бошқарувчилик роли ва иш услуби.

11. Ўқитувчининг дарс мавзусини таълим- тарбияга боғлаши.

12. Дарс жараёнида ёки янги мавзуни баён қилишда ўлкашунослик материалларидан фойдаланиши.

13. Дарсда ўқувчиларнинг сифат ўзлаштириши.

14. Ўқитувчининг дарсдаги таълимий ва тарбиявий мақсадига тўлиқ эриша олганлиги.

15. Ўқитувчининг илмий, методик ва умумпедагогик жиҳатдан ёрдамга эҳтиёжи кабилар.

Дарсни умумий педагогик таҳлил қилиш ва баҳолаш варақаси

Т.р	Баҳолаш мезонлари	Ютуқлари	Ривожлантириш лозим бўлган жиҳатлари
1.	Ўқув дастури асосида дарс мақсадларининг тўғри қўйилганлиги;		
2.	Ўқув дастури асосида дарс шакли ва турини тўғри танланганлиги;		
3.	Дарс босқичларини тўғри, мантикий изчиликка баён этилганлиги;		
4.	Дарс ишланмасидаги тушунчаларнинг ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган БКМ элементларига мослиги, маълумотларнинг янгилиги ва долзарблиги;		
5.	Дарс ишланмаси мазмунининг мантикий изчиликда баён этилганлиги, аниқлиги, саводхонлиги, ҳаммага тушунарлилиги;		
6.	Дарс ишланмасининг тарбиявий ва ижтимоий-педагогик аҳамиятлилиги;		
7.	Дарс ишланмасининг баён этилишида илғор педагогик технология элементлари, методлардан тизимли фойдаланилганлиги, уларни аниқ ёритиб берилганлиги;		
8.	Ўқувчиларга берилган барча турдаги топшириқлар ва уйга		

	вазифанинг дарс мақсади ва вазифасига мослиги;		
9.	Дарс ишланмасинининг методик янгилиги, ундан фойдаланишнинг қулайлиги, таълим-тарбия жараёнига компетенциявий ёндашув асосида тузилганлиги;		
10.	Дарс босқичларида кўргазмали ва ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланилганлиги;		
11.	Қўшимча бадий ва техник воситалардан фойдаланишни асосланганлиги;		

Сўровнома ўтказиш методи орқали ўқитувчиларнинг методик эҳтиёжларини аниқлаш

Ўқитувчи учун сўровнома

_____ вилояти _____ тумани _____ мактаби

Хурматли! _____

Ф.И.Ш

Сўровномада берилган саволларга самимий жавоб берганингиз учун олдиндан ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

Маълумотингиз _____ Мутахассислигингиз _____ Малака тоифангиз _____

Дарс берадиган фаннингиз _____ Педагогик стажингиз _____ йил

Охирги марта қачон малакангизни оширгансиз _____

Ҳафтасига неча соат дарс берасиз _____

1. Дарс бериш жараёнида қандай илғор педагогик технологиялардан фойдаланасиз?

2. Фаолиятингизда қандай ёрдамга эҳтиёж сезасиз?

3. Бир ҳафта давомида неча марта ҳамкасбларингизнинг дарсларини таҳлил қиласиз?

4. Дарс таҳлилига кирганингизда ўқитувчиларда асосан қандай камчиликларни кузатгансиз?

5. Ўз фаннингизга оид охирги йилларда нашр этилган қайси қўшимча адабиётлардан фойдаланасиз? Номини ва муаллифини ёзинг.

1. _____

2. _____

3. _____

6. Компьютернинг қайси дастурларидан дарс жараёнида фойдаланасиз?

7. Виртуал лабораториядан қайси синфда ва қайси мавзуларда фойдаланасиз? (Синфи ва мавзусини ёзинг)

8. Дарс бераётган фанингиз бўйича қайси мавзудаги ва ким томонидан ташкил этилган семинарларда иштирок этгансиз?

9. Охирги марта ўз фанингиз бўйича қандай тавсия ва мақолаларни ўқидингиз? Мавзусини ёзинг?

10. Ўқувчиларнинг таълим олишга бўлган қизиқишларини янада ошириш учун нималар қилиш лозим?

11. Ўқувчига берилган уйга вазифангизни бажариш учун унинг қанча вақт сарфланади?

12.Замонавий ахборот коммуникация технологияларидан ёки мобил алоқа воситаларининг қайси бирларида мустақил ишлай оласиз?

13.Интернетнинг қайси хизматлари, сайтлари ва ресурсларидан билимингизни ошириш учун фойдаланасиз? Номларини ёзинг.

14.Қайси хорижий тилларни биласиз?

15.Хорижий тилларни қай даражада биласиз?

Эркин мулоқат қила оламан

Умуман гаплаша олмайман

Луғат ёрдамида таржима қила оламан

Фақат харфларни биламан

Мулоқат қилишда сўзлашгич(разговорник)лардан фойдаланаман

16. Методистлардан қандай ва қайси йўналишда методик ёрдам олишни хоҳлайсиз.

Ўз-ўзини ҳамда ҳамкасбини баҳолаш методи орқали методик эҳтиёжни аниқлаш

1-босқич: Баҳолаш варақасини дастлаб ўқитувчининг ўзи, сўнгра эса ҳамкасби ёки мактаб раҳбарияти томонидан тўлдирилиши;

2-босқич: Баҳолаш натижаларини 350 баллик (*ўзининг баҳоси 175 балл, ҳамкасбининг баҳоси 175 балл*) тизимда баҳолаш, умумлаштириш ва ўзининг қандай ўқитувчи эканлигини билиб олиш;

3-босқич: Ўзида мавжуд камчиликларни бартараф этиш тадбирларини белгилаш ва амалга ошириш.

1-босқич:

Ўз-ўзини ҳамда ҳамкасбини баҳолаш

Ўқитувчининг исми-шарифи _____

Мутахассислиги (диплом бўйича) _____

Ҳозирги кунда қайси фандан дарс бермоқда _____

Малака тоифаси _____

Малака оширишдан ёки қайта тайёрловдан ўтган йили _____

Т.р	Кўрсаткичлар	Ўз-ўзини баҳолаш				Ҳамкасби ёки таълим муассаси раҳбариятининг баҳоси			
		Ўртача (3 балл)	Яхши (4 балл)	Жуда яхши (5 балл)	Жавоб беришга қийналаман (+)	Ўртача (3 балл)	Яхши (4 балл)	Жуда яхши (5 балл)	Жавоб беришга қийналаман (+)
1	Ўз мутахассислиги бўлган фан назариясини билиши								
2	Ўз фани бўйича давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг такомиллаштиришга оид янгиликлардан хабардорлиги								
3	Дарсга тайёргарлик кўриш даражаси								
4	Худуддаги ахборот-ресурс марказидан фойдаланиши								
5	Мактабдаги кутубхонадан фойдаланиши								

6	Ўз фанига оид электрон дарслик ва ўқув фильмларидан фойдаланиши								
7	Касбий маҳоратини ошириш мақсадида ўз устида мустақил ишлаши								
8	Ҳамкасбларининг дарсларини таҳлил қилиши								
9	Ўз фанига оид илғор иш тажрибаларни фаолиятида қўллаши								
10.	Фан метод бирлашмада янгиликларни муҳокама қилишга тайёрлаганлиги								
11.	Қўшни мактаб ва тумандаги ҳамкасби билан тажриба алмашишни йўлга қўйганлиги								
12.	Қўшни вилоятлардаги ҳамкасби билан тажриба алмашишни йўлга қўйганлиги								
13	“Маҳорат мактаби”даги фаолияти								
14	Дарсларида интерфаол методларни самарали қўллай олиши								
15	Дарсларда ахборот-коммуникация технологияларини қўллай олиши								
16	Дарс жараёнида қўйилган мақсадга эришиш даражаси								
17	Ўқувчиларнинг ички ва ташқи мониторингдаги ўзлаштириш даражаси								
18	Ўқувчиларининг тарбияланганлик даражаси								
19	Ўқувчиларнинг туман миқёсидаги кўрик-танловлар, беллашув ва фан олимпиадаларидаги натижалари								
20	Ўқувчиларнинг вилоят миқёсидаги кўрик-танловлар, беллашув ва фан олимпиадаларидаги натижалари								
21	Ўқувчиларнинг республика миқёсидаги кўрик-танловлар, беллашув ва фан олимпиадаларидаги натижалари								
22	Ўзининг иш тажрибаси тарғиб этиш мақсадида ўқув-семинарларни ташкил этиши								
23	Бошқа ўқитувчилар ва методистлар томонидан ташкил этилган ўқув-семинарларда иштироки								
24	Маҳаллий оммавий ахборот воситаларида чиқишлари								
25	Республика миқёсидаги оммавий ахборот воситаларида чиқишлари								

26	Конференцияларда маъруза ва тезислар билан иштироки								
27	Дарс жараёнида ўқувчиларга қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда (дифференциал) ёндашуви								
28	Бўш ўзлаштирувчи ва қобилиятли ўқувчиларга алоҳида-алоҳида тўғарак машғулотларини ташкил этиши ва унинг самарадорлиги								
29	Ўқувчиларнинг мустақил ижодий фикрлаш қобилиятини ўстиришни ташкил эта билиши								
30	Касбий маҳорат жиҳатидан жамоада обрў-эътиборга эгалиги								
31	Инсон ва яхши муаллим сифатида ўз ўқувчилари ва ҳамкасбларига шахсий намуналиги								
32	Ота-оналар билан ишлаши ва унинг натижадорлиги								
33	Жамоа ўртасидаги обрў-эътибори								
34	Ота-оналар ўртасидаги обрў-эътибори								
35	Ўқувчилар ўртасидаги обрў-эътибори								

Изоҳ: Баҳолаш варақасини тўлдиришда каттакчаларга тегишлиги бўйича “3,4,5,” балларидан бирини ёки “жавоб беришга қийналаман деган жавоб ўрнига” “+” белгиси қўйинг.

2-босқич: Ўқитувчи ўзига қўйган балларини ва ҳамкасбининг унга қўйган балларини қўшиб умумий бални аниқлайди.

Агар жами балларингиз 258 балдан юқори бўлса **“Тажрибали ўқитувчи”**.

Агар жами баллари 210 балдан юқори, 258 балдан паст бўлса **“Ривожланаётган, ўз устида ишлаётган ўқитувчи”**.

Агар жами баллари 165 дан юқори 210 балдан паст бўлса **“Замондан орқада ўқитувчи”**.

Агар жами баллар 165 балдан паст бўлса **“Жамоани орқага тортаётган ўқитувчи”**.

3-босқич: Ҳар бир ўқитувчи баҳолаш натижалари бўйича ўзида мавжуд камчиликларни бартараф этиш тадбирларини белгилайди ҳамда амалга оширади.

Фокус гуруҳларда ишлаш методи орқали ўқитувчиларнинг методик эҳтиёжини аниқлаш

Фокус гуруҳ – аниқ бир соҳадаги, бир хил шарт-шароитларда умумий мақсадни кўзлаб ҳаракат қилаётган мутахассислар гуруҳи ҳисобланади.

Бир хил фандан дарс берадиган ўқитувчиларнинг методик эҳтиёжини аниқлаш мақсадида турли мактабларда дарс бераётган ўқитувчилардан иборат гуруҳ (7-10 киши) ташкил этилади ҳамда уларга тизимли равишда йўналтирувчи саволлар берилиб фикрлари умумлаштирилиб ҳар бир савол бўйича қайд этилиб борилади ҳамда жараён тугаганидан сўнг таҳлил қилинади.

Ўқитувчиларнинг методик эҳтиёжини фокус гуруҳларда аниқлаш:

Ўқитувчилар билан ўтказиладиган Фокус гуруҳлар учун саволлар

- Ўзингиз ҳақингизда гапириб беринг.
- Ҳозирги кунда қандай таълим технологиялари билан ишлайсиз?
- Методик ёрдам Сиз учун қандай аҳамиятга эга?
- Ҳозирда кўрсатилаётган методик ёрдам Сизни қониқтирадими?
- Сиз қандай масалалар ёки йўналишлар бўйича методик ёрдам олишни хоҳлайсиз?
- Олган методик ёрдамингиз мактаб учун қандай фойдаси (наф) бор?
- Ўз ишингизда ўқитишнинг қандай янги методларни кўпроқ қўллаяпсиз? Уларни қачон ва қандай мақсадларда қўллаяпсиз?
- Сиз ўз ҳамкасбларингиз билан тез-тез ўзаро тажриба алмашиб турасизми?
- Ўқувчиларнинг ривожланишлари ва натижаларини қандай қилиб (баҳолашнинг турлари) баҳолайсиз? Сиз бунини қачон ва қанчалик тез-тез амалда қўллайсиз? Бу баҳолаш турининг афзаллиги нимада?
- Сиз таълим тарбия жараёнига ота-оналар ва жамоатчиликни қандай жалб этапсиз?
- Синфда ҳамкорлик ва ўзаро ҳурматни ривожлантириш учун қандай имкониятлар яратиб беряпсиз?

Сиз дарс босқичларини бажариш учун ҳар бир босқичга қанча вақт етарли деб ҳисоблайсиз, кўрсатиб ўтинг.

Дарс босқичлари	вақт
Ташкилий қисм	
Уйга вазифани сўраш	
Ўтилган дарсни мустаҳкамлаш	
Янги мавзунинг баёни	

Янги мавзуни мустаҳкамлаш	
Ўқувчиларни баҳолаш	
Уйга вазифа	

Бир туман (шаҳар)даги мактабларда директор ва директор ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатаётган мутахассислар иборат гуруҳ (7-10 киши) ташкил этилади ҳамда уларга тизимли равишда йўналтирувчи саволлар берилиб фикрлари умумлаштирилиб ҳар бир савол бўйича қайд этилиб борилади ҳамда жараён тугаганидан сўнг таҳлил қилинади.

Фокус гуруҳларда интервью муҳокама ўтказиш юзасидан кўрсатмалар

Кириш қисми

- Ўзингиз ҳақингизда гапириб беринг ?
- Ўз ҳудудингизда таълимнинг келажагини қандай тасаввур қиласиз?
- Сизнинг ҳудудингизда таълимни (ижтимоий-иқтисодий) ривожлантиришга тааллуқли интилиши қандай?
- Ўз ҳудудингизнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишини 5 йилдан сўнг қандай бўлишини кутяпсиз?
- Таълимга замонавий ёндашувнинг ўзига хос жиҳатларини биласизми?
- Сизнинг ҳудудингизга қандай ўқувчилар керак. Сиз улардан мактабни тугатганларидан сўнг қандай малака ва кўникмаларга эга бўлишларини кутяпсиз?

Мавжуд муаммолар ва эҳтиёж:

- Сизнинг фикрингизча ҳудудингизда таълим соҳасига тааллуқли қандай муаммолар мавжуд?
- Сизнинг фикрингизча қандай йўналишларда методик ёрдам олишга эҳтиёжингиз мавжуд?

Шундан кейин айтиб ўтилган муаммолардан келиб чиқиб, саволлар берилиши керак; агар ҳеч қандай муаммолар айтилмаса, қуйидаги қўшимча саволлар берилади.

- Танқидчилар таълим муассасаларига ва ўқитувчиларга кўрсатилаётган методик хизмат талабга жавоб брмайди, деб уйлайдилар. Сиз бу тўғрисида қандай фикрдасиз?

- Танқидчилар таълимда ИПТ ва АКТ дан фойдаланиш ҳаддан зиёд қимматга(моддий, вақт жиҳатидан) тушади, деб уйлайдилар. Бу тўғрисида сиз қандай фикрдасиз?
- Сизда бор бўлган имкониятлар (инсон, маблағ, вақтнинг етарлилиги) замонавий сифатли таълим беришга етарли деб ўйлайсизми?
- Сиз ёки сизнинг муассасангиз охириги бир йил давомида методик ўналишда қандай ташқи кўмак ёки ёрдам олгансиз?

III БОБ. Компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг тажриба-синовини ташкил этишда методистнинг вазифалари.

3.1. Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим.

Бугунги тез ўзгарувчан ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган даврда ёш авлодни юксак маънавиятли ва интеллектуал ривожланган шахс қилиб тарбиялаш Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мазкур йўналишдаги ислохотлар “Таълим тўғрисидаги” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисидаги” Қонунлар ҳамда кенг кўламли умуммиллий дастурлар доирасида амалга оширилиб, дунёнинг ривожланган давлатлари ва халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда.

Ҳеч кимга сир эмаски, ХХI асрда давлатларнинг келажаги, тақдири кўп жиҳатдан таълим муассасаларида берилаётган таълимнинг сифатига ҳамда ўқувчи-ёшларнинг интеллектуал салоҳиятига боғлиқ бўлади.

Энг аввало, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлиги бугунги кун талаби, жамиятнинг эҳтиёжи, фан ва техниканинг ривожланиш тенденциялари асосида ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари талабларини сифатли бажарилишига боғлиқ.

Шундан келиб чиққан ҳолда дунёнинг ривожланган давлатларида таълим мазмунини модернизация қилишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида таълим стандартларини такомиллаштириш жамиятнинг эҳтиёжи, фан ва техниканинг ривожланиш тенденциялари асосида амалга оширилмоқда. Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари **“Бутун ҳаёт давомида таълим олиш”** тамойили бўйича компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштирилмоқда.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим – ўқувчиларда эгалланган билим, кўникма ва малакаларини ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълимдир.

Олимлар, амалиётчи ўқитувчи ва методистлар ўртасида таълимда компетенциявий ёндашувни жорий этишдаги масалалар бўйича бир қатор баҳс-мунозаралар бугунги кунда ҳам мавжуд.

Компетенция сўзи латин тилидаги “competo”, “competentia” сўзларидан олинган бўлиб, эришаман, мос келаман, лойиқ каби маъноларни билдиради.¹

Мазкур атаманинг мазмун-моҳияти эса муваффақиятлилик, натижалилик, ютуқлилик каби тушунчалар билан тавсифланади. **Хулоса қилиб айтганда компетенция дейилганда - эгалланган билим**

¹ Энциклопедик луғат.

ва кўникмаларни ўқувчи-талаблар томонидан мустақил равишда шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш лаёқати тушунилади.

3.2. Компетенциявий ёндашувга асосланган таълимни жорий этиш бўйича халқаро тажриба.

Мазкур масала бўйича Европа Кенгаши 1996 йилда “Европа учун таянч компетенциялар” мавзусидаги Симпозиум ташкил этиб, унда Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг узлуксиз таълим тизими учун дастлабки таянч компетенциялар белгиланган.²

Мазкур йўналишдаги кейинги тадқиқотлар натижасида Европа Парламенти амалий тажриба ва таклифлар асосида 2006 йил 18 декабрда Европа Иттифоқига аъзо давлатларга узлуксиз таълим тизими жараёнида шакллантирилиши лозим бўлган 8 та таянч компетенцияларни тавсия қилган.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари тажрибаси таҳлил қилинадиган бўлса Европа Иттифоқига аъзо 28 та давлат учун Европа кенгаши томонидан қуйидаги 8 та компетенция ўқувчиларда шакллантирилиши тавсия этилган:

1. Она тилида мулоқот қила олиш (Communication in the mother tongue);
2. Чет тилида мулоқот қила олиш (Communication in foreign languages);
3. Математик саводхонлик, фан ва техника оид компетенциялар (Mathematical competence and basic competences in science and technology);
4. Информацион технологиялардан фойдаланиш компетенцияси (Digital competence);
5. Ўрганиш учун ўқиш ёки мустақил билим олиш компетенцияси (Learning to learn);
6. Ижтимоий ва фуқаролик компетенцияси (Social and civic competences);
7. Ташаббускорлик ва тадбиркорлик компетенцияси (Sense of initiative and entrepreneurship);
8. Турли маданиятлар, қадриятларни тушуниш ва ўз маданиятига эга бўлиш, номойиш этиш компетенцияси (Cultural awareness and expression);

Америка Қўшма Штатлари эса бу масалага умумий ёндашиб ўқувчиларда қуйидаги 4 туркумдаги компетенцияларни шакллантиришни тавсия этган:

1. Фикрлаш йўллари ёки кўп қиррали фикрлашга оид компетенциялар - ways of thinking (креатив, инновацион, танқидий

² Совет Европы: Симпозиум по теме «Ключевые компетенции для Европы»: Док. DECS / SC / Sec. (96) 43. Берн, 1996.

фикрлаш, муммоларни мустақил ҳал қила олиш, қарор қабул қила олиш, ўрганиш учун ўқиш).

2. Самарали ишлаш йўлларига оид компетенциялар - ways of working (жамоада ҳамкорликда ишлай олиш, соҳаси бўйича самарали мулоқот қила олиш, ўз соҳасининг устаси бўлиши).

3. Меҳнат қилишнинг самарали методлари ва воситаларидан фойдалана олиш - tools for working (ахборотлардан фойдалана олиш саводхонлиги, АКТ соҳасидаги саводхонлик).

4. Дунёда, жамиятда яшай олиш - living in the world (фуқаролик позициясига эга бўлиш, ўз касби соҳасида карьера қила олиш, шахс сифатида ижтимоий кўникмаларга эга бўлиш).

Жанубий Корея Республикасида эса муваффақиятлилик гарови сифатида ўқувчиларда қуйидаги 6 та компетенцияни шакллантириш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланган:

1. Мустақил билим олиш компетенцияси (basic learning skills).
2. Креатив фикрлаш, ижодкорлик компетенцияси (creative skills).
3. Муаммоларни ҳал қила олиш компетенцияси (problem-solving skills).
4. Коммуникатив компетенция (communication skills).
5. Фуқаролик компетенцияси (citizenship).
6. Ўз касби, соҳаси бўйича карьера қилишга оид компетенциялар (career inquiry skills).

3.3. Компетенциявий ёндашувга асосланган таълимни жорий этиш бўйича Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар.

Мамлакатимиз халқ таълими тизимида илм - фан, техника ва технологиянинг ривожланиши, жамият эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари даврийлик асосида ҳар 5 йилда такомиллаштириб борилмоқда.

Мамлакатимизда умумтаълим фанлари бўйича Давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурларини яратиш бўйича ўзига хос ижобий тажрибаси мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисидаги” Қонунлари асосида 1999 йилда умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар орасида биринчилардан бўлиб, янгидан яратилиб амалиётга жорий этилган бўлса, 2004-2009 йилларга мўлжалланган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида модернизация қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон қарори ижросини таъминлаш, ўқувчиларнинг чет тилларида мулоқот кўникмаларини ривожлантириш мақсадида CEFR (чет тилларини ўрганиш бўйича умумевропа

компетенциялари) асосида чет тиллари бўйича узлуксиз таълим тизимининг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқилиб, 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич амалиётга жорий этилмоқда.

XXI асрда дунёнинг ривожланган давлатларида таълим мазмунини модернизация қилишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида таълимда компетенциявий ёндашувни жорий этиш масаласига асосий эътибор қаратилмоқда.


Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ҳамда Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг қўшма қарорига асосан умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида узвий ўқитиладиган 18 та умумтаълим фанлари бўйича амалиётчи ўқитувчилар, методистлар ҳамда етакчи олимлардан иборат ишчи гуруҳлари ривожланган давлатларнинг ҳамда мамлакатимизда яратилган чет тиллардан узлуксиз таълим тизими стандартлари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш тажрибасидан келиб чиқиб, умумтаълим фанлари бўйича компетенциявий ёндашувга асосланган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари лойиҳаларини тайёрлади.

Бунда ҳар бир ўқув предмети бўйича бошланғич таълимдан бошлаб, академик лицей ва касб-хунар коллежини битиргунга қадар ўрганиладиган тушунчалар, қоидалар, қонунлар, таърифлар таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлиги жиҳатидан ўрганиб чиқилди, ўқувчилар ўзлаштириши зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларга аниқлик киритилиб, фанлараро боғланишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Узлуксиз таълим тизимида мажбурий таълимнинг компетентлик ёндашувга асосланган давлат таълим стандарти шахсга йўналтирилган бўлиб, компетенцияли ва интегратив ёндашувлар асосида ишлаб чиқилган умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари умумтаълим фанлари бўйича Давлат стандартлари ўқув фани мазмунини ва ўқувчиларнинг фанни эгаллаш бўйича компетентлик даражаларини, стандарт талабларига мослиги ҳамда таълим сифати назоратини белгилаб беради.

Мажбурий таълим тизимининг компетентли ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари ўз моҳиятига кўра ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар, низомлар ва бошқа ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Стандартнинг талаблари фанни ўқитиш сифати ва ўзлаштириш даражаларини баҳолаш, ҳамда таълим муассасаларини аттестациядан ўтказишда асосий параметрлар бўлиб хизмат қилади.



Ҳар бир ўқув фани бўйича давлат таълим стандарти қуйидаги таркибий қисмдан иборат бўлиши мумкин:

1. Қўлланиш соҳаси;
2. Меъёрий ҳаволалар;
3. Стандартнинг мақсади ва вазифалари;
4. Атамалар ва қоидалар;
5. Ўқув фанидан ўқувчиларнинг компетентлик даражаларга қўйиладиган мажбурий минимал талаблар;
6. А1, А2, Б1 даражалар учун мажбурий минимал таълим мазмуни;
7. Таянч ўқув режаси;
8. Давлат таълим стандартлари талабларини бажарилишини баҳолаш тизими

Ўқув фанидан ўқувчиларнинг компетентлик даражаларига қўйиладиган мажбурий минимал талаблар - умумтаълим фанлари бўйича ўқувчи ва талабалар ўзлаштириши лозим бўлган назарий билим, ҳаётий кўникма ва амалий компетенцияларнинг мажбурий минимуми;

А1, А2, Б1 даражалар учун мажбурий минимал таълим мазмуни - умумтаълим фанлари бўйича ўқувчи ва талабалар ўзлаштириши лозим бўлган назарий билим, ҳаётий кўникма ва амалий компетенцияларни шакллантиришга қаратилган мазмун ва унинг даражаланган мажбурий минимал ҳажми;

Таянч ўқув режа - ўқитиладиган фанлар номи, ҳажми ҳамда уларнинг синфлар бўйича тақсимооти белгиланган меъёрий ҳужжат;

Ўқув дастурлари - Ўқув режада белгиланган фан ҳажмининг мавзулар бўйича кетма-кетликда тақсимланиши;

Баҳолаш тизими - Стандарт бўйича эгалланиши лозим бўлган назарий билим, ҳаётий кўникма ва амалий компетенцияларнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини аниқлайдиган мезон.

Мамлакатимизда ҳам таълимнинг узлуксизлиги, баркамол шахсни тарбиялашга йўналтирилганлигидан келиб чиққан ҳолда, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар талимида (9+3) ўқитиладиган умутаълим фанлари мазмунининг изчиллигини таъминлаш мақсадида **6 та таянч компетенциялар** ҳамда ҳар бир ўқув фани мазмунидан келиб чиққан ҳолда **умумий компетенциялар** белгиланди.

Коммуникатив компетенцияси - жамиятда ўзаро мулоқотга киришиш учун аввало она тилини ҳамда бирорта хорижий тилни мукамал ўзлаштириб, улардан мулоқотда самарали фойдалана олиши, мулоқотда ижтимоий мослашувчанлик, муомала маданиятига амал қилиш, ҳамкорликда ишлай олиш кабиларни билдиради.

Ахборот билан ишлаш компетенцияси - мавжуд медиа манбаларидан (интернет, телевизор, радио, аудио-видео ёзувлар, телефон, компьютер, босма нашрлар, электрон почта ва бошқ.) керакли маълумотларни излаб топа олиш, саралаш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш, хавфсизлигини таъминлаш;

Шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси - шахс сифатида доимий равишда ўз-ўзини ривожлантириш, жисмоний, маънавий, руҳий ва интеллектуал камолотга интилиш, ҳаёт давомида ўқиб-ўрганиш, билим, тажрибани мустақил равишда мунтазам ошириб бориш, ўз хатти-ҳаракатини адекват баҳолаш, ўзини назорат қила билиш, ҳалоллик, тўғрилиқ каби сифатларга эга бўлиш, ўқиб-ўрганганлари ва ҳаёт тажрибасидан фойдаланган ҳолда кундалиқ турмушда учрайдиган муаммоларни ҳал эта олиш;

Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси - жамиятда бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш ва фаол иштирок этиш, ўзининг фуқаролик бурч ва ҳуқуқларини билиши, унга риоя қилиши, меҳнат ва фуқаролик муносабатларида муомала, иқтисодий, ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш;

Умуммаданий компетенция - ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш, бадиий ва санъат асарларини тушуниш, ораста кийиниш, юриш-туришда маданий меъёрларга ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш, умумбашарий аҳамиятга эга бўлган қадриятларни билиш, уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш кабилар.

Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси - аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда шахсий, оилавий, касбий ва иқтисодий режаларини туза олиш, шахсий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларда ҳисоб-китоб билан иш юритиш, кундалиқ фаолиятда турли формула,

модел, чизма, график ва диаграммаларни ўқий олиш ва фойдаланиш, инсон меҳнатини энгиллаштирадиган, меҳнат унумдорлигини оширадиган ва қулай шарт-шароитга олиб келадиган фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдалана олиш кабилар.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим ўқувчиларда мустақиллик, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиш, ташаббускорлик, медиаресурслар ва ахборот-коммуникация технологияларидан ўз фаолиятида оқилона фойдалана олиш, онгли равишда касб-ҳунар танлаш, соғлом рақобат ҳамда умуммаданий кўникмаларини шакллантиради.

Инсон ўз ҳаётида шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга киришиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, дуч келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал этиши, энг муҳими ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўлиши учун зарур бўлган таянч компетенцияларга эга бўлиши лозим.

Бундан ташқари, таълимда ҳар бир ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларда, шу фаннинг ўзига хослиги, мазмунидан келиб чиққан ҳолда, фанга тегишли умумий компетенциялар ҳам шакллантирилади.

Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг лойиҳалари етакчи олий таълим муассасалари, ҳудудий малака ошириш институтлари, ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари ва кенг педагогик жамоатчилиқнинг таклифларини олиш, ўқувчиларнинг эгаллаган билим ва кўникмаларини амалиётда мустақил равишда қўллай олишга ўргатиш мақсадида 2014-2015 ўқув йилида республика миқёсидаги 39 та умумий ўрта таълим мактаблари, 18 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларида тажриба-синовдан ўтказилиб, ўқувчиларда шаклланиши лозим бўлган 6 та таянч ҳамда 18 та фанга оид умумий компетенциялар белгилиб олинди.

Жорий ўқув йилида умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари 76 та мактаб, 52 та касб-ҳунар коллежи ва 18 та академик лицейларда тажриба-синовдан ўтказилиб, ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантирадиган метод ва усуллар белгилаб олинса, 2016-2017 ўқув йилида ўқувчиларда ҳар бир умумтаълим фанига оид хусусий компетенцияларни шакллантирадиган технологиялар, 2017-2018 ўқув йилида умумтаълим фанлари бўйича таянч ва хусусий компетенцияларни шаклланганлик даражасини баҳолаш мезонлари белгилаб олинади.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим ўқувчиларда эгаллаган билимларини ҳаётда қўллай олиш, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини чуқур англаш орқали ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мамлакат келажаги

йўлидаги масъулиятни ўз зиммасига олиш, онгли равишда касб-хунар танлаш, ахборот - коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда мустақил таълим олиш каби кўникмалар ривожлантирилади.

Методистлар томонидан тажриба-синов жараёнини самарали ташкил этиш мақсадида қуйидаги вазифаларни бажариш зарур:

1. Компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари тажриба-синов натижаларини ўқув йилида икки марта (ўқув йилининг биринчи ярим йиллиги ва ўқув йили якуни) бўйича кенг педагогик жамоатчилик муҳокамасини ташкил этиш;

2. Узлуксиз таълим тизими профессор-ўқитувчилари, илмий-тадқиқот институтлари ходимлари, методистлар ҳамда амалиётчи ўқитувчилар иштирокидаги Илмий-методик кенгашларда муҳокама қилиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш;

3. Компетенциявий ёндашувга асосланган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг мазмун-моҳиятини ўқитувчилар, таълим муассасалари раҳбарлари ва ота-оналарга етказиш ва амалиётга самарали жорий этиш бўйича шарҳлар ва тавсиялар тайёрлаш;

4. Ўқувчи-талабларда тегишли компетенцияларни шакллантириш бўйича ўқитувчилар учун қисқа муддатли ўқув-семинарлар модулларини тайёрлаш;

5. Ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш институтлари ўқув режа ва дастурларига компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида ўқитиш методикаси бўйича соат ажратиш ва уларнинг модулларини тайёрлаш;

6. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг юқоридаги модуллар асосида малакасини ошириш;

7. Компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини бажарилишини баҳолаш мақсадида мониторинг моделини ишлаб чиқиш ва бошқ.

IV БОБ. ЎҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИГА ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАРНИ САМАРАЛИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОМИЛЛАРИ

4.1. Ўқув-тарбия жараёнига илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда методистларнинг вазифалари.

Бугунги кунда илм-фан, техника ва ахборот коммуникация технологиялар, ишлаб чиқариш соҳаларининг тез суръатларда жадаллик билан ривожланиши таълим тизими ходимларидан таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтариш, бунда инновацион технологиялардан самарали фойдаланишни талаб этиб, ҳар бир тизим ходими, айниқса ўқитувчилар зиммасига янада юксак масъулият ва вазифаларни юклайди.

Таълим устуворлиги, таълим мазмуни ва тузилиши ўзгармоқда, янги стандартлар жорий этилмоқда, таълим сифати ривожланишнинг янги, янада юқори босқичга кўтарилмоқда. Мустақиллик йилларида халқ таълими тизимида барча шарт-шароитлар яратилиб, шахсга йўналтирилган таълим стратегияси амалга оширилмоқда, таълим тизимида инновацион фаолликнинг жадаллашуви кузатилмоқда.

Таълим-тарбия жараёнидаги ўзгаришлар, глобаллашув жараёнлари илғор педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларни, хусусан инновацион технологияларни самарали қўллашни талаб этади.

Маълумки, **“Инновация” тушунчаси** самарали янгилик, янгилик киритиш деган маънони англатса, **“интерфаол (интерактив)” тушунчаси** инглизча **“interact” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “inter” – ўзаро, “act” – иш кўрмоқ, ишламоқ маъноларни англатади.** Интерфаол ўқитиш – бу аввало мулоқотли ўқитиш бўлиб, жараённинг боришида ўқитувчи ва ўқувчи орасида ҳамкорлик технологияси асосида амалга оширилади.

Таълим тизимининг бугунги кундаги муҳим вазифаларидан бири ўқувчиларни ахборот-таълим муҳити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан фойдаланишга ҳамда ўзининг хатти-ҳаракатларига жавобгарлик хиссини сезишга ўргатишдан иборат.

Бу вазифа эса таълим-тарбия жараёнини илғор педагогик технологиялар асосида ташкил этиш орқали уларга узлуксиз равишда мустақил ишлаш имконияти ва шароитини яратиб беришни талаб этади.

Мазкур вазифани сифатли бажариш мақсадида таълим тизимида қўлланилаётган педагогик технологияларни жамлаш, бир тизимга келтириш ва уларни тажриба-синовдан ўтказиш, натижаларга кўра миллий менталитетимизга мос ва самарадорлиги юқори бўлганларини амалиётга кенг жорий этиш мақсадида республика миқёсида 28 та тажриба-тадқиқот майдонлари фаолият кўрсатди.

Энг аввало бугунги кунда таълим муассасаларига келган ёш ўқитувчиларда усул, услуб(метод), методика, методология ва илғор

педагогик технология атамаларини бир-биридан фаркли жихатлари ҳамда уларни амалиётда самарали қўллаш бўйича саволлар туғилмоқда. Шу сабабли мазкур атамаларга ўқитувчи тушунадиган содда тилда изоҳ бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

Усул – белгиланган таълимий ва тарбиявий мақсадга эришиш учун ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан мантикий изчилликда амалга ошириладиган ҳатти-ҳаракатлар мажмуидир.

Масалан: Она тили фанидан “Сўз туркумлари” мавзуси ўрганиш жараёнида ўқувчиларни гуруҳга бўлиш учун сўз туркумлари ёзилган “Рангли карточкалар” орқали гуруҳга бўлиш усулидан фойдаланилади.

Метод – юнон тилидаги “*methodos*” сўзидан олинган бўлиб таълим бериш, баён қилиш ёки тадқиқот ўтказиш йўли, тадқиқот йўли деган маънони билдиради. Белгиланган таълимий ва тарбиявий мақсадга эришиш учун ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятларини мантикий изчилликда ташкил этишдаги усуллар мажмуи ҳисобланади.

Илғор педагогик технология - белгиланган таълимий ва тарбиявий мақсадга эришишнинг натижасини олдиндан кафолатлаган ҳолда таълим-тарбия жараёнини ўқитишнинг шакл, восита ва методлари асосида лойиҳалаштириш.

Бундан ташқари педагогик технологиянинг бошқа таърифлари ҳам мавжуд.

Методнинг педагогик технологиядан фарқи шундаки, методнинг самараси ўқитувчининг салоҳиятига ва касбий тайёргарлик даражасига боғлиқ бўлади.

Педагогик технологияда эса таълимий ва тарбиявий мақсадлар, ўқувчининг ёш хусусиятлари, ўқитувчининг касбий тайёргарлик даражаси, таълим муассасасинининг моддий-техник базаси, шарт-шароит инобатга олинган ҳолда таълим-тарбия жараёни режалаштирилган ҳамда натижа олдиндан кафолатланган бўлади.

Педагогик технологияга қандай таъриф берилишидан қатъий назар, ундан кўзланган асосий мақсад бу, таълимий ва тарбиявий мақсадга эришиш ҳамда дарс жараёнининг самарали ташкил этилишидир.

Шундан келиб чиққан ҳолда таълим сифати мониторинги жараёнида илғор педагогик технологияларнинг амалиётга жорий этилиш самарадорлиги қўйидаги мезонлар асосида аниқланади:

- Самарали натижа кафолатланганлиги, натижавийлиги (*ўқувчиларнинг ўзлаштириш самарадорлиги асосида баҳоланади*);
- Ўқув дастури талаблари ва таълим мақсадини бажарилишини таъминлашга йўналтирилганлиги;
- Тизимли ва мантикий изчилликда ишлаб чиқилганлиги;
- Ўқувчиларни мустақил равишда билим олишга йўналтирилганлиги;
- Ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги инобатга олинганлиги;

- Ўртача ўзлаштириш қобилиятдаги ўқувчининг имкониятлари инобатга олинганлиги;
- Тизимлилик, яхлитлилик тамойилига жавоб бериши;
- Интегративлик, фанлараро алоқадорликда бўлиши;
- Таълим-тарбия жараёни иштирокчилари ўртасида самарали мулоқот кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилганлиги;
- Мотивацион таълим жараёнини таъминлаши (яъни ўқувчиларнинг ички имкониятларини ишга солиб, билим ёки кўникмани ўзлаштиришга бўлган қизиқиш, хоҳиш ва истакларини кўзғатиш орқали мақсадга эришишни таъминлаши);
- Соғлом ижодий муҳитни шакллантиришга йўналтирилганлиги;
- Ўқувчиларга миллий ғоя ва умуминсоний ғояларни сингдиришга йўналтирилганлиги;
- Ўқувчиларни мустақил мушоҳада, фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилганлиги;
- Таълим-тарбия жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари, ўқув лаборатория жиҳозлари, электрон дарсликлар ва ўқув фильмлардан фойдаланишга йўналтирилганлиги;
- Ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи ва фаол ҳаётий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилганлиги;
- Ўқувчиларни дарс жараёнида мавзуга оид дарсликлар, қўшимча адабиётлар ва интернет ресурслари билан ишлашга йўналтирилганлиги
- Назарий билимларни амалиёт билан боғлиқ ҳолда тушунтиришга йўналтирилганлиги;
- Дарс якунида қўйилган мақсадларга эришилганлик даражасини аниқлайдиган баҳолаш тартибини мавжудлиги;
- Дарс босқичлари учун вақтнинг тўғри тақсимланганлиги;
- Ўқувчи шахсини ривожлантиришга ҳамда ўзаро фаол муносабатларга асосланганлиги;
- Ўқувчининг ақлий фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилганлиги;
- Дарс сифатини таъминловчи назорат турларидан фойдаланилганлиги;
- Ўтган ва навбатдаги мавзуларни мантиқий кетма-кетлик ва ўзаро боғлиқ ҳолда ўқитиш инобатга олинганлиги ва бошқ.

4.2. Методик тавсияларни яратишга қўйиладиган асосий талаблар ва уларни баҳолаш мезонлари.

Методистлар ва мутахассислар томонидан яратиладиган методик тавсиялар ўқувчиларнинг давлат таълим стандартида ва ўқув дастурида белгилаб берилган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга ёрдам берувчи, ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган воситалардан бири ҳисобланади.

Методик тасияни яратиш асосан иккита эҳтиёж асосида вужудга келади:

1. Ўқитувчиларнинг методик эҳтиёжлари асосида, яъни ўқувчилар билимида аниқланган бўшлиқларни тўлдириш, қийин ўзлаштириладиган мавзулар бўйича дарсларни сифатли ташкил этиш мақсадида.

2. Илғор иш тажрибаларни оммалаштириш, инновацияларни амалиётга самарали жорий этиш мақсадида.

Шундан келиб чиққан ҳолда методик қўлланма ва методик тавсияларга қўйилган талаблар дидактиканинг қуйидаги тамойилларидан келиб чиқади:

1. Таълим жараёнининг тарбиявий йўналганлиги тамойили: таълим олиш жараёнида ўқувчиларда комил инсон фазилатларини, одоб-ахлоқ асосларини шакллантириш.

2. Таълим ва тарбия бирлиги тамойили: ўқувчиларда ватанпарварлик ва миллий ғурур хиссини шакллантириш.

3. Илмий дунёқарашни шакллантириш тамойили: ўқувчиларда фан асосларига оид назарий тушунчаларни сингдириш.

4. Илмийлик тамойили: дарсликда келтириладиган ҳамма далиллар илмий асосланган, ишончли ва аниқ, бўлиши, воқеа-ҳодисалар ўзаро боғланиш ва ривожланишда ёритилиши.

5. Тушунарлилик ва қизиқарлилик тамойили: дарсликдаги материалларда ўқувчилар учун тушунарли ва қизиқарли бўлишини таъминланганлиги, содда ва равлон тилда ёзилганлиги.

6. Ҳаётийлик тамойили: материалларнинг кундалик турмуш ва ҳаёт билан алоқадорликда берилиши, миллий хусусиятлар ва маҳаллий шароитнинг ҳисобга олинганлиги, қишлоқ ва шаҳар ҳаёт тарзининг ёритилиши.

7. Тарихийлик тамойили: тарихий илмий материалларга, фан тарихи ва миллий меросга асосланиши, фан тараққиётига ҳисса қўшган буюк алломалар ва олимлар ҳақида маълумотларнинг берилиши.

8. Таълимнинг ҳаммабоплик тамойили: ўқувчининг ривожланиш даражасига, олдинги билимларига ва ҳаётий тажрибасига таяниши ва мос бўлиши.

9. Таълимнинг мунтазамлиги тамойили: методик тавсиядаги тушунчалар: илмий далиллар, фаразлар, назариялар, таърифлар, маълум мантикий тизимда изчил баён қилиниши.

10. Таълимнинг амалиёт билан боғлиқлиги тамойили: методик тавсияда амалий машғулотлар ва топшириқларнинг, ёш авлодни касбга йўналтирадиган материалларнинг бўлиши.

11. Билимларни онгли равишда ўзлаштириш тамойили: ўқувчиларнинг ўрганилаётган билим, малака ва кўникмаларни эгаллашнинг нечоғлик зарурлигини англашига, бу билим ва кўникмаларнинг ҳаёт учун фойдасини, аҳамиятини тушунишга қаратилганлиги, ўқувчиларни дарсда фаоллаштирувчи материалларнинг берилиши.

12. Аниқ, абстракт тушунча ва фактларнинг бирлиги тамойили: ўқитиш баъзан фактларни кузатишдан бошланиши, кейин эса, хусусийдан умумийга, аниқдан мавҳумга ўтиши, бошқа ҳолларда эса мавҳумдан муайян тушунча ва фактларга ўтиши тарзида амалга оширилиши.

13. Кўрсатмалилик тамойили: методик тавсияда келтирилган материалларнинг кўрсатмалиликка ва ҳодисалар ривожининг ички ва ташқи мантикийлигига асосланган бўлиши, ўқувчиларда тўғри тасаввур ва тушунчаларни шакллантиришга ёрдам берувчи зарур суратлар, схемалар, чизмалар каби кўргазмали иллюстрацияларнинг бўлиши, безаклар ўқувчи диққатини ўзига тортадиган бўлиши ва ўқувчининг ўзлаштиришига ёрдам бериши, рангларнинг ўз жойида ва зарурий минимал меъёрга ишлатилиши.

14. Билимларни пухта эгаллаш тамойили: ўқитишнинг кейинги босқичларида олинган билимларни қўллаш ва мустаҳкамлаш, ўқувчиларнинг билимларни пухта эгаллашлари учун дарсликда механик тарзда эслаб қолишга эмас, фаол фикрлашга, ўрганилганларнинг маъносини уқиб олишга қаратилган машқлар бўлиши, билимларни назорат қилиш учун мўлжалланган савол намуналарининг берилиши.

15. Ривожлантирувчи таълим тамойили: билимларни эгаллаш ва ўқувчиларни ҳар томонлама камол топтириш жараёнлари орасида узлуксиз алоқаларнинг ўрнатилиши, ўқувчиларнинг мустақил билим олишга йўналтира оладиган материалларнинг берилиши.

16. Таълимнинг ижтимоийлик тамойили: материалларнинг жамиятдаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларга мос ҳолда берилиши.

17. Ўқувчиларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш тамойили: дарс материалларининг ўқитувчи шахсига қаратилганлиги, ўқувчиларнинг ақлий ва жисмоний имкониятлари, қизиқишлари ва лаёқатлари турлича эканлигини назарда тутиш.

18. Таълимнинг ўқувчилар ёши, психологик хусусиятлари ва савиясига мослиги тамойили: ўқувчиларнинг индивидуал, ёш ва психологик хусусиятларини ва билим даражасини ҳисобга олиш.

19. Таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлиги тамойили: ўқувчи шахсини тўғри ва тадрижий равишда шаклланиб бориши, фаннинг юқори чўққилари сари оғишмай интилиб бориши ва онгининг шаклланишига мувофиқ тарзда фан ютуқларини ўзлаштириб бориши, такрорловчи ва умумлаштирувчи материалларнинг берилиши.

20. Гендер тамойили: ҳамма соҳада аёл ва эркакларга тенг қараш, камситмаслик масалаларининг тегишли меъёрида ёритилиши.

Методик тавсияларни баҳолаш мезонлари

Яратилган методик тавсия эксперт (шу соҳанинг малакали мутахассислари)лар томонидан баҳоланиши лозим. Методик тавсия мазмун, методология ва ғояни ўқитувчилар, ўқувчиларга етказилиш усуллари самардорлиги жиҳатидан баҳоланади. Баҳолаш қуйида келтирилган жадвалда белгиланган балл қўйиш усулида амалга оширилади. Бунда методик тавсияни баҳолашнинг энг юқори бали 100 балл этиб белгиланган.

Методик тавсияларни баҳолаш мезонлари

Т.р	Баҳолаш мезонлари	Максимал балл	Методик қўлланмага қўйилган талабларнинг бажарилиши	Баллар тақсими
1.	Методик тавсиянинг ўқитувчиларнинг методик эҳтиёжи асосида ишлаб чиқилганлиги	10	а) Методик тавсиянинг методик эҳтиёжлар диагностикаси асосида аниқланган талабларга тўлалигича мос;	10
			б) Методик тавсия методик эҳтиёжларга қисман мос;	5
			г) Методик тавсия ўқув дастуридаги мавзуга мос бўлмаса	0
2.	Методик тавсиянинг давлат таълим стандартларида	10	а) Методик тавсия ўқув дастуридаги мавзуга тўлалигича мос ва ишлатишга қулай;	10

	белгиланган талабларни бажаришга йўналтирилганлиги		б) Методик тавсия ўқув дастуридаги мавзуга мос, лекин олдинги мавзулар билан узвий бўлмаса;	5
			г) Методик тавсия ўқув дастуридаги мавзуга мос бўлмаса	0
3.	Методик тавсиянинг мақсади аниқ қўйилганлиги	10	а) Тавсия мақсадлар ва йўлланмаларга эга;	10
			б) Тавсия мақсадлар ва йўлланмаларга эга, аммо таълим воситаларидан фойдаланиш тўлалигича берилмаган;	5
			в) Тавсия мақсади ноаниқ ва таълим воситаларидан фойдаланилмаган.	0
4.	Методик тавсиядаги ғоянинг янгилиги, қўйилган масаланинг долзарблиги	10	Методик тавсиядаги ғоя: инновацион ғоя ва қўйилган масала долзарб;	10
			Методик тавсиядаги ғоя олдин ҳам мавжуд бўлган ва қўйилган масала қисман долзарб;	5
			Методик тавсиядаги масала долзарблигини йўқотган, тавсияга эҳтиёж мавжуд эмас;	0
5.	Методик тавсияда ўқитишнинг илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларни жорий этишга оид амалий тавсияларнинг мавжудлиги		а) Тавсияда мавзу бўйича ўқитишнинг илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларни жорий этишга оид амалий тавсиялар аниқ баён этилган;	10
			б) Тавсияда мавзу бўйича ўқитишнинг илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларни жорий этишга оид амалий тавсиялар қисман, умумий ва назарий баён этилган;	5
			д) Тавсияда мавзу бўйича ўқитишнинг илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларни жорий этишга оид тавсиялар ноаниқ.	0
6.	Методик тавсиянинг натижавийлиги	10	а) Тавсияни амалга ошириш натижасида тўлиқ натижавийликка эришилади, тавсиялар амалиёт билан боғлиқ;	10
			б) Тавсияни амалиётга жорий этишдаги натижавийлик ўқитувчининг маҳорати ва ўқувчиларнинг даражасига боғлиқ бўлиб қолган;	5
			д) Тавсияни амалиётга жорий этиш натижа бермайди, чунки амалиёт билан боғлиқ эмас, аниқ ҳаракатлар кўрсатиб берилмаган.	0
7.	Методик тавсиянинг ўқитиш методикаси	10	а) Тавсияда мавзу бўйича ўқитиш методлари аниқ баён этилган;	10
			б) ўқитиш методикаси умуман аниқ, лекин айрим жиҳатлари янада аниқроқ баён этилиши мумкин эди;	5
			д) ўқитиш методологияси ноаниқ.	0

8.	Материалларнинг илмий жиҳатдан тўғрилиги	10	а) Барча материаллар илмий жиҳатдан тўғри ёритилган;	10
			б) материаллар умуман тўғри ёритилган, лекин бир нечта хатолар бор;	5
			в) материаллар илмий жиҳатдан нотўғри ёритилган.	0
9.	Тил услуби, мазмуннинг баён этилиши	10	а) Мазмун ва тил аниқ ва рағон баён этилган;	10
			б) мазмун ва тил ҳар доим ҳам аниқ ва рағон баён этилмаган;	5
			в) мазмун ва тил ноаниқ баён этилган.	0
10.	Методик тавсияда берилган материалларнинг имло ва услубий жиҳатдан саводхонлик даражаси	10	а) Методик тавсияда имло ва услубий жиҳатдан саводли ёзилган, имло ва услубий хатолар мавжуд эмас;	10
			б) Методик тавсияда қисман (15%) имло ва услубий хатоларга йўл қўйилган;	5
			г) Методик тавсияда имло хатолар жуда кўп.	0

Изоҳ: Методик тавсия жами 100 балл билан баҳоланади. Амалдаги рейтинг тизимига кўра, умумий бали 86 - 100 балл бўлса “инновацион”, 71 - 85 балл бўлса “долзарб”, 55 - 70 балл бўлса “эҳтиёж кам”, 55 балдан паст бўлса “талабга жавоб бермайди” деб баҳоланади.

4.3. Мавзу: Илғор иш тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш тартиби.

Бугунги кунда таълим муассасаларида кўплаб ўз ишининг устаси бўлган ўқитувчилар фаолият олиб бормокдалар. Улар жумласига йилнинг энг яхши фан ўқитувчилари, ижодкор ўқитувчилар ва турли йўналишдаги эксперементатор ўқитувчиларни киритиш мумкин.

Ўқитувчи дарс жараёнида қандай усулни қўлламасин, қандай дидактик воситалардан фойдаланмасин, қандай ишланма, дидактик восита ёки аудио-видео материал яратмасин, илғор тажриба деб фақат натижавийлиги юқори бўлган тажрибаларни айтиш мумкин.

Самарадорликни аниқлашнинг муҳим шарти, барча ўқувчилардан маълум усуллар орқали уларни олган билим, кўникма ва малакаларини синаб кўриш ва ривожланиш даражасини қиёсий таҳлил қилишдан иборатдир.

Илғор иш тажрибаларини амалиётга жорий этиш ўзаро узвий боғлиқда бўлган қуйидаги **5 та босқич** орқали амалга оширилади.

1-босқич: Илғор иш тажрибани аниқлаш;

2-босқич: Илғор иш тажрибани ўрганиш;

3-босқич: Илғор иш тажрибани умумлаштириш;

4-босқич: Илғор иш тажрибани оммалаштириш;

5-босқич: Илғор иш тажрибани тарғиботини ташкил этиш.

Таълим жараёнига ижодий ёндошиш натижасида яратилаётган бу янгиликлар муайян мактаб доирасида қолиб кетмасдан туман(шаҳар), вилоят, Республика миқёсида оммалаштирилиши, бу билан таълим методикаси бойитиб борилиши зарур.

Илғор иш тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш ўқитувчиларнинг касб маҳоратларини такомиллаштиришнинг энг қулай шаклидир. Илғор иш тажриба ўқитувчининг ўз педагогик фаолиятига ижодкор ва наворларча ёндошиб, ўқувчиларга таълим ва тарбия беришнинг янги йўллари излаб топишдир.

Педагогик тажриба амалий фаолият жараёнида пайдо бўлади. Унинг мазмуни педагогик билим, малака ва кўникма, шахсни шаклланишида фаол қатнашиши билан белгиланади.

Илғор иш тажрибаларни аниқлашда маълум мезонларга асосланиш керак. Бунда энг муҳим мезон ўқитувчи ўз педагогик фаолиятида қўллайдиган таълим –тарбиянинг илғор шакл ва методларидир. Бу унинг оддий ўқитувчидан ажратадиган муҳим белгисидир.

Илғор иш тажрибани ифодаловчи яна бир мезон унинг юқори натижага эришиш учун замин ҳозирлашидир. Бунда ўқувчиларнинг билими даражалари ҳисобга олиниши шарт

Ҳар қандай тажрибани ҳам оммалаштиришга тавсия этиб бўлмайди.

Илғор иш тажрибаларни ўрганиш оммалаштириш мураккаб жараён ҳисобланиб мақсади ёш авлодга таълим-тарбия беришда илмий асосланган, педагогик амалиётда синалган ғояларни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этишдир.

Оммалаштириш учун тавсия этилган тажрибага қўйилган талаблар:

1. Ижтимоий аҳамияти ва актуаллиги: оммавий равишда амалиётда тажрибадан ижодий қўллаш имконияти;

2. Ишнинг натижавийлиги: бир неча марта юқори натижага эришганлиги, ҳар хил шароитда синаб қурилганлиги;

3. Тажрибанинг янгилиги: амалиётдаги методикага қўшган янги усуллари; педагогик жараёнда янги қонуниятларни кашф этишига таъсири; педагогика ва методикадаги замонавий эришилган натижалар мослиги;

4. Исботланганлиги: ўқувчиларни билим кўникма ва малакаларни эгаллашдаги сифат кўрсаткичларини юқори натижавийлиги; шахсни ривожланиши, тарбияланиш даражасига илғор тажриба йўналганлиги;

5. Барқарорлиги: натижаларнинг доимий такрорланиб туриши, педагогик амалиётдаги зарурлиги; фаоллиги; истикболлиги;

6. Оптималлиги: минимал вақт, шароит ва воситаларда юқори натижага эришиши мумкинлиги;

7. Яхлитлик: тажриба ўқув-тарбия жараёнининг қисми сифатида кўрилиши лозим.

Демак, тажрибани ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштиришда (методист, директор, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, ўқитувчи) куйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

- илғор иш тажрибанинг амалда таълим жараёнидаги муаммоларни ҳал қилишда ва методик кўрсатмалар, маслаҳатлар беришда фойдалилиги;

- ўқув-тарбия муассасаларининг барча раҳбарлари ва таълим-тарбия соҳасидаги илмий ходимлар, педагоглар илғор иш тажрибани

ўрганиб иш жараёнига тадбиқ эта олиши ва ёш мутахассисларга намуна қилиб кўрсатишга лойиқ эканлиги;

- илғор иш тажрибанинг ўқувчиларга таълим-тарбия беришда тадбирлар ташкил этиш, ота-оналар билан фаол ишлаш, ўқувчиларни амалий фаолиятга тайёрлаш каби ишларининг ўзига хослиги;

Тажрибани ўрганиш ва умумлаштиришдан аввал яхши тайёргарлик кўрмаслик, чиқарилган хулосаларнинг юзаки ва саёз бўлишига олиб келади.

Илғор иш тажрибани ўрганишга тайёргарлик кўраётганида қилинадиган ҳамма ишларни режалаштириб олиш керак:

1-БОСҚИЧ: Илғор иш тажрибаларни аниқлаш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

- Натижавийлиги, ўқув-тарбия натижаларининг самарасини мунтазамли ва юқори даражада эканлиги;
- долзарблиги ва ижтимоий аҳамияти, ўқув-тарбия вазифаларининг самарали бажарилиши, бошқарув фаолияти мазмунининг такомиллаштирилиши;
- педагогик амалиётдаги зарурлиги, фаоллиги ва истиқболлилиги;
- янгилиги, амалиётдаги методикага қўшган янги усуллари;
- педагогик жараёнда янги қонуниятларни кашф этишга таъсири, педагогика ва методикадаги эришилган натижалар замонга мослиги;
- исботланганлиги, юқори натижавийлиги ва самарадорлиги;
- ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни эгаллашдаги сифат кўрсаткичларининг юқори натижавийлиги ва илғор тажриба шахсни ривожланиш, тарбияланиш даражасига йўналганлиги;
- барқарорлиги, бир неча марта юқори натижага эришганлиги, ҳар хил шароитда синаб кўрилганлиги;
- оммавий равишда амалиётда тажрибани ижодий қўллаш имконияти (*махсус шароитга мўлжалланган тажрибаларни оммалаштиришга тавсия этилмайди*);
- оптималлиги, минимал вақт, шароит ва воситаларда юқори натижага эришганлиги;
- бутунлиги, тажриба ўқув-тарбия жараёнининг қисми сифатида кўрилиши.
- истиқболлилиги, илғор иш тажрибаларни ривожлантириш ва улардан амалиётда фойдаланиш истиқболларининг борлиги.

2-БОСҚИЧ: Илғор иш тажрибани ўрганишда нималарга эътиборни қаратиш лозим:

- ўрганиш учун ўзида таълим жараёнидаги замонавий муаммолар ечимини ақс эттирувчи тажрибани танлаш;
- аниқланган тажрибани узоқ даврга мўлжаллаб ишлаб чиқилган дастур асосида таълимнинг бутун кўламини қамраб олган ҳолда ўрганиш;
- тажрибани ўрганиш жараёнига илғор иш тажрибали ўқитувчиларни имкон даражасида кўпроқ жалб этиш;
- ўрганилаётган тажрибанинг муаммоларга таъсир қилувчи ва тuzатувчи характерга эга эканлигини эътиборга олиш;
- ўрганилаётган иш тажрибага самарали илғор педагогик технологияларни олиб кирилганлиги ва унинг таълим мазмунига сингдирилганлиги;
- ўқитувчи дарсларининг охириги уч йиллик ўқув даври давомидаги самарадорлигини таҳлил қилиш;
- ўқитувчининг ўқувчилари томонидан билимлар беллашуви, фан олимпиадасининг туман, вилоят босқичидаги натижаларини аниқлаш;
- илғор иш тажрибани ривожланиб бориш жараёнида ўрганиш;

3-БОСҚИЧ: Илғор иш тажрибаларни умумлаштириш тартиби.

Илғор иш тажрибани умумлаштириш учун қандай ишларни амалга ошириш керак?

- ўқитувчи ҳақидаги маълумотлар умумлаштирилади;
- ўрганилган йўналиш бўйича ўқитувчининг амалга оширган ишлари тўплам ҳолатига келтирилади;
- ўқитувчининг илғор иш тажрибасига аниқ хулосалар қилинади;
- ўқитувчи томонидан берилган таклифлар тавсия ҳолатига келтирилади;
- ўқитувчининг таълим-тарбия соҳасидаги бажарган ишлари бўйича мукамал тавсиялар яратилади;
- материаллар керакли миқдорда кўпайтирилади;
- илғор иш тажрибалар семинар-кенгашларда, педагогик кенгашларда, фан методика уюшмаси йиғилишларида муҳокама қилинади.

4-БОСҚИЧ: Илғор иш тажрибаларни оммалаштиришда қуйидаги шакллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

- педагогик кенгаш, метод бирлашма йиғилишларида, анжуманларда, педагогик ўқишларда сўзлаб бериш;
- илғор тажриба таянч мактабларида, семинарларда, ижодий гуруҳларда, малака ошириш курсларида маълумот бериш;
- кўргазмаларда панарама-дарсларида кўрсатиш;
- оммавий ахборот воситаларида мақолалар, тавсиялар шаклида бериш;

Илғор иш тажрибани оммалаштириш босқичлари ва тартиби

Мактаб миқйёсида оммалаштириш

Илғор иш тажриба мактаб фан методика бирлашмаси томонидан аниқланади, таҳлил қилинади, умумлаштирилиб методика кенгашига тавсия этилади, мактаб педагогика кенгашининг қарори билан мактаб миқйёсида оммалаштирилади.

Туман миқйёсида оммалаштириш учун мактаб педагогика кенгаши қарори, мактаб раҳбари тақдимномаси ва ўқитувчининг фаолиятига оид ҳужжатлар яратган янгиликлари ҳақида маълумот тайёрланиб тавсиялар туман методик бўлимга тақдим этилади.

Туман (шаҳар) миқйёсида оммалаштириш

Илғор иш тажриба туман(шаҳар) миқйёсида фан методика уюшмасининг тавсиясига асосан туман методик бўлим кенгаши қарори билан оммалаштирилади (асос: Фан методика уюшмаси тўғрисидаги Низомнинг 2,2 банди).

Вилоят миқйёсида оммалаштириш учун фан методика уюшмаси қарори, ўқитувчининг фаолиятига оид ҳужжатлар ҳақида маълумот, тайёрлаган тавсиялари ва ХТБ мудирининг тақдимномаси вилоят методика марказига тақдим этилади.

Вилоят миқйёсида оммалаштириш

Вилоят халқ таълими бошқармаси Методика маркази қошидаги Ўқув-методика кенгаши тавсиясига асосан вилоят методика маркази кенгаши қарори билан оммалаштирилади (методика маркази тўғрисидаги Низомнинг 2,6,2,7-банди).

Республика миқйёсида оммалаштириш учун Ўқув-методика кенгаши тавсиясига асосан вилоят методика маркази кенгаши қарори, ўқитувчининг фаолиятига оид ҳужжатлар, илғор иш тажрибалари ҳақида маълумот, тайёрлаган тавсиялари ва ВХТБ бошлиғининг тақдимномаси РТМ га тақдим этилади.

Республика миқйёсида оммалаштириш

Республика таълим маркази фан бўлимлари томонидан ўрганилади ва фан йўналишидаги Илмий методика кенгашининг қарори билан Республика миқйёсида оммалаштирилади. Демак, мактаб ва ўқитувчиларнинг таълим-тарбия соҳасидаги энг яхши тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш ўқувчиларга таълим-тарбия бериш ишларини яхшилашда, педагогиканинг янада юксалишига олиб келади.

5-босқич: Илғор иш тажрибани тарғиб қилиш:

- Илғор иш тажриба ўқув-семинарлар орқали;
- Очиқ дарслар ташкил этиш;
- “Маҳорат мактаблари”даги маҳорат дарслари орқали;
- Оммавий ахборот воситалари орқали;
- Масофавий методик хизмат орқали;
- Нашрлар орқали;
- Конференциялар орқали
- Малака ошириш курслари орқали;
- Кўрик-танловлар орқали;
- Интернет ва таълим сайтларига жойлаштириш орқали ва бошқ.

Худудий халқ таълими ходимлари қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларидаги “Методист мактаби”нинг аниқ ва табиий фанлар йўналиши учун намунавий машғулотлар РЕЖАСИ

Т/р	Мавзулар	Жами соат	Шундан	
			Назарий	Амалий
1	Аниқ ва табиий фанларни ўқитишдаги (ўқув дастур ва дарсликларда) янгиликлар	1	1	
2	Аниқ ва табиий фанлар йўналиши бириктирилган методистларнинг асосий вазифалари ва иш мазмуни	2	1	1
3	Фан уюшмалари ишларини мазмунли ташкил этиш	2	1	1
4	Аниқ ва табиий фанларни ўқитишда педагогик ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишда методистнинг ўрни	2	1	1
5	Методист томонидан таълим сифат мониторингида аниқланган бўшлиқларларни тўлдиришда ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатиш, тавсиялар яратиш	3	1	2
6	Фанга оид ўтказиладиган тадбирларни сифатли ташкил этиш масалалари	2	1	1
Жами:		12	6	6

“Методист мактаби”нинг аниқ ва табиий фанлар йўналишидаги ўқувларнинг намунавий ўқув дастури

1-мавзу: Аниқ ва табиий фанларни ўқитишдаги янгиликлар, янгича ёндашувлар (1 соат назарий)

Аниқ ва табиий фанларнинг ўқув дастури ва дарсликлардаги сўнги ўзгаришлар. Фанлар мазмунига оид янгиликлар. Аниқ ва табиий фанларнинг ўқитилиши бугунги аҳволи. Ўқитувчиларнинг ўқитиш жараёнида дунёвий билимлар асосларини тадбиқ қила олишида методистнинг ўрни. Ўқув фанларининг ривожланиш истиқболи. Фанлараро узвийликни таъминлаш.

2-мавзу: Аниқ ва табиий фанлар йўналиши бириктирилган методистларнинг асосий вазифалари ва иш мазмуни (1 соат назарий, 1 соат амалий)

Аниқ ва табиий фанлар йўналиши бириктирилган методистларнинг лавозим ва мажбуриятлари. Методистлар ўқитувчиларнинг дастур тақвим мавзу режалар билан ишлашда раҳбарлик фаолияти. Давлат таълим стандартларининг бажарилишини назорат қилиш. Педагогик ходимларни ҳақида маълумот базасини ташкил этиш. Таълим муассасаларини методик эҳтиёжларни ўрганиш ва таҳлил қилиш ва такомиллаштириш йўллари белгилаш.

Ўқув хоналарининг жиҳозланиши, ўқув-лаборатория жиҳозларидан самарали фойдаланиш йўллари ва уларнинг сақланиш ҳолати юзасидан тавсиялар.

Дарсликларнинг тақризлари бўйича ишларни режалаштириш.

Амалий иш: Педагог ходимларнинг методик эҳтиёжлари аниқлаш ва истиқбол режаларини ишлаб чиқиш.

3-мавзу: Фан уюшмаларнинг ишларини мазмунли ташкил этиш (1 соат назарий, 1 соат амалий)

Фан уюшмаларининг иш фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш. Долзарб масалаларни режалаштириш. Методистларнинг ўқитувчиларга кўрсатадиган амалий-методик ёрдами. Дарс таҳлиллари, дарсларни мутахассислик сифатида таҳлил қилиш ва асослаш. Яратилган методик тавсиялар, дарс ишланмаларининг сифати, мазмуни. Ўқитувчиларнинг ўз устларида ишлашлари бўйича мураббийлик раҳбарлик. Таълим муассасаларидаги методик ишлар ҳолатини ўрганиш, ўқув – тарбия ишлари самарадорлигини оширишда методик хизматга оид йўналишларни белгилаш.

Ўқув жараёнида педагогик технология асосида ташкил қилишда қўлланиладиган методлар ва уларнинг самараси. Илғор иш тажрибаларни оммалаштириш.

Амалий иш: Фан уюшмаларининг йиллик, чораклик иш режасини ишлаб чиқиш.

4-мавзу: Аниқ ва табиий фанларни ўқитишда педагогик ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишда методистнинг ўрни(1 соат назарий, 1 соат амалий)

Педагогик ходимларни инновацион тажрибалар юзасидан эҳтиёжини аниқлаш. Таълим жараёнида ахборот коммуникация технологияларини ўқув-тарбия жараёнига тадбиқ этиш, таълим сифат-самарадорлигини ошириш. Педагогик технологияларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш бўйича семинарлар, тренинглар ўтказиш. Лаборатория жиҳозлари билан таъминланмаган мактабларда кимёвий тажрибаларни маҳаллий материаллардан фойдаланиш. “Мураккаб фан ўрганаман” тавсияси асосида дарсларни ташкил этиш. Муаммоли таълим технологияларидан таълим жараёнида фойдаланиш. Янги методларни қўллашга оид очиқ дарслар ташкил этиш умумий ўрта таълим мактабларида фанларни ўқитишда электрон дарсликлар, мультимедиа воситалари, виртуал лабораториялар ва видео дарслардан фойдаланиш методикаси.

Амалий иш: Шахсга йўналтирилган таълим ва Муаммоли таълим технологияларидан таълим жараёнида фойдаланиш.

5-мавзу: Методист томонидан таълим сифати мониторингида аниқланган бўшлиқларларни тўлдиришда ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатиш. (1 соат назарий, 2 соат амалий)

Аниқ ва табиий фанлар йўналишида бўшлиқларни аниқлаш. Вилоят халқ таълими бошқармаси ва туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими кенгашларида ўқувчилар билимида аниқланган бўшлиқларнинг тўлдирилиши юзасидан олиб борилаётган ишларнинг муҳокамаси. Аниқланган бўшлиқларни тўлдириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш. Яратилган тавсияларнинг тақризлари, сифати, мазмуни. Ишлаб чиқилган тавсия ва дарс ишланмаларни таълим муассасаларига етказилиш ҳолати.

Амалий иш: Ўқувчиларда аниқланган билим бўшлиқларини тўлдириш юзасидан тайёрланган педагогик технологияларга асосланган дарс ишланмалари ва методик тавсиялар яратиш

6-мавзу: Фанга оид ўтказиладиган тадбирларни сифатли ташкил этиш масалалари

Аниқ ва табиий фанлар йўналишидаги ўқитувчилар учун методик тадбирларни ташкил этиш. “Маҳорат мактаблари”нинг фаолиятини мунтазам мазмунли ташкил этиш, бу мактаблар орқали ўқитувчилар малакасини ошириш, тажриба алмашиш. Маҳорат дарсларини

ўтказилишини ташкил этиш. Тренер ўқитувчилар тайёрлаш, маърузалар матни яратиш.

“Тажриба-синов” мактаблари доирасида фаолият юритаётган ўқитувчилар учун ўқув-семинарлар ташкил этиш. Тажриба ўтказаётган экспериментал майдончаларга методик ёрдам кўрсатиш. Экспериментатор ўқитувчиларга йўриқномалар бериш. Тажриба-синов олиб борилаётган таълим муассасаси билан КХК ва АЛлар орасида мувофиқлаштирувчи кенгаш ишлари бўйича методист вазифаси.

Амалий иш: Маҳорат дарсларининг ўтказилиши юзасидан мунозара ташкил этиш

Худудий халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтларида ташкил этилган мактабгача таълим ва бошланғич таълим йўналишидаги “Методист мактаби”нинг намунавий ўқув режаси

Т/р	Мавзулар	Жами соат	Шундан	
			Назарий	Амалий
1	Мактабгача таълим ҳамда бошланғич таълим йўналишидаги сўнгги янгиликлар	1	1	
2	Мактабгача таълим ва бошланғич таълим йўналишлари бириктирилган методистларнинг асосий вазифалари ва иш мазмуни	2	1	1
3	Фан уюшмалари ишларини мазмунли ташкил этиш	2	1	1
4	Мактабгача таълим йўналишидаги 5 номда методик қўлланмалар ва бошланғич таълим йўналишидаги 7 номда яратилган мультимедиали дарсликлардан амалиётда самарали фойдаланиш аҳволи	2	1	1
5	Мактабгача таълим ва бошланғич таълим йўналишларининг ўқув машғулотларини ташкил этишда педагогик ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишда	3	1	2

	методистнинг ўрни			
6	Фанга оид ўтказиладиган тадбирларни сифатли ташкил этиш масалалари	2	1	1
Жами:		12	6	6

Худудий халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтларида ташкил этилган мактабгача таълим ва бошланғич таълим йўналишидаги “Методист мактаби”нинг намунавий ўқув дастури

1-мавзу: Мактабгача таълим ҳамда бошланғич таълим йўналишидаги сўнгги янгиликлар (1 соат назарий)

Мактабгача таълим йўналишларининг давлат талаблари ва методик қўлланмаларидаги ўзгаришлар. Машғулотлар мазмунига оид янгиликлар. мактабгача таълим йўналишининг методик адабиётлар билан таъминланиш ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

Бошланғич таълим йўналишининг ўқув дастури ва дарслик, методик қўлланмаларидаги ўзгаришлар. Фанлар мазмунига оид янгиликлар. Бошланғич таълим йўналишларининг методик адабиётлар билан таъминланиш аҳволини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

Мактабгача таълим ва бошланғич таълим йўналишларининг ўқув фанларининг ривожланиш истикболи. Фанлараро узвийликни таъминлаш.

2-мавзу: Мактабгача таълим ва бошланғич таълим йўналиш бириктирилган методистларнинг асосий вазифалари ва иш мазмуни (1 соат назарий, 1 соат амалий)

Мактабгача таълим ва бошланғич таълим йўналиш бириктирилган методистларнинг лавозим ва мажбуриятлари. Методистлар ўқитувчиларнинг дастур тақвим мавзу режалар билан ишлашда раҳбарлик фаолияти. Давлат талаблари ва Давлат таълим стандартларининг бажарилишини назорат қилиш. Педагогик ходимларни ҳақида маълумот базасини ташкил этиш. Таълим муассасаларини методик эҳтиёжларни ўрганиш ва таҳлил қилиш ва такомиллаштириш йўллари белгилаш. Педагог ходимларга касбий маҳоратини ва малакасини ошириш. Дарслик, методик қўлланмаларларнинг тақризлари бўйича ишларни режалаштириш.

Амалий иш: Мактабгача таълим ва бошланғич таълим йўналишларининг методик эҳтиёжлари аниқлаш ва истикбол режаларини ишлаб чиқиш.

3-мавзу: Фан уюшмалари ишларини мазмунли ташкил этиш (1 соат назарий, 1 соат амалий).

Фан уюшмаларининг иш фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш. Долзарб масалаларни режалаштириш. Методистларнинг ўқитувчиларга кўрсатадиган амалий-методик ёрдами. Дарс таҳлиллари, дарсларни мутахассислик сифатида таҳлил қилиш ва асослаш. Яратилган методик тавсиялар, дарс ишланмаларининг сифати, мазмуни. Ўқитувчиларнинг ўз устларида ишлашлари бўйича мураббийлик раҳбарлик. Таълим муассасаларидаги методик ишлар ҳолатини ўрганиш, ўқув-тарбия ишлари самарадорлигини оширишда методик хизматга оид йўналишларни белгилаш.

Фарзандларимизни ёшлигиданоқ, шахс камолоти учун муҳим ҳисобланган одоб-ахлоқ, сабр-қаноат ва дунёқараш шакллари тарбиялаш. Ўқув машғулотлари жараёнида педагогик технология асосида ташкил қилишда қўлланиладиган методлар ва уларнинг самараси. Илғор иш тажрибаларни оммалаштириш.

Амалий иш: Фан уюшмаларининг йиллик, чораклик иш режасини ишлаб чиқиш ва ҳужжатлаштириш

4-мавзу: Мактабгача таълим йўналишидаги 5 номда методик қўлланмалар ва бошланғич таълим йўналишидаги 7 номда яратилган мультимедиали дарсликлардан амалиётда самарали фойдаланиш аҳволи . (1 соат назарий, 1 соат амалий)

Мактабгача таълим йўналишидаги 5 номда методик қўлланмалар ва бошланғич таълим йўналишидаги 7 номда яратилган мультимедиали дарсликлардан амалиётда самарали фойдаланиш юзасидан Вилоят халқ таълими бошқармаси ва туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими кенгашларида олиб борилаётган ишларнинг муҳокамаси. Яратилган методик қўлланмалар, тавсия ва дарс ишланмаларини таълим муассасаларига етказилиш ҳолати, натижавийлиги.

Амалий иш: Ўқувчиларда методик эҳтиёжи асосида дарс ишланмалари ва методик тавсиялар яратиш

5-мавзу: Мактабгача таълим ва бошланғич таълим йўналишларининг ўқув машғулотларини ташкил этишда педагогик ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишда методистнинг ўрни (1 соат назарий, 1 соат амалий)

Педагогик ходимларни инновацион тажрибалар юзасидан эҳтиёжини аниқлаш. Таълим жараёнида ахборот коммуникацион технологияларни ўқув-тарбия жараёнига тадбиқ этиш, таълим сифати самарадорлигини

ошириш. Педагогик технологияларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш бўйича семинарлар, тренинглар ўтказиш. Лаборатория жиҳозлари билан таъминланмаган мактабларда кимёвий тажрибаларни маҳаллий материаллардан фойдаланиш. “Мураккаб фан ўрганаман” тавсияси асосида дарсларни ташкил этиш. Ҳамкорликда ўқитиш технологияларидан таълим жараёнида фойдаланиш. Янги методларни қўллашга оид очиқ дарслар ташкил этиш.

Амалий иш: Шахсга йўналтирилган таълим ва ҳамкорликда ўқитиш технологияларидан таълим жараёнида фойдаланиш.

6-мавзу: Фанга оид ўтказиладиган тадбирларни сифатли ташкил этиш масалалари (1 соат назарий, 1 соат амалий)

Аниқ ва табиий фанлар йўналишидаги ўқитувчилар учун методик тадбирларни ташкил этиш. “Маҳорат мактаблари” орқали ўқитувчилар малакасини ошириш, тажриба алмашиш. Маҳорат дарсларини ўтказилишини ташкил этиш. Тренер ўқитувчилар тайёрлаш, маърузалар матни яратиш, тарқатма материаллар ҳақида.

“Тажриба-синов” мактаблари доирасида фаолият юритаётган ўқитувчилар учун ўқув-семинарлар ташкил этиш. Тажриба ўтказмаётган экспериментал майдончаларга методик ёрдам кўрсатиш. Экспериментатор ўқитувчиларга йўриқномалар бериш.

Амалий иш: Маҳорат дарсларининг ўтказилиши юзасидан мунозара ташкил этиш

МЕТОДИСТНИНГ КАСБИЙ МАҲОРАТИ ДИАГНОСТИК КАРТАСИ

_____ **ВИЛОЯТИ**

_____ **туман(шаҳар)**

_____ **МЕТОДИСТИ**

штан жадвали бўйича ёзилади

_____ **Ф.И.Ш (таълиқ ёзилади)**

_____ *Амалда қандай вазифа юкланган ва нима фаолият билан шугулланади*

Маълумоти _____

Мутахассислиги _____

Педагогик стажи _____ **йил**

Малака тоифаси (ўқитувчи сифатида) _____

Методист вазифасидаги стажи _____ **йил**

Охирги малака оширган йили ва жойи _____

МЕТОДИСТЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИГА ОИД ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунида унинг асосий мақсади нима деб белгиланганлигини аниқланг?

А) Таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратиш;

В) Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг мақсади – фуқароларга таълим-тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш, ҳар кимга билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашдан иборат;

С) кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;

Д) кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш.

2. Кадрлар тайёрлаш миллий моделида узлуксиз таълим қандай ўрин тутади?

А) Кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва амалга оширувчиси;

В) Таълимда кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш, назорат қилишни амалга оширувчи кадрларни тайёрлаш ҳамда уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

С) Юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчи ҳисобланади;

Д) Малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмасини ҳамда унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади.

3. “Методист” сўзи қандай маънони билдиради?

А) Бола етакламоқ деган маънони билдиради;

В) Шахснинг фаолиятини тўғри уюштириш тўғрисида таълимот деган маънони билдиради;

С) Бирор бир мақсадга эришиш йўли деган маънони билдиради;

D) Бирор ғояга, ҳаракатга амал қилмоқ деган маънони билдиради.

4. Ўқувчилар билимининг давлат таълим стандартларига мослиги мониторингини ўтказишдан кўзланган мақсад нима?

A) Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларнинг одоб-ахлоқига баҳо бериш

B) Таълим муассасаси ва ўқувчиларнинг инновацияларга тайёргарлиги даражасига оид маълумотларни тўплаш

C) Тестларни таҳлил қилиш ҳамда хулосалар тайёрлаш

D) Таълим сифати ҳамда унга таъсир этувчи омилларни аниқлаб, тегишли тадбирларни амалга ошириш.

5. Методистнинг асосий фаолият йўналишларини аниқланг?

A) Ташкилий — методик фаолият, аналитик (таҳлил қилиш) фаолият, ахборот ва маълумотлар базасини шакллантириш фаолияти, амалий маслаҳат фаолияти.

B) Ташкилий — методик фаолият, аналитик (таҳлил қилиш) фаолият, илмий фаолият, амалий маслаҳат фаолияти.

C) Ташкилий — методик фаолият, назорат фаолияти, илмий фаолият, амалий маслаҳат фаолияти.

D) Ташкилий — методик фаолият, аналитик (таҳлил қилиш) фаолият, илмий фаолияти, амалий маслаҳат фаолияти

6. Педагогик диагностиканинг асосий тамойиллари акс этган жавобни белгиланг?

A) Мақсадлилиқ, илмийлик, назарияга мувофиқлилиқ, психологик омилларни ҳисобга олиш, холислиқ, даврийлик;

B) Мақсадлилиқ, эҳтиёжга асосланганлик, методик асосланганлик, педагогик технологияларга мувофиқлик, холислиқ, даврийлик;

C) Мақсадлилиқ, илмийлик, методик асосланганлик, педагогик технологияларга мувофиқлик, узвийлик, соддалик, холислиқ, даврийлик;

D) Мақсадлилиқ, илмийлик, методик асосланганлик, педагогик технологияларга мувофиқлик, психологик омилларни ҳисобга олиш, холислиқ, даврийлик.

7. Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими методистлари томонидан дарс таҳлил қилиш меъёри “Дарс – муқаддас” тавсиясида қандай белгиланган?

A) Ҳафтасига камида 4 соат

B) Ҳафтасига камида 3 соат

C) Ҳафтасига камида 2 соат

D) Ҳафтасига камида 1 соат

8. Таҷриба-синовдан ўтаётган “Компетенциявий ёндашувга асосланган ДТС ларда” компетенциялар қандай турларга бўлинган?

- А) таянч ҳамда ҳар бир фанга хос хусусий ;
- В) таянч, фанга хос хусусий ва интегратив;
- С) таянч ва интегратив;
- Д) таянч, коммуникатив, ахборотлар билан ишлаш.

9. Илғор иш тажрибаларини амалиётга жорий этиш босқичлари тўғри кетма-кетликда берилган жавобни аниқланг?

- А) илғор иш тажрибани аниқлаш, ўрганиш, оммалаштириш, тарғиб қилиш;
- В) илғор иш тажрибани ўрганиш, умумлаштириш, оммалаштириш, тарғиб қилиш;
- С) илғор иш тажрибани аниқлаш, ўрганиш, умумлаштириш, оммалаштириш;
- Д) илғор иш тажрибани аниқлаш, ўрганиш, умумлаштириш, оммалаштириш, тарғиб қилиш.

10. Оммалаштириш учун тавсия этилган тажриба қандай мезонларга жавоб бериши керак?

- А) Ижтимоий аҳамиятлилиқ, долзарблиқ, натижавийлиқ, янгилик, оптималлиги, бир бутунлиқ, яхлилителиқ.
- В) Ижтимоий аҳамиятлилиқ, долзарблиқ, натижавийлиқ, янгилик, исботланганлиқ, барқарорлиги, оптималлиқ.
- С) Долзарблиқ, натижавийлиқ, исботланганлиқ, барқарорлиги, оптималлиги, бир бутунлиқ, яхлилителиқ.
- Д) Ижтимоий аҳамиятлилиқ, долзарблиқ, натижавийлиқ, янгилик, исботланганлиқ, барқарорлиги, оптималлиги, бир бутунлиқ, яхлилителиқ.

11. Педагогик новаторлиқ нима?

- А) Педагогик фаолиятда илғор тамойил ёки ғояни асослаш, янги йўл, усул ёки воситаларни тавсия қилиш, уларнинг амалиётга татбиқини таъминлашга қаратилган ижодий ёндашув.
- В) Педагогнинг касбий жараёни самарали ташкил этишга йўналтирилган яратувчанлиқ фаолияти.
- С) Педагогнинг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёни самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий
- Д) Педагогнинг шахс ва мутахассис сифатида муайян ҳуқ-атвор, одоб, муомала, ҳатти-ҳаракат, кўникма, малакаларини ўзлаштириш даражаси; педагогнинг касбий вазифаларни ҳал қилиш усул ва воситаларини ўзлаштирганлиқ, педагогик билимдонлиқ, такт, техника, маданиятни намоён қила олишнинг юқори даражаси.

12. Шахсга йўналтирилган таълимга тўғри изох берилган жавобни аниқланг?

А) Таълим жараёнининг асосий объекти ўқувчи (талаба, тарбияланувчи) бўлиб, унинг шахси, кадр-қимматини юқори ўринга кўядиган, асосий эътиборни интеллектуал салоҳиятини ошириш, дунёқарашини бойитиш, маънавий-ахлоқий тафаккурини ривожлантиришга қаратадиган педагогик фаолият тури;

В) педагог томонидан самарали ўзлаштирилиб, алоҳида ўқувчи (талаба, тарбияланувчи), болалар жамоаларига педагогик таъсир кўрсатиш методларининг амалда оқилона қўллай олиши учун имкон берадиган билим, кўникма, малакалар мажмуи;

С) Таълимнинг назарий жиҳатлари (таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари, ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти мазмуни, таълим мақсади, шакл, метод, воситалари, натижаси, таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва ҳ.к. муаммолар)ни ўрганувчи фан;

Д) Таълимнинг назарий жиҳатлари (таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари, ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти мазмуни, таълим мақсади, шакл, метод, воситалари, натижаси, таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари)ни тадқиқ этиш.

13. Методик кенгаш нима?

А) Таълим муассасасида таълим жараёнининг сифатини таъминлаш, ўқитувчиларнинг ғоявий-назарий жиҳатдан тайёргарлиги, педагогик ва методик маҳоратларини такомиллаштирилиб борилишига назарий-методик жиҳатдан раҳбарлик қилувчи орган;

В) Ўқитувчиларга таълим жараёнини ташкил этишни яхшилашда ёрдам кўрсатиш, педагогик тажрибалар тўплаш ва уларни таълим жараёнига татбиқ этиш, ўқитувчиларнинг педагогик малакаси ва назарий тайёргарлик даражасини ошириш мақсадида таълим муассасаларида фанлар ёки бир-бирига яқин бўлган фанлар туркумлари бўйича ташкил этилган уюшма;

С) тегишли фан ёки йўналиш бўйича мактаб Методика бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, тегишли фан ва йўналишлар бўйича янги педагогик технологияларни ва илғор тажрибаларни ўрганиш, ижодий ташаббусларни уйғунлаштириш, таълим-тарбия беришнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш, уларни таълим муассасаларида амалиётга татбиқ этиш, ўқитувчи (тарбиячиси) ларга методик ёрдам бериш, уларнинг касбий маҳоратларини мунтазам такомиллаштириб борадиган бирлашма;

Д) ўз-ўзини бошқариш шаклида ташкил этилиб, ўқитувчиларнинг касбий ва методик маҳоратини ҳамда малакасини ошириш, ўқувчиларга бериладиган таълим ва тарбия жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этилишини таъминлаш борасида ўзаро

тажриба алмашиш, ижодкорлик йўналишидаги изланишларни ривожлантириш ва бирлаштириш учун ташкил этилган бирлашма.

14. «Методика уюшмаси» қаерда ташкил этилади?

- A) Мактабда ташкил этилади
- B) Туманда ташкил этилади
- C) Вилоятда ташкил этилади
- D) Республика миқёсида

15. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят халқ таълими бошқармалари ҳузуридаги Методика (Таълим) маркази таълим муассасаларга қандай методик хизмат кўрсатади.

A) Давлат таълим стандартлари (давлат талаблари) асосида таълим жараёнини такомиллаштиришга кўмаклашади, таълим-тарбия сифат-самарадорлигини ошириш борасида методик хизмат кўрсатади.

B) Таълим-тарбия сифат-самарадорлигини ошириш борасида методик хизмат кўрсатади ва уларни моддий техник базасини, жиҳозлардан фойдаланиш ўрганади.

C) Давлат таълим стандартлари (давлат талаблари) асосида таълим жараёнини такомиллаштиришга кўмаклашади, уларни меъёрий ҳужжатларини ўрганади ва ишлаб чиқишда методик хизмат кўрсатади.

D) Давлат таълим стандартлари (давлат талаблари) асосида таълим жараёнини такомиллаштиришга кўмаклашади, таълим-тарбия жараёнида ўқитувчилар фаолиятини ўрганади, методик таъминлайди.

16. Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизмининг фаолият олиб бориши қай тарзда таъминланган?

- A) ДТС ва давлат талаблари асосида
- B) Таълим дастурининг изчилиги ва узвийлиги асосида
- C) Илғор педагогик технологиялар асосида
- D) Ахборот технологиялар асосида

17. Режа нима?

A) Маълум бир муддатга тузилган, бир шаклга келтирилган аниқ мақсадга йўналтирилган.

B) Кўзда тутилган нарсаси.

C) Маҳаллий шароит ва имкониятларни ҳисобга олинган ҳужжат

D) Мавжуд бир қолипга солинган тизим

18. Тажриба-таянч муассасасалари туманда қандай мақсадда ташкил этилади?

A) Туман ўқитувчи (тарбиячи)ларининг узлуксиз касбий маҳоратларини ошириш ҳамда ижодкор ўқитувчи (тарбиячи)ларнинг фаолиятини шакллантириш учун шарт –шароитлар яратиш мақсадида

В) Туман ўқитувчиларининг фаолиятини шакллантириш очик дарслар ўтиш ва семинарлар ташкил этиш мақсадида

С) Туман ўқитувчи учун семинарлар ташкил этиш, фан уюшма йиғилишларини ўтказиш мақсадида

Д) Туман ўқитувчи (тарбиячи)лар учун семинарлар ташкил этиш, очик дарслар ўтказиш, ижодкор ўқитувчи(тарбиячи)ларнинг фаолиятини йўлга қўйиш уларни тарғибот қилиш мақсадида

19. Таянч ўқув режада нималар акс эттирилади?

А) Ўқитиладиган фанлар номи ва соати ҳажми ҳамда уларнинг синфлар бўйича тақсимои белгиланган меъёрий ҳужжат

В) Ўқитиладиган фанлар номи, ҳажми ҳамда уларнинг синфлар бўйича тақсимои

С) Мазкур фан бўйича йил давомида ўқитиладиган мавзуларнинг соатлар бўйича тақсимои

Д) Мазкур фан бўйича йил давомида ўқитиладиган мавзуларнинг соатлар бўйича тақсимои ва бериладиган уй вазибалари кўрсатилган жадвал

20. Ўқув дастури деганда нимани тушунаси?

А) Ўқув режада белгиланган фан ҳажмининг мавзулар бўйича кетма-кетликда тақсимланиши

В) Ўқув дарслигида белгиланган мавзуларнинг кетма-кетликда тақсимланиши

С) Ўқув режада белгиланган фан соатининг мавзулар бўйича кетма-кетликда тақсимланиши ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати акс эттирилган ҳужжат

Д) Ўқув дарслиги ва мавзуй режалиштиришда белгиланган мавзуларнинг кетма-кетликда тақсимланиши

21. Анкета ўтказишда қандай савол турларидан фойдаланилади?

А) Билимлар, фактлар, фикрлар, муносабатлар, назорат ёки қопқонга тушурувчи филтирловчи саволлар;

В) Билимлар, фикрлар, муносабатлар, назорат ёки қопқонга тушурувчи филтирловчи, мунозарали саволлар;

С) Билимлар, далилий, фикрлар, мунозарали, ажратувчи, назорат ёки илмоқли - қопқонга тушурувчи ва филтирловчи саволлар;

Д) Билимлар, фактлар фикрлар,вазиятли, муносабатлар, назорат ёки қопқонга тушурувчи филтирловчи саволлар;

22. Тест топшириқларининг турлари тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг?

А) Гетроген, гомоген тест, муваффақиятлар тести, аралашма тест, мезонли-мўлжалли тест, мономорф тест, машқий тест, тезкор, қобилиятни аниқлаш, стандартлашган, экспериментал;

В) Меъёрий, мезонга кўра, стандартлашган, вазиятли, эришилган даражани аниқловчи, ташхисловчи, қобилиятни аниқловчи;

С) Меъёрий, мезонга кўра, стандартлашган тестлар, эришилган даражани аниқловчи, ташхисловчи, қобилиятни аниқловчи;

Д) Меъёрий, мезонга кўра, стандартлашган, баҳо берувчи, эришилган даражани аниқловчи, ташхисловчи, қобилиятни аниқловчи

23. Дарс кузатиш ва таҳлил қилишнинг мақсадлари берилган жавобни аниқланг?

А) Дарс кузатиш ва таҳлил қилиш орқали ўқувчиларнинг умумий тайёргарлиги, билим олишдаги фаолияти, ўқув фанга бўлган қизиқиши, диққат билан ишлаши, матн, харита, жадвал, асбоблар билан мустақил ишлай билиши, ўқитувчига бўлган муносабати аниқланади

В) Дарс кузатиш ва таҳлил қилиш орқали ўқувчиларнинг билим олиши, ўқув фанга бўлган қизиқиши, диққат билан ишлаши, матн, харита, жадвал, асбоблар билан мустақил ишлай билиши, ўқитувчига бўлган муносабати дарснида қатнашиши, соғлиғи аниқланади;

С) Дарс кузатиш ва таҳлил қилиш орқали ўқувчиларнинг умумий тайёргарлиги, билим олишдаги фаолияти, ўқув фанга бўлган қизиқиши, диққат билан ишлаши, матн, харита, жадвал, асбоблар билан мустақил ишлай билиши, ўқитувчига бўлган муносабати ўйинлардаги иштироки аниқланади;

Д) Дарс кузатиш ва таҳлил қилиш орқали ўқувчиларнинг умумий тайёргарлиги, билим олишдаги фаолияти, ўқитувчига қизиқиши, диққат билан ишлаши, матн, харита, жадвал, асбоблар билан мустақил ишлай билиши, ўқитувчига бўлган муносабати аниқланади;

24. Методик фаолият бу -

А) Сифатли ўқув хизматларини амалга ошириш учун шароит яратиш мақсадида методист ва педагогларнинг манбалар билан таъминланган, бошқариладиган, таълим-тарбия самарадорлиги учун биргаликда олиб бориладиган фаолиятдир

В) Сифатли ўқув жараёнини амалга оширишда методист ва педагог, ота-оналарларнинг биргаликдаги манбалар билан таъминланган, бошқариладиган, таълим-тарбия самарадорлиги учун биргаликда олиб бориладиган фаолиятдир

С) Сифатли ўқув хизматларини амалга ошириш учун шароит яратиш мақсадида мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларини

бошқариладиган, таълим-тарбия самарадорлиги учун биргаликда олиб бориладиган фаолиятдир

D) Методист ва педагогларнинг таълим муассасаларини манбалар билан таъминлаши, таълим-тарбия самарадорлиги учун йиғилишлар ўтказиши ва мактаб раҳбарияти билан биргаликда олиб бориладиган фаолиятдир

25. Методистлар малака ошириш ишларини ташкил этишда нималарга эътибор бериши ва методист сифатида қандай ишларни амалга ошириши лозим?

A) Малака оширишга бўлган эҳтиёжни аниқлайди ҳар бир педагог ҳақида маълумот банкини яратади, малакасини оширишни режалаштиради ҳамда даврийлигини таъминлайди.

B) Малака ошириш режасини тузади ва унинг бажарилишини назорат қилади даражасига қараб ҳар бир педагог ҳақида маълумот банкини яратади

C) Малака оширишга бўлган эҳтиёжни аниқлайди, педагог кадрларни ўз устида ишлаш ва малака ошириш қамровини таъминлаб боради, Малака оширишга боришни назорат қилади

D) Малака оширишга бўлган эҳтиёжни аниқлайди Режа тузади, назорат қилади, семинар ўтказди банкини яратади.

26. Ўқув – методик фаолият қайси ташкилотларда амалга оширилади?

A) Таълим муассасасининг методик кенгашда, фан методбирлашмасида, малака ошириш кафедраларида, республика, вилоят, туман, шаҳар методик бўлимларида, бошқармалар, марказларда.

B) Методик кенгашда, фан методбирлашмасида, республика, вилоят, туман, шаҳар методик бўлимларида, бошқармалар, марказларда.

C) Методик кенгашда, фан методбирлашмасида, республика, вилоят, туман, шаҳар методистлари томонидан, марказларда.

D) Таълим муассасасининг методик кенгашда, фан методбирлашмасида, республика, вилоят, туман, шаҳар методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларида, марказларда

27. Тажриба-синов ишларида методистнинг роли нимада?

A) Тажриба-синов майдонларига берилган методик ёрдам, таҳлил, тавсиялар бериш, хулосаларини тайёрлаш.

B) Тажриба-синов майдонларига фаолиятини текшириш, таҳлил қилиш, хулосаларини тайёрлаш.

C) Тажриба-синов майдонларига методик ёрдам, бериш, текшириш, хулоса тайёрлаш ва маълумотнома тузиш.

D) Методик ёрдам бериш, фаолиятни кузатиш ва хулосаларини тайёрлаш, ҳисобот тузиш..

28. Таълим шароитини шакллантириш манбалари бу-

- A) Кадр, моддий- техник, норматив ҳуқуқий, ўқув- дидактик, ахборот, ташкилий, бошқарув ресурслари ҳисобланади
- B) Кадр, моддий- техник, норматив ҳуқуқий, ўқув- дидактик, тажриба синови, ахборот, ташкилий, бошқарув ресурслари ҳисобланади
- C) Кадр, моддий- техник, норматив ҳуқуқий, бино, ўқув- дидактик, ахборот, ташкилий, бошқарув ресурслари ҳисобланади
- D) Кадр, моддий- техник, норматив ҳуқуқий ресурслари ҳисобланади

29. Таълим муассасасининг методик фаолиятининг мақсади қайси жавобда тўлиқ акс этган?

- A) Таълим муассасаларининг барча педагоглари касбий компетентлигини ривожлантиришни таъминлаш.
- B) Таълим муассасаларининг ходимларини касбий компетентлигини ривожлантиришни таъминлаш.
- C) Таълим муассасаларининг ўқувчиларининг компетентлигини ривожлантиришни таъминлаш.
- D) Таълим муассасалари ўртасида ҳамкорликни таъминлаш.

30. Ўқув режа, ДТС ва ўқув дастурлардаги ўзгаришлар ва уларни ўқув жараёнига тадбиқ этишда методист фаолияти нимада?

- A) Ўқув режа, ДТС ва ўқув дастурлардаги ўзгаришлар ўрганиб олиш ва ўқитувчиларга семинар ўқувлар орқали жорий этиш йўллари бўйича йўриқнома бериш.
- B) Ўқув режа, ДТС ва ўқув дастурлардаги ўзгаришлар ўрганиб олиш ва режалаштириш ишлаб бериш.
- C) Ўқув режа, ДТС ва ўқув дастурлардаги асосидаги ўзгаришлар юзасидан семинар ўтказиш
- D) Ўқув режа, ДТС ва ўқув дастурлардаги ўзгаришлар ўрганиб олиш ва ўқитувчиларга амалий ёрдам кўрсатиш.

31. Таълим муассасаларида билимлар беллашуви нечта умумтаълим фанлари бўйича ўтказилади?

- A) 13 та B) 15 та C) 16 та D) 14 та

32. Давлат таълим стандартларини бажариш қайси муассасалар учун мажбурий ҳисобланади ?

- A) Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар ҳамда олий таълим таълим муассасалари
- B) Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар, олий таълим ҳамда мактабдан ташқари таълим муассасалари
- C) Олий таълим, мактабдан ташқари таълим, малака ошириш таълими

D) Мактабгача таълим муассасалари, мактабдан ташқари таълим

33. Педагогик тажрибани тарғибот қилиш шакллари тўлиқ берилган жавобни аниқланг?

A) Малака ошириш курслари, мастер-класс, касбий маҳорат кўрик-танловлари, кўргазмалар, семинарлар, ахборот воситалари;

B) Касбий маҳорат кўрик- танловлари, кўргазмалар, семинарлар, телевидения, ахборот воситалари;

C) Малака ошириш курслари, кўрик- танловлар, семинарлар, йиғилишлар, тавсиялар;

D) Малака ошириш курслари, семинарлар, очик дарслар, йиғилишлар, телевидения, газета ва журналлар.

34. Метод уюшмага ким раҳбарлик қилади?


A) Метод уюшмасига тегишли фан ёки йўналиш бўйича туман (шаҳар)даги энг ижодкор ва тажрибали ўқитувчи – раис раҳбарлик қилади;

B) Метод уюшмасига тегишли фан ёки йўналиш бўйича туман (шаҳар)даги энг тажрибали директор ўринбосари – раис раҳбарлик қилади;

C) Метод уюшмасига тегишли фан ёки йўналиш бўйича туман (шаҳар)даги энг ижодкор директор – раис раҳбарлик қилади;

D) Метод уюшмасига методист раҳбарлик қилади

35. Расмда кўрсатилган ойнага қандай маълумотлар киритилиши лозим (Internet Explorer дастури интерфейси)?




A) Веб ресурсларнинг интернет манзили

B) Интернет тармоғидан қидириладиган маълумот

C) Электрон почта манзили

D) Интернет орқали узатиладиган маълумот

36. Microsoft PowerPoint дастурида яратилган ҳужжатнинг расмда белгиланган қисми қандай номланади?




- A) “Лист”
- B) “Страница”
- C) “Слайд”
- D) “Презентация”

37. Слайдга «Заголовок и объект» макетини қўллаш унга турли маълумотларни қўшиш имконини беради. Расмдаги қайси белги ёрдамида слайдга диаграмма қўшиш мумкин?




- A) 1
- B) 2
- C) 3
- D) 4

38. Расмда келтирилган рўйхатли элемент ёрдамида матнлар устида қандай ўзгартиришни амалга ошириш мумкин?



- A) Матнга 14 сонини киритиш
- B) Матнга 14 мм абзац масофасини ўрнатиш
- C) Матн шрифтини ўрнатиш
- D) Матн шрифти ўлчамини ўрнатиш

39 Microsoft Word дастурида расмда калин ёзув билан кўрсатилган майдонга ўрнатилган қийматлар нимани англатади?



- A) Сатрлар аро интервални
- B) Абзацлар аро интервални
- C) Сўзлар аро интервални
- D) Ҳарфлар аро интервални

40. Давлат идораларининг расмий сайти қайси домен зонасида рўйхатдан ўтган бўлиши керак?

- A) .uz
- B) .com
- C) .net
- D) .ru

ҲУДУДИЙ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРУВИ ИДОРАЛАРИ МЕТОДИСТЛАРИ УЧУН СЎРОВНОМА

1. Республикамизда қандай таълим турлари мавжуд ?

2. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмлари нималардан иборат ?

3. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти нима ?

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли Қарори билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти”нинг таркибий қисмига нималар кирган ?

5. Ўқувчилар қандай ҳолда кўникмага эга бўлди дейилади ?

6. Ўқувчилар қандай ҳолда малакага эга бўлди дейилади ?

7. Айнан Сизнинг мутахассислигингиз бўйича умумтаълим мактабларининг 5-6-7-синфларида ҳафтасига неча соат дарс ўтилади ?

5-синфда “ _____ ” фанидан _____ соат

6-синфда “ _____ ” фанидан _____ соат

7-синфда “ _____ ” фанидан _____ соат

8. Қандай дарс турларини биласиз, уларнинг номларини ёзинг?

9. Амалдаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларнинг билимини баҳолашнинг рейтинг тизимида ўқувчининг йиллик (якуний) баҳоси “4” бўлса, унга қандай йиллик рейтинг баллари қўйилиши мумкин?

10. Амалдаги умумтаълим мактаблари ўқувчилар билими баҳоланаётган тизимда неча назорат тури бор ва улар қандай номланишини ёзинг?

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 ноябрда қабул қилинган “2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида”ги 548-сонли қарорида умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун дарсликларнинг нашр этиш даврийлиги қандай белгиланган?

_____ -синфлар учун _____ йилда

_____ - синфлар учун _____ йилда

_____ - синфлар учун _____ йилда

12. Дарс таҳлилининг қандай турларини биласиз ?

13. “Педагогик технология” деганда нимани тушунасиз?

14. Педагогик технология методдан, методикадан нимаси билан фарқ қилади?

15. Сизнинг фанингизнинг самарадорлигини оширишга доир қандай педагогик технологияларни биласиз, номларини ёзинг?

16. Педагогик инновацияларни амалиётга жорий этишнинг тизими қандай компонентларни ўз ичига олади?

17. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг “Тақвим мавзуйи режаси” қандай қисмлардан иборат (“Дарс-муқаддас” тавсияси асосида)?

18. “Дарс муқаддас” нима ва унда қандай йўналишдаги масалалар акс этган?

19. Таълим тизимида оид қандай сайтларни биласиз, номларини ёзинг?

20. “Соғлом муҳит – соғлом жамоа” тавсиясида нималар акс этган? Изоҳланг.

Методик хизмат тизimini такомиллаштириш юзасидан тавсияларингиз !

**Халқ таълими тизимидаги фан методистларининг фаолиятини
баҳолаш мезонлари**

Т.р	Фаолият йўналишлари бўйича баҳолаш мезонлари	балл
1. Ташкилий-методик фаолияти		
1.	Ўқитувчи (тарбиячилар) ларнинг методик эҳтиёжларини аниқлаш (<i>ҳар ўқув йилида камида 2 марта, ўқув йили бошланишида ҳамда 1-ярим йиллик якунида</i>)	3 балл
2	Ўзининг йўналиши бўйича “Маҳорат мактаблари” ва таянч таълим муассасалари фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш	4 балл
3	Ўзи бириктирилган йўналиш бўйича (<i>ҳар чоракда 1 марта</i>) туман(шаҳар) фан фан методик уюшмалари фаолиятини ташкил этиш ва натижавийлиги	3 балл
4	Илғор ўқитувчи(тарбиячи)лар банкини шакллантирганлиги	2 балл
5	Якуний аттестация(босқичли) (давлат талабларини бажарилиши) натижалари асосида ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини ошириш бўйича амалга оширган ишларини ташкил этиш	2 балл
6	Оммавий ахборот воситаларида методик тавсия, долзарб мақолалар билан чиқишлари. Конференция ва семинарларда иштироки(электрон нашрлар ҳам)	3 балл
7	Давлат таълим стандартлари (давлат талаблари), ўқув дастури ва дарслик, методик қўлланмаларни такомиллаштиришдаги иштироки (<i>дарслик, методик қўлланмаларга берган тақриз ва таклифлари</i>)	3 балл
Йўналиш бўйича жами:		20 балл
2. Илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга жорий этиш йўналишидаги фаолият		
8	Ўзига бириктирилган фанлар бўйича илғор педагогик технологиялар асосидаги дарс ишланмалари банкини яратиш, таълим муассасаларига етказиб бериши (<i>ҳар чоракда камида 3 та</i>)	5 балл
9	Таълим сифати мониторинги натижасида ўқувчилар билимида аниқланган бўшлиқларни тўлдириш бўйича яратилган дарс ишланмалари, методик тавсиялари ҳамда уларнинг сифати (<i>айнан бўшлиқлар аниқланган мавзулар бўйича камида 5 та</i>)	5 балл
10	Ўқитувчи (тарбиячи) ларнинг илғор(ижодкор) иш тажрибаларини оммалаштириш: (<i>тегишли таълим порталларига киритилганлиги ҳам эътиборга олинади</i>). туман миқёсида (<i>бир ўқув йилида 2 нафар</i>) – 4 балл вилоят миқёсида(<i>бир ўқув йилида 1 нафар</i>) – 5 балл	5 балл

11	Ўқитувчи (тарбиячи)ларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга оид кўникмаларини ривожлантириш бўйича семинарларни ўтказганлиги (ўқув йилида камида бир марта)	5 балл
Йўналиш бўйича жами:		20 балл
3. Таълим муассасаларида методик ишларни самарали йўлга қўйишдаги фаолияти		
12	Йўналиши бўйича таълим муассасаларида методик кенгаш ва методбирлашмалар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш	7 балл
13	Педагогларнинг очик дарсларида қатнашиши, дарс таҳлили дафтарини юритиши (ҳафтада камида 2 марта), шу йўналишдаги амалий-методик ёрдамнинг натижавийлиги	4 балл
14	Ўз йўналиши бўйича ҳудудда белгиланган тажриба-синов майдонларига кўрсатган методик ёрдами, тажриба-синов натижалари бўйича таҳлилий хулосаларнинг тайёрлаганлиги	4 балл
15	Таълим муассасаларидаги методбирлашма раҳбарлари учун ўқув- семинарларни ташкил қилганлиги (ҳар ўқув чорагида камида бир марта)	7 балл
16	Ўзига бириктирилган йўналиш бўйича ташкил этган Август кенгашлари, “Фан ойлиги” ва “Очик дарслар (машғулотлар) фестиваллари” тадбирларини ўтказганлиги	7 балл
17	Ёш ўқитувчилар(тарбиячи)га амалий-методик ёрдамни йўлга қўйганлиги (ҳар чоракда 1 марта)	5 балл
18	Масофавий методик хизматнинг турли шаклларида фойдаланганлиги	6 балл
Йўналиш бўйича жами:		40 балл
4. Бириктирилган фан бўйича ҳудуддаги ўқитувчи ва ўқувчиларнинг натижалари бўйича фаолияти самарадорлиги		
19	Ўзига бириктирилган йўналишлари бўйича ҳудуддаги ўқитувчи(тарбиячи)ларнинг “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси”, “Йилнинг энг яхши тарбиячиси” кўриктанловидаги натижалари: туман босқичида ғолиб - 2 балл вилоят босқичида ғолиб - 4 балл республика босқичида ғолиб - 5 балл	5 балл
20	Ўзига бириктирилган йўналиши бўйича ҳудуддаги ўқувчиларнинг “Билимлар беллашуви” ва “Фан олимпиадаси”нинг натижалари: туман босқичида ғолиб - 2 балл вилоят босқичида ғолиб - 4 балл	5 балл

	республика босқичида ғолиб - 5 балл	
21	Ўзи бириктирилган йўналиши бўйича ўқитувчи (тарбиячи)лари, таълим муассасаларининг «Энг яхши таълим муассасаси веб-сайти», “Энг яхши ўқитувчи веб-сайти”, “Энг яхши электрон ахборот таълим ресурси” кўрик-танловининг натижалари: туман босқичида ғолиб - 2 балл вилоят босқичида ғолиб - 4 балл республика босқичида ғолиб - 5 балл	5 балл
22	“Йилнинг энг яхши фан методисти” кўрик-танловидаги иштироки: туман босқичида ғолиб – 2 балл вилоят босқичида ғолиб – 4 балл республика босқичида ғолиб – 5 балл	5 балл
Йўналиш бўйича жами:		20 балл

Изоҳ: Методистларнинг фаолияти самарадорлиги жами 100 балл билан баҳоланади. Амалдаги рейтинг тизимида кўра, умумий бали 86 - 100 балл бўлса “намунали”, 71 - 85 балл бўлса “яхши”, 55 - 70 балл бўлса “қониқарли”, 55 балдан паст бўлса “қониқарсиз” деб баҳоланади.

Баҳолаш мезонлари вазирликнинг мазкур буйруғи билан тасдиқланган “Халқ таълими тизими методистлари, таълим муассасалари дефектолог ва ўқитувчи-логопедларининг такомиллаштирилган лавозим мажбуриятлари” асосида ишлаб чиқилган.

Давлат таълим стандартларига риоя этиш мониторингини методик таъминлаш кичик гуруҳи методистларининг фаолиятини баҳолаш мезонлари

Т.р	Фаолият йўналишлари бўйича баҳолаш мезонлари	балл
1. Ташкилий-методик фаолияти		
1.	Ўқитувчи (тарбиячилар) ларнинг методик эҳтиёжларини аниқлаш (<i>ҳар ўқув йилида камида 2 марта, ўқув йили бошланишида ҳамда 1-ярим йиллик якунида</i>)	3 балл
2	Ўқув йили давомида таълим сифати мониторингини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш (<i>ҳар чоракда бир марта</i>)	4 балл
3	Туман (шаҳар) жамоатчи экспертлар (<i>ҳар чоракда 1 марта</i>) фаолиятини ташкил этиш ва натижавийлиги	3 балл
4	Илғор ўқитувчи(тарбиячи)лар банкини шакллантирганлиги	2 балл
5	Умумтаълим фанлари бўйича Билимлар беллашуви натижалари асосида ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини ошириш бўйича амалга оширган ишларини ташкил этиш	2 балл
6	Оммавий ахборот воситаларида методик тавсия, долзарб мақолалар билан чиқишлари. Конференция ва семинарларда иштироки(электрон нашрлар ҳам)	3 балл
7	Давлат таълим стандартлари (давлат талаблари), ўқув дастури ва дарслик, методик қўлланмаларни такомиллаштиришдаги иштироки (<i>дарслик, методик қўлланмаларга берган тақриз ва таклифлари</i>)	3 балл
Йўналиш бўйича жами:		20 балл
2. Илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга жорий этиш йўналишидаги фаолият		
8	Халқ таълими бошқарув идоралари томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг ижроси бўйича йиғма жилдларни шакллантирилганлиги ва ижро ҳолати	5 балл
9	Таълим сифати мониторинги натижасида ўқувчилар билимида аниқланган бўшлиқларни тўлдириш бўйича яратилган дарс ишланмалари, методик тавсиялари ҳамда уларнинг сифати (<i>айнан бўшлиқлар аниқланган мавзулар бўйича камида 5 та</i>)	5 балл
10	Ўқитувчи (тарбиячи) ларнинг илғор(ижодкор) иш тажрибаларини оммалаштириш: (<i>тегишли таълим порталларига киритилганлиги ҳам эътиборга олинади</i>) туман миқёсида (<i>бир ўқув йилида 2 нафар</i>) – 4 балл вилоят миқёсида(<i>бир ўқув йилида 1 нафар</i>) – 5 балл	5 балл

11	Таълим муассасаларида ички мониторинг ўтказиш бўйича семинарларни ўтказганлиги (ўқув йилида камида икки марта)	5 балл
Йўналиш бўйича жами:		20 балл
3. Таълим муассасаларида методик ишларни самарали йўлга қўйишдаги фаолияти		
12	Методик хизмат ходимлари, ўқитувчилар билан бирга назорат материаллари базасини шакллантириш, синфлар, фанлар ва мавзулар кесимида тайёрланган ушбу материалларни мунтазам тўлдириб бориш	7 балл
13	Педагогларнинг очик дарсларида катнашиши, дарс таҳлили дафтарини юритиши (ҳафтада камида 2 марта), шу йўналишдаги амалий-методик ёрдамнинг натижавийлиги	4 балл
14	Ўз йўналиши бўйича ҳудудда белгиланган тажриба-синов майдонларига кўрсатган методик ёрдами, тажриба-синов натижалари бўйича таҳлилий хулосаларнинг тайёрлаганлиги	4 балл
15	Таълим муассасаларида умумтаълим фанлари бўйича билимлар беллашувини ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан семинарлар ташкил этилганлиги	7 балл
16	Таълим сифати мониторинги ҳамда Билимлар беллашуви натижалари бўйича Август кенгашаларидаги иштирокида	7 балл
17	Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг давлат таълим стандартларини ўзлаштириш мониторинги ва фанлар бўйича ўқувчилар билимларидаги камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилганлиги	5 балл
18	Методик хизмат ходимлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, ўқувчилар билимида аниқланган камчиликларни бартараф этиш масалалари бўйича фаолиятни амалга ошириш;	6 балл
Йўналиш бўйича жами:		40 балл
19	Иқтидорли ўқувчиларни излаб топиш, уларнинг қобилиятларини рўёбга чиқариш, мактаблар, уларнинг раҳбарлари, ўқитувчилар фаолиятига баҳо бериш ва уларнинг рейтингини аниқлашда олиб борилган ишлари	5 балл
20	Ҳудуддаги ўқувчилар “Билимлар беллашуви”нинг натижалари: вилоят босқичида ғолиблар учун жами - 4 балл республика босқичида ғолиблар учун жами - 5 балл	5 балл
21	Гуруҳнинг йиллик иш режасини, таълим муассасалари мониторинги режа-жадвали ва дастурини тузиш ҳамда ижросини таъминлаш;	5 балл

22	Туман таянч таълим муассасалари негизида таълим сифатини мониторинг қилиш ва уни такомиллаштириш, янги педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш тадбирларини ўтказиш	5 балл
Йўналиш бўйича жами:		20 балл

Изоҳ: Методистларнинг фаолияти самарадорлиги жами 100 балл билан баҳоланади. Амалдаги рейтинг тизимида кўра, умумий бали 86 - 100 балл бўлса “намунали”, 71 - 85 балл бўлса “яхши”, 55 - 70 балл бўлса “қониқарли”, 55 балдан паст бўлса “қониқарсиз” деб баҳоланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. - Тошкент: “Маънавият”, 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: “Шарқ”, 1997.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: “Шарқ”, 1997.
4. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат.- Т.: ТДПУ, 2003.
5. Данияров Б.Х. Инновацион технологиялар асосида таълим жараёнлари сифат ва самарадорлигини ошириш.Т.: 2014 й.
6. Пўлатов Ш.П. Таълим муассасаларини илмий-методик бошқариш технологияси. Т.: 2012 й.
7. Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган педагогик инновациялар. 2013-2015 йй.
8. Халқ таълими вазирлигининг 2010 – 2016 йиллардаги ҳукукий – меъёрий ҳужжатлари.